

**Таъсисчи:**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Ушбу сон муҳаррирлари**

И.И. Ҳувайтов, Р.Р. Тумпаров

**Саҳифаловчи**

Д.Х. Ҳамидуллаев

**Муқова дизайни**

С.В. Асямов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

**Таҳририят манзили:**

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўл ёзмалар мазмун ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўл ёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Saydana-print» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент ш., Қамарнисо кўчаси, 3.

Босишга рухсат этилди 22.06.2012.

Буюртма № 127

© Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси, 2012.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНING АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2012 йил, 2-сон

**МУНДАРИЖА****Долзарб мавзу****Актуальная тема***Икрамов Ш. Т.*

Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг лойиҳаси – суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим босқичи.....3

**Ҳуқуқий ислохотлар ва қонунчиликни  
такомиллаштириш**

**Правовые реформы и совершенствование  
законодательства**

*Одилқориев Х. Т. ,**Азизов Н. П.*

Давлат ҳокимияти шаклланиши ва такомиллашувининг конституциявий асослари.....7

*Ниёзов А. Т.*

Халқаро шартномалар ҳуқуқи ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро муносабати.....12

*Мамадалиев Ш. О.*

Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш — инсон ҳуқуқларининг кафолати.....16

*Туймабоев У.*

Ички ишлар идораларининг фуқаролар ва жамоат уюшмалари билан ҳамкорлиги.....19

*Юлдашев М. Ш.*

Тарбия колониясида жазо ижросини таъминлаш хусусиятлари.....25

*Шоимов Н. Б.*

Экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни кучайтиришнинг баъзи жиҳатлари.....29

*Воронина Н. В.*

Правовые основы национальной модели охраны здоровья населения Узбекистана.....34

*Рашидов Б. Н.*

Гаров эҳтиёт чорасини қўллашда вужудга келаётган муаммолар ва уларни бартараф этишга доир айрим мулоҳазалар.....38

*Фазилов И. Ю.*

Бола савдоси учун жавобгарлик: муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар.....45

**Учредитель:**

Академия МВД Республики Узбекистан

**Редакционная коллегия**

Ш. Т. Икрамов (главный редактор),  
 Н. Т. Исмоилов (ответственный редактор),  
 А. А. Хамдамов, У. Х. Мухамедов, Д. М. Миразов,  
 Б. Ф. Набераев, Ш. Г. Гоибназаров, О. Окюлов,  
 М. З. Зиёдуллаев, Б. А. Яров

**Редакторы номера**

И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

**Верстка**

Д. Х. Хамидуллаев

**Дизайн обложки**

С. В. Асямов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568

Решением Президиума ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 29 апреля 2011 года № 172/5 включен в список научных журналов

**Адрес редакции:**

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
 Тел.: 265-23-56, 265-23-52.  
 e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Узбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд. л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «Saydana-print». г. Ташкент, ул. Камарнисо, д. 3.

Подписано в печать 22.06.2012.

Заказ № 127

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2012.

## Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари

### Актуальные проблемы профилактики правонарушений и обеспечения общественной безопасности

<i>Хамдамов А.А., Холходжаев М.К.-у.</i>	
О специализированных школах для детей, нуждающихся в особых условиях содержания, воспитания и образования.....50	
<i>Зиядуллаев Д.Ш.</i>	
Криминоген ҳолатларда ички ишлар идоралари куч ва воситалари бошқарувини йўлга қўйишда мураккаб тузилмали маълумотларни таҳлил қилиш .....54	
<i>Набераев Б. Ф.</i>	
Особенности организации и производства осмотра места взрыва.....58	
<i>Бутунбаев Т.Н.</i>	
Ахборот соҳасидаги жиноятлар – криминалистик объект сифатида.....61	

### Давлат ва ҳуқуқ тарихи

#### История государства и права

<i>Абдуллаев М.М., Алимов М.М.</i>	
Амир Темур давлатида қонунчилик, жиноят ва жазо масалалари.....64	

### Илмий концепциялар, мулоҳазалар

#### Научные концепции, суждения

<i>Агзамова Е. Ю., Рахиммирзаев С. Б., Ахроров С. Ю.</i>	
Особенности модификации психодиагностического инструментария по изучению аутоагрессивного поведения специалистов экстремального профиля.....72	

### Ёш олимлар минбари

#### Трибуна молодых учёных

<i>Алламбергенов С.</i>	
Қорақалпоғистон Республикаси парламенти ва ҳукуматининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш.....77	
<i>Тўйчиев А.А.</i>	
Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлашда ҳимоячининг иштироки .....80	
<i>Атамирзаев И. Х.</i>	
Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир этувчи олимлар.....86	
<i>Муминов М. Э.</i>	
Некоторые требования, предъявляемые к процессуальному закреплению (фиксации) доказательств.....89	

### Танқид ва библиография

#### Критика и библиография

<i>Саҳаддинов С.М.</i>	
Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш ва уларни такомиллаштириш муаммолари: Монография.....95	

Ш. Т. Икромов\*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ — СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ  
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан асос солинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га мувофиқ суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлида кенг қамровли модернизациялаш жараёнлари изчил, тизимли тарзда амалга оширилмоқда. Мазкур янгиланиш жараёнлари замирида миллий қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали механизми яратилмоқда.

Истиқлол йилларида Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган чуқур ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш билан бирга, суд ҳокимиятининг тўлақонли мустақиллигини таъминлашда ҳам муҳим асос бўлди. Мамлакатда ушбу ислоҳотлар доирасида биргина суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш борасида 60 дан ортиқ қонуннинг қабул қилинганлиги амалга оширилаётган янгиланишларнинг тизимли, истиқболли эканлигидан далолатдир.

Айнан шу йўналишда Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ички ишлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда ушбу тизимдаги нор-

матив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгиллаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-24-сонли қарори<sup>1</sup> давлат бошқаруви соҳасида ҳам, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини бошлаб берди. Жумладан, ушбу дастурнинг «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар устувор йўналишларини амалга ошириш концепцияси»нинг 3.2-кичик банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг дастлабки лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2006 йил 31 январдаги ҳамда 2009 йил 22 январдаги қарорлари<sup>2</sup> билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2006 йилга ва 2009 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари»га мувофиқ парламент қўйи палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида муҳокама қилинган.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг бошлиғи.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2005. — №3—4. — 142-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2006. — №1. — 15-м.; 2009, — №1. — 9-м.

---

---

тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, авваламбор, ички ишлар органларининг бу йўналишдаги фаолиятини янада либераллаштиришга таъминлашга қаратилган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши белгиланиб, ушбу қонунни ҳуқуқни қўллаш амалиётига тўла татбиқ этиш, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунини замон талабларига мос равишда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини юзага келтирди.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасида назарда тутилган ўндан ортиқ тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда ички ишлар органлари асосий субъектлардан бири ҳисобланиб, уларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган. Ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишдаги умумий ваколатлари эса «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топмоғи лозим.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизи мида ички ишлар органлари ўз ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг кенг қамровли лиги билан алоҳида ўрин тутди. Бу борада субъектлар ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини қонуний мустаҳкамлаш, ушбу фаолиятни мувофиқлаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасида<sup>1</sup> ҳам ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ваколатлари, яқка тартибдаги чоратадбирларни амалга ошириши назарда ту-

тилган. Ушбу нормаларнинг келгусида ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этилиши кўп жиҳатдан «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Ф-3559-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ички ишлар органлари фаолиятини қонуний асосда тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш зарурати билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунга қадар ички ишлар органлари ҳамда орган ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосан қонуности норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Қонунчиликда пайдо бўлган бўшлиқ натижасида ҳозирги кунда ички ишлар органларининг у ёки бу фаолиятини тартибга солувчи аксарият норматив ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек қайта ишлаш тўхтатиб қўйилган, чунки мазкур қонун лойиҳасини қабул қилмай туриб, уларни тайёрлаш ва қабул қилиш мумкин эмас.

Мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлаштирилаётган ва фуқаролик жамияти ривожлантирилаётган ҳозирги шароитда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи унинг мазмун-моҳияти ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи махсус қонун асосида фаолият кўрсатиши шарт.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Ф-3559-сонли фармойиши талаблари асосида тузилган Комиссия томонидан лойиҳанинг концепциясида ички ишлар соҳасини норматив тартибга солиш борасида мамлакатимизда ва хорижда тўпланган тажриба ўрганилиб, ички ишлар

---

<sup>1</sup> Ҳозирги кунда ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг талаблари асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган.

---

органларининг давлат-ҳуқуқий моҳиятини қонун даражасида мустаҳкамлашнинг ижтимоий аҳамияти асослаб берилди. Шунингдек, қонун лойиҳаси концепциясида қонуннинг асосий мақсади бўлмиш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва очиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги, республика ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари, иш принциплари ва фаолиятининг йўналишлари белгилаб берилди.

Бўлғуси қонундан кутилаётган натижалардан бири келгусида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ислоҳ қилишдир. Жумладан қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ички ишлар органларининг патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари тизимидаги иш ва яшаш жойи ноаниқ шахсларни реабилитация қилиш марказлари, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қабулхоналари каби тузилмаларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайта ишлаб чиқилишида муҳим асос бўлади.

Ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган айрим турдаги давлат мажбурлов чоралари (жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш) ҳозирги кунда бир неча норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Қонун нормаларида ушбу мажбурлов чораларини қўллаш тартиби, асослари аниқ белгиланиб, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан эканлиги қайд этилган.

Қонун лойиҳасининг концептуал қоидалари қаторида ички ишлар органларининг ижроия ҳокимият тизимидаги ўрни, вазифалари ва принциплари, мажбуриятлари, ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, ўқотар қуролни қўллаш тартибини, шунингдек қўллаш учун

рухсат этилган махсус воситаларнинг муайян рўйхатини, хизматнинг умумий шартлари ва қабул қилиш қоидалари ҳамда уни ўташ тартибини белгилаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишининг кафолатлари, ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш чора-тадбирлари ҳамда фуқаролар томонидан ички ишлар органлари ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби назарда тутилган.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва қонунчилик амалиётида илк бор ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилиб, унга асосан Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, конституциявий тузумни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органидир деган ҳуқуқий тушунча қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Лойиҳада қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш ички ишлар органлари фаолиятининг энг асосий принциплари қаторида белгилаб қўйилди.

Қонун лойиҳасининг яна бир устувор жиҳати унда ички ишлар органлари ўзига юклатилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда амалга оширишини назарда тутувчи қоиданинг белгиланганлиги ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш қонун концепциясининг асосий таркибий

қисмларидан биридир. Хусусан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси 7-боби ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига бағишланган бўлиб, унда ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ҳимоялаш кафолатлари, уларнинг соғлиғини сақлаш, хизматига ҳақ тўлаш, турар жой билан таъминлаш, давлат пенсия таъминоти, мулкига етказилган зарарни қоплаш, жамоат транспортида бепул юриши, шунингдек ички ишлар органлари ходимлари вафот этган ёки майиб бўлган ҳолларда давлат суғуртаси ва зарарни қоплаш ҳамда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби масалалар атрофлича ёритилган. Жумладан, қонун лойиҳасида ички ишлар органлари ходимларининг махсус унвонлари учун бериладиган маошлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий унвонлари учун тўланадиган маошга тенглаштирилган ҳолда берилиши ички ишлар органлари ходимларининг кучайтирилган тартибдаги ва суткалик хизматларидан ташқари, тунги, дам олиш ва байрам кунларидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига биноан компенсация тўланиши алоҳида нормада белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонунининг 14-моддаси талабларига мувофиқ<sup>1</sup> қонун лойиҳасини тайёрлашда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари инобатга олинган, шунингдек қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилган. Хусусан, Беларусь ва Украинанинг «Милиция тўғрисида»ги, шунингдек АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Австралия, Ҳиндистон, Хитой, Словения, Финляндия, Эстония,

Озарбайжон, Арманистон, Молдова, Россия каби давлатларнинг «Полиция тўғрисида»ги қонунлари ўрганиб чиқилди; Франция, Норвегия, Польша, Греция, Италия, Чехия, Туркия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг ушбу фаолиятни ташкил этиш механизми таҳлил қилинди.

МДҲга аъзо мамлакатларнинг ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларида ўзаро концептуал фарқлар мавжуд эмас. Хусусан, ушбу қонунларда полиция фаолиятининг принциплари, полициянинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, полициянинг айрим давлат мажбурлови чораларини қўллаши, жисмоний куч, махсус воситалар ва ўқотар қуролларнинг қўлланилиши, полиция ходимининг ҳуқуқий ҳолати, полицияда хизматни ўташ, полиция ходими ижтимоий ҳимоясининг кафолатлари, молиявий ва моддий-техникавий таъминот, шунингдек полиция фаолиятини назорат қилиш ва текшириш каби нормалар белгиланган.

Ўз навбатида, аксарият хорижий давлатларда полиция фаолияти миллий қонунлар ва анъаналарга асосланган. Бир қатор давлатларда полиция органлари Ички ишлар вазирлиги ихтиёрида бўлади ёки бевосита таркибий қисм сифатида унинг тизимига киради. Бу эса полициянинг давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиш воситаси сифатидаги аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди. Шунингдек, полиция адлия, хавфсизлик вазирликларига бўйсунган ҳоллар ёхуд махсус вазирлик ёки идоралардан ажралиб чиққан махсус полициялар ҳам учрайди.

Ўйлаймизки, республикамизда «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунийликни таъминлашни янги сифат босқичига кўтариб, ички ишлар соҳасида давлат бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2006. — №10. — 537-м.

Х. Т. Одилқориев\*,  
Н. П. Азизов\*\*

## ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатчилик, ҳуқуқ тизими ва қонунчилик борасида инсоният тўплаган энг илғор тажриба ва ғояларни ўзида мужассамлантирган, олий юридик кучга эга ҳужжатдир. Ижтимоий адолат, демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги эзгу қоидалар ундан муносиб ўрин эгаллаган. Ўзбек халқининг кўп минг йиллик давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёти ютуқлари, унинг эрк, озодлик ва мустақиллик хусусидаги азалий орзу-умидлари унда ўз аксини топган.

Асосий қонун Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий негизи бўлиб, халқимизнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигини, эзгулик ва бағрикенглик анъаналарига изчил риоя этишини ифодалайди. У давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий пойдевори, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликнинг ишончли кафолатидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий

Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди». «... Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини биринчи навбатда биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Конституцияси олий юридик кучга эга қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий-иқтисодий негизини, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият тараққиётининг устувор соҳаларини муҳрлаб берди. У жамият миқёсида эришилган ўзига хос *ижтимоий келишувнинг* маҳсули сифатида майдонга чиқиб, энг аввало, **давлат ҳокимиятини инсон ҳуқуқлари кўламига мутаносиб равишда меъёрлаш** ҳамда шу орқали ҳокимият билан фуқароларнинг ўзаро муносабатларини мувозанатлаш ва шаффофлаштириш вазифасини ўтамоқда.

Мустақил тараққиётимиз йиллари мобайнида давлат ҳокимияти ва давлат бошқару-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2011.– 8 дек.

---

вини демократлаштириш айнан Конституция асосида, унда мустақамланган ҳокимиятлар тақсимланиши ва бошқа конституциявий принципларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, қонун чиқарувчи ва маҳаллий вакиллик органларининг ваколатлари ҳамда назорат функцияларининг таъсирчанлигини кучайтириш, судлов тизимини либераллаштириш ва судларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Конституцияси дунёдаги реал ва ҳақиқий конституциялар қаторидан муносиб ўрин олган. Зеро, у давлат ҳокимиятини ташкил этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятни бошқариш борасидаги конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атворида ўз аксини топиб, уларнинг хатти-ҳаракати мазмунини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бугунги кунда барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролар учун муқаддас ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатга айланди. Шу маънода, Президент Ислоҳ Каримов баён этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидланганидек, «мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг асосий қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади»<sup>1</sup>.

Конституциямизнинг беқиёс қадр-қиммати шундаки, у нафақат истиқлолимизнинг бош ҳуқуқий кафолати, балки юксалиш ва камолот сари одимлаб боришимизнинг дастуриламалидир. Конституция ўзининг ҳуқуқий (қону-

ний) тартибга солувчи таъсир кучи орқали жамият ҳаётига уюшқоқлик, ташкиллашганлик, барқарорлик ва батартиблик хусусиятларини жо этиб келмоқда. Аслида, ҳар бир конституциявий норманинг мазмунини ижтимоий эҳтиёжлар ва талабларни акс эттирганлиги боис, уларни самарали қўллаш – ижтимоий тараққиёт, ривожланиш ва юксалиш омили сифатида намоён бўлади.

Мустақил давлатимизнинг йигирма йиллик тараққиёти мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси самарали амал қилди ва шу асосда эришган ютуқларимизни сарҳисоб қилиш, жамият ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ўзгаришларни чуқур, ҳар томонлама таҳлил этиш ҳамда холисона баҳо бериш имкониятига эгамиз. Конституция қабул қилинганидан буён ўтган қарийб йигирма йиллик даврда жамият ҳаётида кенг кўламли ўзгаришлар содир бўлди. Натижада, Ўзбекистоннинг сиёсий тизими ва давлат бошқаруви қиёфаси тубдан ўзгарди. Буларнинг барчаси жамиятимиз Конституция асосида илдам ривожланаётганлигини кўрсатади.

Асосий Қонун қабул қилинган кундан буён унга (1993, 2002, 2007 ва 2011 йилларда) жамият ҳаёти учун ўта муҳим бўлган ўзгаришлар киритилди. Булар сирасида мамлакат парламентининг тузилиши ва фаолият кўрсатишига оид конституциявий қоидаларнинг изчил ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов давлат бошқаруви ва парламент ислохотига оид таклифни умумхалқ муҳокамасига ва овоз беришига қўйиш ғоясини илгари сурди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида (2001 йил 6 декабрь) депутатлар икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш масалалари

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Т., 2010. – Б. 7.



---

юзасидан Ўзбекистон референдумини ўтказиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди. Шунга кўра, 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи мамлакатда *икки палатали парламент тузиш* ва Ўзбекистон Республикаси *Президенти ваколат муддатини 5 йилдан 7 йилга узайтириш* ғоясини қўллаб-қувватлади. Референдум натижалари Ўзбекистон сиёсий тизимининг жадал ривожланишига туртки бўлди. Ўзбекистон халқи референдумга қўйилган масалаларни маъқуллаб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятни давом эттириш зарурлигини тасдиқлади.

Икки палатали парламентга ўтилиши олий ҳокимият органлари ўртасидаги ваколатларнинг қайта тақсимланишига, умуман, давлат механизмнинг муайян даражада ижобий ўзгаришига олиб келди. Хусусан, 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар Асосий Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

«Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги (2002 йил 4 апрель) конституциявий қонун демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришга доир қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришнинг қуйидаги бешта асосий принципини белгилаб берди:

*биринчиси* — қонун устуворлигини, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасидаги мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

*иккинчиси* — халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

---

*учинчиси* — сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

*тўртинчиси* — нодавлат нотижорат тузилмалари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустақамланиши ҳамда ривожланиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

*бешинчиси* — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустақамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш. Мазкур принциплар Конституциянинг кейинги тараққиёти учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Конституциянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи XVIII-XX боблари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти асослари тўғрисидаги XXI боби янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, Ўзбекистон парламенти – Олий Мажлис — Ўзбекистон Республикасининг доимий амал қилувчи олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи сифатида, Қонунчилик палатаси (қуйи) ва Сенати (юқори палата)дан иборатлиги белгиланди. Конституциявий қоидаларда, Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларининг мақоми, асосий ваколатлари, палаталарнинг ички тузилиши каби масалалар ўз талқинини топди.

Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг қарор топганлиги, «*биринчидан*, том маънода профессионал парламентга ўтиш; *иккинчидан*, давлатчилик қурилиши ва сиёсий воқелигимизда замонавий парламентаризм аънаналари (тартиблари)ни шакллантириш ва янада ривожлантириш; *учинчидан*, давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида

---

қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мавқеи ва ҳуқуқий мақомини изчиллик билан мустаҳкамлаш ва шу тариқа ҳокимиятлар тақсимланиши принципини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш имконини бериши шубҳасиз».

Конституциямизнинг мамлакат Президентининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи моддалари ҳам замон талабларига мос равишда ривожланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган таҳририда 89-модданинг мазмуни қуйидагича эди: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади». Ушбу қоида Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ўтиш даврида мамлакатда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, ҳокимиятлар тақсимланиши принципини ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга янада теранроқ жорий этишни, олий ҳокимият органлари тизимида рўй берган муҳим ўзгаришлар асосида конституциявий қоидаларга тегишли ўзгартишлар киритилишини тақозо этди. Жумладан, 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга биноан Конституциянинг 89-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир», деб белгиланди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда 2006 йил 8 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий

партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида» қонун лойиҳалари киритилди. Унда, *биринчи навбатда*, давлат бошқарувини демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари ўртасида ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишига эришиш; *иккинчидан*, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишда, жамият ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали халқ турмуш шароитининг яхшиланишида сиёсий партияларнинг масъулиятини янада ошириш кўзда тутилди.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмида)»ги конституциявий қонуни билан Конституциянинг 89-моддаси мазмуни қуйидагича ифодаланди: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурган ғоялари Конституциянинг такомиллашуви учун навбатдаги туртки бўлди. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) Ўзбекистон Республикаси қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилиниб, Сенат томонидан шу йил 25 мартда маъқулланди ҳамда 18 апрелда

---

Президент томонидан имзоланди. Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг уч субъекти – давлат бошлиғи – Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни давом эттиришда, жамиятни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадини кўзлайди.

Қонунда, шунингдек, Конституциянинг 98-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, Вазирлар Маҳкамасининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиш тартиблари, ваколатлари белгилаб берилди. Мамлакат олий қонунчилик органи билан ижро ҳокимияти ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган ўта муҳим қоида – *ҳукуматга ишончсизлик вотуми* билдириш тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди. Унда ишончсизлик вотуми тўғрисидаги масалани киритиш тартиби, кўриб чиқиш, Бош вазирга (ҳукуматга) ишончсизлик вотуми билдиришдан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, бундай вотум билдириш натижасида Бош вазирни лавозимдан озод этиш, янги Бош вазир номзодини тақдим этиш ва уни сайлаш тартиблари белгиланди. Президент томонидан таклиф этилган ушбу қонунлар

лойиҳаларининг Олий Мажлис томонидан қабул қилиниши мамлакатда бошланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришларнинг, айниқса, сиёсий тизимни модернизация қилишнинг мантиқий давоми ҳамда давлат ҳокимиятини демократик тарзда ташкил этиш кафолатларини янада кучайтириш учун ишончли асос бўлди, дейиш мумкин.

Конституцияга киритилган ўзгартишлар Ўзбекистонда изчил жадаллашиб бораётган эркинлаштириш жараёнининг муҳим ҳуқуқий негизига айланди. Мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамият касб этиб, давлат ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларнинг мутаносиб тақсимланиши ва мувозанатнинг сақланишига, сиёсий партиялар томонидан турли ижтимоий қатламлар иродасини янада самарали ифода этилишига хизмат қилади. Давлатнинг демократик институтлар ва тартиботларни шакллантириш борасидаги роли ва тизимли фаолиятини янада кучайтиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тараққиёти жамият ҳаёти билан ҳамоҳанг ва узвийдир. Конституция жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги туб ўзгаришларни ҳам ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди, ислоҳий янгиланишлар таъсирида ўзи ҳам такомиллашиб, замон талабларига мослашиб боради. Шу аснода Асосий Қонунимиз жамиятимизнинг ёрқин истиқбол сари илгарилама ҳаракатини таъминлайди.

## ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ҲУҚУҚИ ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Давлатлар ўзаро муносабатда азалдан бир-бирларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини шартномалар тузиш орқали белгилашган. Шартномалардан узоқ вақтлардан бери фойдаланиш натижасида халқаро муносабатларни тартибга солувчи аниқ халқаро ҳуқуқий нормалар пайдо бўлди. Бу нормалар шартномаларни тузиш тартиблари, ҳаракати, ҳақиқийлигини, шарҳлаш ҳамда ҳаракатдан тўхтатиш қоидаларини белгилаб берди. Бу нормалар йиғиндиси ўз ўрнида халқаро ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси — халқаро шартномалар ҳуқуқини ташкил этади.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи — халқаро ҳуқуқнинг алоҳида мустақил соҳаси бўлиб, халқаро шартномаларни тузиш, қўллаш ва бекор қилиш тартибларига оид муносабатларни тартибга солиди<sup>1</sup>.

Халқаро шартномалар ҳуқуқининг манбалари одат нормалари бўлиб, улар қуйидаги универсал конвенцияларда кодификациялаштирилган ҳамда ривожлантирилган:

1) Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 йилги Вена конвенцияси;

2) давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар тўғрисидаги 1986 йилги Вена конвенцияси.

Халқаро ҳуқуқ назариясида халқаро шартномалар ҳуқуқи деганда, халқаро ҳуқуқнинг халқаро шартномаларнинг тузилиши, амал қилиши, ўзгартирилиши ва тўхтатилиши тартибини, амалдаги шартномалар шароитини белгилайдиган нормаларидан иборат тегишли соҳаси тушунилади. Бу соҳа объекти сифатида эса халқаро ҳуқуқнинг етакчи ва асосий манбаига айланиб улгурган халқаро шартноманинг ўзи намоён бўлади. Халқаро шартно-

малар ҳуқуқи шартноманинг номланиши, объектнинг тури ва уларни тузиш тартибларидан қатъи назар, барча турдаги халқаро шартномаларга тааллуқли ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқнинг ушбу соҳаси аҳамиятининг изчил ортиб боришига ҳозирги кунда дунёда халқаро шартномаларнинг ўрни кучайгани сабаб бўлмоқда<sup>2</sup>.

Халқаро шартномалар ўз объектининг мақсадидан келиб чиқиб ҳар хил номланиши мумкин. Булар: декларация, якуний акт, якуний протокол, конвенция, консуллик конвенцияси ёки битими, коммюнике, халқаро битим, меморандум, дипломатик нота, хатлар алмашуви, ноталар алмашуви, пакт, халқаро шартномага илова, протокол, резолюция, тавсиялар, статут, трактат, устав ва бошқалар.

Шартнома халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалдаги ёзма шаклидир. Халқаро шартнома икки ёки ундан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги битимдир. Халқаро шартнома мустақил давлатларнинг ихтиёрийлик ва суверен тенглик асосида келишилган иродаси ҳисобланади. Замонавий халқаро ҳуқуқнинг аксарият нормалари шартнома хусусиятига эга<sup>3</sup>.

Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам қоғозда қайд этилган нормаларни қўллашдаги аниқлик ва қулайлик туфайли, халқаро шартномалар жуда оммабоп ҳисобланади. Халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш вазифаларининг мураккаблашиб бориши натижасида халқаро шартномаларнинг мавқеи тобора юксалмоқда.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига хос энг муҳим жиҳат кўп томонлама шартномалар сони ва мавқеининг ортиб бораётганидир. Бу ҳол дунёда давлатларнинг фақат ҳамжи-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси бошлигининг ўринбосари.

<sup>1</sup> Қаранг: Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари: Дарслик. — Т., 2006. — Б.179.

<sup>2</sup> Ўша манба. — Б.179.

<sup>3</sup> Ўша манба. — Б. 54.

хатликдаги саъй-ҳаракатлари билангина тартибга солиш мумкин бўлган глобал муаммолар сони кўпайиб кетаётгани билан изоҳланади. Барча давлатлар учун умумий бўлган принциплар ва нормалар асосида умумжаҳон тартиботини сақлаб туриш зарурати ҳам худди шу йўналишга қаратилган.

Халқаро ҳуқуқ назариясида халқаро-ҳуқуқий шартнома деганда, халқаро ҳуқуқнинг асосий ва муҳим манбаларидан бири тушунилади. Бу БМТ Уставида ҳамда БМТ Халқаро суди статутида ҳам ўз аксини топган.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 йилги Вена конвенцияси ҳамда Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1986 йилги Вена конвенциясининг 2-моддасига мувофиқ, халқаро шартнома — халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги битимдир.

Шартнома халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида улар учун юридик жиҳатдан мажбурий бўлган қоидалар — уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга доир халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратиш тўғрисидаги битимни нисбатан аниқ шаклда ифода этади. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг кўпчилиги шартномавий хусусиятга эга.

Халқаро шартномалар давлатлар эркин хоҳиш-иродасининг ҳосиласи бўлиб, халқаро ҳаётнинг объектив тартиб-қоидаларига суяниши ва ушбу тартиб-қоидалар асосида амал қилиши лозим. Халқаро шартномалар юқоридаги шартларга амал қилган ҳолдагина объектив ва ижтимоий заруриятга айланади. Томонларнинг ўзаро шартлашуви ва келишуви халқаро шартноманинг энг характерли белгиси ҳисобланади. Келишув халқаро шартноманинг асосий белгиларидан бири бўлиб, давлатларнинг ўзаро мақсадлари, бир-бирига ён бериш ва ўзаро муросалари шаклидаги «келишув» орқалигина ҳал этилади. Бундай тартибдаги қоидаларга амал қилинмай тузилган халқаро шартнома ўз-ўзидан ҳуқуққа

хилоф ҳисобланади ва давлатлараро муносабатларда ўзаро тенглик тамойили қоидаларини кўпол равишда бузади.

Халқаро шартнома халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро мулоқотларда фаол ҳаракати натижаси ҳисобланади. Бунда субъектлар доимий равишда ўзаро муносабатларини янгилаб, замонавийлаштириб, шу билан бирга, эскириб қолган усуллардан воз кечган ҳолда халқаро шартномаларни янги шароитларга мослаштириб борадилар. Бу соҳада эришилган ютуқларни бутун инсоният цивилизациясининг мулкига айлантирмоқ лозим.

Ҳар қандай суверен давлат ўзининг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга. «Шартномаларда давлатлар асосий томонлар ҳисобланади. Давлатлараро шартномалар халқаро муносабатларни тартибга солишда асосий ўрин тутаяди ва шу тариқа халқаро ҳуқуқ нормаларини яратади»<sup>1</sup>. Шунингдек, «халқаро шартнома давлатларнинг ўзаро ҳаракатларини амалга оширишда қулай восита ҳисобланади. Шунинг учун ушбу шартномалар давлатларнинг ташқи алоқалари учун норматив манба сифатида қабул қилинади ва қўлланилади»<sup>2</sup>. Шартнома – томонларнинг хоҳиш-иродаси билан тузилган битим.

Халқаро шартномалар халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг энг асосий воситаси бўлиб, уларсиз ҳозирги жаҳон ҳамжамиятининг тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Халқаро шартнома орқали давлатлар халқаро ҳамжамиятда ўзларининг асосий функциялари ва шартномавий мажбуриятларини, «*Pacta sunt servanda*» тамойилига қатъий амал қилган ҳолда виждонан бажаришлари шарт.

Халқаро шартномани тузиш ва имзолаш яқунлангач, унинг кучга кириши, эълон қилиниши ва рўйхатга олиниш жараёнлари амалга оширилади. Халқаро шартнома кучга киргунига қадар яна бир қатор жараёнлар борки, уларни амалга оширмай туриб, халқаро шартнома ҳеч қандай юридик аҳамиятга эга бўлмайди. Аммо ратификация қилиниши ёки тасдиқланиши

<sup>1</sup> Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ: Дарслик. – Т., 1997. – Б.65.

<sup>2</sup> Умархунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. – Т., 2003. — С. 37.

талаб этилмайдиган халқаро шартнома имзоланиши биланоқ кучга киради. Бу иш шартномада қайд этилган шарт-шароитга мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган барча ёндашув ва фикр-мулоҳазалардан бир нарсани аниқлаш мумкин: халқаро шартномалар халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги барча муносабатларни халқаро ҳуқуқда умум эътироф этилган нормалар асосида бошқариб, тартибга солиб турувчи битимдир.

Халқаро шартномалар халқаро муносабатларни акс эттирибгина қолмай, ҳар бир шартнома ўз номига ҳам эгадир. Халқаро шартномаларни турлича номлаш халқаро шартномалар амалиётида кенг қўлланилади, лекин уларнинг номи ҳеч қандай юридик аҳамият касб этмайди<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам, юқорида қайд этганимиздек, бугунги кунда халқаро шартномаларнинг ўндан ортиқ турлари мавжуд. Аммо, айтиш жоизки, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида халқаро шартномаларнинг номлари билан эмас, балки уларнинг халқаро-ҳуқуқий тизимда тутган ўрни (норма-мақсадлар ва норма-принциплар), фаолият доираси (универсал, минтақавий ва партикуляр) ва юридик кучи (императив ҳуқуқ — *jus cogens*, қаттиқ ҳуқуқ — *hard law*; диспозитив ҳуқуқ (юмшоқ ҳуқуқ — *soft law*) билан таснифлаш кўпроқ одат бўлган. Айниқса, халқаро шартноманинг миллий ҳуқуққа таъсир кўрсатишида унинг юридик кучи катта аҳамиятга эгадир.

Халқаро шартномалар давлатлар ҳаётида жуда муҳим мавқега эга бўлиб, унинг обрў-эътибори, келажаги, равнақи, халқаро ҳамжамиятда тутган ўрнини белгиловчи, мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари барқарорлигининг таъминланишини, давлатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳолатини акс эттирадиган, хуллас, барча жабҳаларда алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий актдир. Халқаро шартномалар давлатнинг фақат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий аҳволини акс эттирибгина қолмай, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини ҳам белгилаб берувчи асосий омил сифатида эътироф этилади.

Миллий ҳуқуқий тизим — авваламбор, давлатнинг субъектлари ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимидан иборат. Албатта, «миллий ҳуқуқ тизими» тушунчасига оид кўплаб таърифларни келтириш мумкин ва бир таъриф билан бу тушунчани тўлиқ очиб бериш мушкул. Давлатимизнинг Асосий Қонуни ҳисобланган Конституция ўзида «миллий ҳуқуқ» тушунчасини тўлиқ акс эттиради. Конституция бутун қонунчиликнинг негизи ҳисобланади. Конституция қонунлар мажмуи эмас, у ягона ғоя, мантиқ, ўзак йўналиш билан йўғрилган яхлит, буткул бир ҳужжат ҳисобланади<sup>2</sup>. Конституция бутун мамлакатнинг миллий ҳуқуқини ўзида акс эттириши билан бир қаторда, демократиянинг даражасини ҳам белгилаб беради. Барчамизга маълумки, жаҳон ҳамжамияти бирон давлат билан ҳамкорлик қилишдан аввал шу давлатнинг миллий-ҳуқуқий тизимини ўрганиб чиқади. Миллий ҳуқуқнинг халқаро андозаларга нечоғлик жавоб бериши, мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларда ўз аксини топганлиги, қонунларнинг мукамаллиги, доимо ҳамкорлик қилишга чоғланаётган мамлакатнинг диққат марказида бўлган. Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқининг асосида юқорида келтирилган барча жиҳатлар муҳассамлашган. Дунё тажрибасида Конституциянинг фазилатини, моҳиятини унинг нормалари ва тартиб-қоидалари, умуминсоний қадриятларга содиқлиги, унда инсон ҳуқуқлари нечоғликҳимояга олинганлиги билан ўлчаш одат бўлиб қолган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, халқаро шартномалар ва миллий ҳуқуқ бир-биридан куйидаги жиҳатлари билан фарқланиб туради.

*Биринчидан*, халқаро шартномалар ўзига хос усулда шаклланади. Агар миллий ҳуқуқ нормалари бир давлат органи томонидан қабул қилинса, халқаро шартномалар халқаро ҳуқуқ субъектлари (давлатлар, халқаро ташкилотлар) томонидан яратилади.

*Иккинчидан*, халқаро шартнома нормалари ўз моҳияти билан миллий ҳуқуқий тизимдан фарқ қилади. Агар миллий ҳуқуқ нормалари

<sup>1</sup> Қаранг: Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ: Дарслик. — Т., 2001. — Б. 138.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. — Т., 2001. — Б.17.

муайян бир давлатнинг мазмун-моҳияти ва табиатини намоён этса, халқаро шартнома нормалари умуминсоний ва умумдемократик хусусият касб этади.

*Учинчидан*, халқаро шартнома миллий ҳуқуқдан ўз субъектлари билан ҳам фарқ қилади. Агар миллий ҳуқуқнинг субъектлари жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари бўлса, халқаро шартнома субъектлари бўлиб давлатлар, халқаро ташкилотлар, халқлар ва миллатлар ҳисобланади.

*Тўртинчидан*, халқаро шартномалар ўзининг тартибга солиш объекти билан ҳам ажралиб туради. Агар миллий ҳуқуқ бир давлат доирасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солса, халқаро шартнома нормалари давлатлараро муносабатларни ёки кенгроқ маънода давлатлараро тизим субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

*Бешинчидан*, халқаро шартномалар ўз фаолият кўлами ва воситалари билан ҳам миллий ҳуқуқдан фарқ қилади. Агар миллий ҳуқуқнинг амал қилиши ва қўлланиши муайян бир давлатнинг ижроия ва суд органлари билан боғлиқ бўлса, халқаро шартномаларнинг амал қилиш механизмида эса ижроия ва суд органлари йўқ.

Демак, халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ бири-биридан мустақил бўлса-да, «ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизимини бошқа миллий ҳуқуқий тизимлар ва халқаро ҳуқуқ билан боғламасдан ўрганиб бўлмайди. Бундай ҳуқуқий «учбурчак» умумий ҳуқуқий ҳудуд сифатида хизмат қилади. Унда турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзаро таъсирда бўлади, тўқнашади ва биргаликда фаолият кўрсатади. Бундай алоқаларда қонунийлик ва барқарорлик, қарама-қаршилик ва тасодифийлик бор. Уларнинг негизида давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамловчи умумий интеграция жараёнлари ётади»<sup>1</sup>.

Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида давлатлараро ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бораётган бир пайтда турли соҳалар-

га оид алоқаларни чуқурлаштириш, айниқса, халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқий тизимлар орасидаги ўзаро фарқларни камайтиришни, бошқача айтганда, икки тизимнинг самарали, изчил ҳамда барқарор алоқасини таъминлашни тақозо этади.

Ҳолбуки, дунёда ўзига хос тараққиёт йўли ва қарашларига эга миллатлар, халқлар ва давлатлараро ўзаро манфаатдорлик, ҳамжиҳатлик алоқаларининг қарор топиши ва ривожланишида халқаро ҳуқуқ билан миллий ҳуқуқий тизим ўртасидаги муносабатлар муҳим ўрин тутаяди. Чунки, «халқаро ҳаётда демократия ва қонунийликни давлат ички демократия-сисиз ёхуд қонунийлигисиз тасаввур этиб бўлмайди»<sup>2</sup>, «дунёда ҳамжиҳатлик ғояси давлатлар ҳуқуқий тизими ягона мақсад асосида қурилишини талаб этади. Демократия халқаро ва ички ҳуқуқий тартибот умумдемократик тамойилларга таянишини кўзда тутаяди»<sup>3</sup>. Энг муҳими, ушбу жараён ўзининг «доимий ва ажралмас эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эга»<sup>4</sup>.

Демак, халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар, бу муносабатларни амалга оширишдаги назарий ва амалий муаммолар мазкур ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро алоқадор ва бир-бирига таъсир кўрсатиш асосида ривожланиши билан ҳам долзарб ва мураккаб муаммолардан ҳисобланади. Шу муносабат билан, халқаро ҳуқуқнинг асосий соҳаларидан бири бўлган халқаро шартномалар ҳуқуқининг миллий ҳуқуққа таъсири ва ўз навбатида, миллий ҳуқуқнинг халқаро шартномалар ҳуқуқининг ривожланишига таъсири нафақат халқаро ҳуқуқнинг самарадорлиги даражасини, балки муайян давлатларнинг халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ўзаро муносабатлари салмоғини, халқаро ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини, халқаро муносабатларнинг демократик тамойилларга асосланганлиги даражасини ва, энг муҳими, давлатларнинг ҳозирги замоннинг глобал муаммоларини биргаликда тушуниш ва ҳал этишга бўлган иродасини кўрсатиб беради.

<sup>1</sup> Қаранг: Саидов А.Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. – Т., 2004. – Б. 387.

<sup>2</sup> Қаранг: Лукашук И.И. Международное право. Общая часть: Учебник. – М., 2001. – С. 203-204.

<sup>3</sup> Лукашук И.И. Демократия – принцип международного сообщества XXI столетия // Государство и право на рубеже веков: Материалы всероссийской конференции. – М., 2000. – С.7.

<sup>4</sup> Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права: правовые категории. – М., 2002. – С.354.

## АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини эълон қилиб, ривожланишнинг умумэтироф этилган демократик йўлини танлади. Чунки демократик йўл инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган, инсоният тажрибасида ўз исботини топган ягона бошқарув тизимидир.

Демократияни ахборот соҳасига татбиқ этганда, бу энг аввало ахборот плюралиزمи (ҳар хиллиги), сўз эркинлигини таъминлаш, цензурага йўл қўймаслик, оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг «тўртинчи ҳокимият» сифатида эътироф этилишини англатади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотлар натижасида ахборот соҳасидаги давлат монополиясига чек қўйилди. Ўзбекистон ахборот маконида нодавлат оммавий ахборот воситалари пайдо бўлди. 1991 йилда улар сони 300 тача бўлса, 2012 йилга келиб 1200 тага етди.

Ўзбекистон Президенти айтиб ўтганидек, мавжуд телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият кўрсатади, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда<sup>1</sup>.

Бу эса ОАВ ўртасида рақобат муҳитини вужудга келтириб, фуқароларнинг ахборот танлови ҳуқуқини таъминлади. Давлат бошқаруви тизимидаги «цензура» назоратини олиб борувчи идора фаолиятига чек қўйилди.

ОАВнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтириш, уни том маънодаги норасмий «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буни давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари билан асослаш мумкин: «Матбуот ва ахборот воситаларини тўртинчи ҳокимият

сифатида эътироф этиш ҳуқуқий давлат оёққа туришининг муҳим шартларидан бири эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Модомики, Ўзбекистон эркин, очиқ ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу шартларни сўзсиз бажариши керак. Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари ҳам айнан мазкур мезонлардан келиб чиқиб яратилди»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, 20 йиллик мустақил тараққиёт давомида демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган ОАВни эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Мамлакатимизда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилган. Телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Интернет тизимидан фойдаланувчиларнинг сони 8 миллиондан ортиб кетди.

Ўрни келганда эслатиб ўтиш жоизки, дунёда Интернетдан фойдаланувчилар сони 2,1 миллиард кишини ташкил этади<sup>3</sup>. Уларни қитъалар бўйича тақсимлаганда қуйидаги манзарани кузатиш мумкин: Осиё – 44%, Европа – 23%, Шимолий Америка – 13%, Лотин Америкаси – 10%, Африка, Яқин Шарқ ва Австралия – 6,3%.

Бундан кўринадики, бугун Ўзбекистон фуқароси дунёнинг исталган нуқтасидан ахборот олиш ҳамда хоҳлаган жойига ахборот узатиш имкониятига (ҳуқуқига) эга бўлди. Бу Ўзбекистоннинг очиқ, демократик жамиятга айланганлигидан далолатдир.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти кафедрасининг бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. —Т., 2010. — Б. 30.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. — Т., 1996. — Б.325.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон овози. — 2012. — 9 фев.



Ўзбекистонда дунёнинг етакчи мамлакатлари тажрибасига таянган ҳолда журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизими вужудга келди. Ўзбекистон миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Жаҳон тиллари университети, Шарқшунослик институтларида ушбу вазифа амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, бугун дунё катта тезликда ривожланмоқда, бу, ўз навбатида, ахборот алмашинувининг замон талаблари даражасида бўлишини объектив заруриятга айлантирди.

Жаҳоннинг сиёсий-ижтимоий луғатидаги «XXI аср – ахборот асри» «ахборотлашган жамият», «очиқ жамият», «дунё – ахборот макони», «интернет», «электрон почта», «ахборот уруши», «ахборот хавфсизлиги» каби янги иборалар ана шу заруриятнинг амалий ифодасидир. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, ахборот асрида ахборотга «тарғибот-ташвиқот воситаси», «ахборот – бу товар», «ахборот – бу мафкуравий қурол» каби муносабат билдирилмоқда.

Ҳақиқат шуки, бугун ахборотдан ҳар ким ўз манфаатлари йўлида фойдаланяпти. Шу боис ҳақиқатни ёлғонга, ёлғонни ҳақиқатга айлантириш жараёнлари (миш-мишлар, бўхтон, уйдирмалар) ахборот маконида (масалан, 2005 йилдаги Андижон воқеалари) глобал муаммога айланган.

«Ғарб матбуоти танқидга, Шарқ матбуоти олқишга мойил» деган бир томонлама ноҳолис ёндашувнинг заминиди ҳам аслида манфаатлар тўқнашуви ётибди. Айтиш жоизки, танқидга лойиқ аҳволни олқишлаш қанчалик хато бўлса, мақтовга лойиқ ҳолатни назар-писанд этмаслик ҳам шунчалик хатодир. Бугун дунё ОАВ олдида ахборот хавфсизлиги, сўз эркинлигини таъминлашда «холис» ва «тезкор» хабар тарқатиш, «журналист одоби», «журналист масъулияти» қабилар долзарб муаммога айланган. Буни Ўзбекистон Президенти: «Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборот олишни кутади», деб таърифлайди.

Шу боис Президент И.А. Каримов илгари сурган концепцияда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ қуйидаги масалаларни ҳал этиш кўрсатиб ўтилган. Булар ОАВ фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмлари, ахборот манбаларининг ёпиқлиги,

шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммолардир.

Ўзбекистон Президенти қонунчилик ташаббуси тариқасида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қафолатлари тўғрисида»ги қонунларни қабул қилишни таклиф этди. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда ОАВни янги сифат босқичига олиб чиқиши шубҳасиздир.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, Ўзбекистонда фуқароларнинг ахборот олиш ва узатиш ҳуқуқи, сўз эркинлигини таъминлаш учун ҳуқуқий-сиёсий имкониятлар яратилган. Аммо, айтиш жоизки, журналистларимизнинг маҳорати, фуқароларимизнинг фаоллиги замон талаблари даражасидан ортда қолмоқда. Буни айрим газета ва журналлар ададларининг камайиб кетаётганида, фуқароларимизнинг таҳлилий матбуотдан кўра, сариқ (ёки қора) матбуот номини олган нашрларга эҳтиёжи ортиб бораётганида кўриш мумкин. Масалан, бугун сиёсий партиялар газеталарига нисбатан «Даракчи» оммабоп. Демак, журналистларимиз ўз ўқувчиларини фикр юритишга ундайдиган, уларнинг дунёқарашини кенгайтирадиган, маънавий озуқа берадиган матбуотга қизиқшини ошириши лозим бўлади. Бунинг учун эса фактик материаллар, статистика ва қонунга суянадиган ахборотни тезкор тарқатишга эришишлари зарур.

Фуқаролар эса холис ахборот нон, сув ва ҳаво каби инсон ҳаёти учун зарур эканлигини англашлари, ахборот сушт айланадиган жамиятда тафаккур сушт ишлашини унутмасликлари керак.

Республикамиздаги оммавий ахборот воситаларига – телевидение, радио, газета, журнал, бюллетенлар ва бошқаларни киритиш мумкин<sup>1</sup>.

Шу ўринда табиий савол туғилади, Ўзбекистон ОАВ салкам 29 миллионлик аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондира оляптими? Ҳозир аҳолининг аксарият қисми ахборотни асосан *телевидение ва радиодан* олади. Фандан бизга маълумки, кўриш, эшитишдан кўра, бевосита *ўқиш* орқали олинган ахборот дунёқарашни кўпроқ бойитади, самарали бўлади. Бу кемтикни газеталар тўлдирари

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. – Т., 2007. – Б.4.

деб ўйлармиз. Афсуски, йўқ, мустақиллик йилларида газеталарнинг сони ортганини ижобий баҳоласак-да, аммо улар ахборотга бўлган эҳтиёжни қондирадиган даражада эмас.

Буни куйидаги рақамлар мисолида кўриш мумкин. Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг нашри бўлмиш «Халқ сўзи», «Народное слово» 107 минг 942 нусха, «Правда Востока», «Қишлоқ ҳаёти» 10 минг, сиёсий партиялар газеталарининг бир марталик адади 25 мингга етмайди (4 та газета), «Хуррият» мустақил газетаси нари борса 3 минг нусхада босилмоқда. Бундан кўринадики, бизда бирорта оммабоп нашр йўқ ҳисобида. Бунинг оқибатида чекка вилоят ва қишлоқлардагина эмас, йирик шаҳарларда ҳам газета кириб бормайдиган хонадонлар, оилалар истаганча топилади. Сўнги йилларда вилоятларда газеталар сони ортди, лекин умумий адади озайди. Масалан, вилоятда ўртача 1,5–2 миллион аҳоли яшайди, газеталар сони – 30–40 тага етади, аммо уларнинг адади 50 минг нусхадан ошмайди. Яъни, оммабоплик даражаси йўқ. Бугун энг оммабоп деб ҳисоблаган «Даракчи» газетасининг адади – 130 минг нусхани ташкил этмоқда. Бундай ҳолатнинг оқибати жиддий: *биринчидан*, мамлакат миқёсида тарқатилаётган янгиликка беэътиборлик ортади, *иккинчидан*, маҳаллий аҳолининг фикрлаш доираси, савияси пасаяди, *учинчидан*, энг хавфлиси, ғоявий бўшлиққа ёки ёт ғоя ва мафкуралар таъсири учун шароит яратилади. Аҳолининг ижтимоий пассивлашувига, жамият миқёсида кечаётган жараёнларга бепарволикнинг ортишига олиб келади. Шу боис ҳам Юртбошимиз доимий равишда халқимизни бохабар бўлиш, ҳушёрликни бир сония бўлса-да бой бермасликка чақирмоқда, бугун ахборот хуружи, «мафкуравий полигон»лар ядро полигонларидан хавфлироқ, дея огоҳлантириб келмоқда. Чунки, ахборот уруши, мафкуравий курашлар айнан ОАВда содир бўляпти. Шу ўринда биргина Интернетга назар солайлик. Бугун Интернет орқали нафақат ижобий, балки салбий ғоялар, бузғунчи мафкуралар кириб келаётганлигидан, террорчилар Интернет саҳифаларини эгаллашга ҳаракат қилаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Маълумотларга кўра<sup>1</sup>, Интернет тармоқларида ўзини ўзи ўлдиришга тарғиб этувчи 10 мингга (ўз-ўзини ўлдириш бўйича ҳозир Фарб биринчи ўринни эгаллаган);

– шаҳвоний хирсни кўзғатувчи 5 минга яқин сайтлар мавжуд (Фарбда бугун «Эркин севги» ғояси тарғиб қилиниши оқибатида «Оила экономияси» деган тушунча пайдо бўлди);

– мавжуд сайтларнинг 12 фоизида порнографик характердаги ғоялар тарғиб қилинмоқда; – улардаги оддий болаларбоп ўйинларнинг қарийб 50 фоизида зўравонлик, 40 фоиздан кўпроғида жангарилик намоиш этилади. Ундан ташқари, 10 фоиз ёшлар «компьютер-бозлик» дардига мубтало бўлган. Уларни совуқ компьютердан ота-оналарининг иссиқ бағрига қайтариш долзарб муаммога айланган. Чунки улар ота-онасини эмас, компьютернинг айтганини қилишмоқда.

Юқорида билдирилган фикрлардан асосий хулоса шуки, бугун аҳолининг газетхонлик, китобхонлик даражасини ошириш орқали мафкуравий иммунитетини шакллантириш, уларни Ватанга, халқимизга садоқат руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасидаги масаладир. Ушбу масалани ҳал этиш учун барча ҳуқуқий асослар, ижтимоий-сиёсий имкониятлар яратилган. Ҳар бир фуқаро, журналист, ОАВ олдида турган асосий муаммо – ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш. Ўзбекистонда аҳолининг саводхонлик даражаси қарийб 100 фоизга тенг. Бу кўрсаткич дунё бўйича ўртача 30–40%ни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда 90%дан ортиқ. Демак, гап аҳолининг саводхонлигида эмас, ОАВ вакиллари, ўқитувчи, олим ва зиёлиларимизнинг ўз вазифасига масъулият билан муносабатда бўлишида десак, асло муболаға бўлмайди.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2011 йилда очилган республика «Маърифат» марказида 6,5 миллионта китоб сақланмоқда. Бугун ҳашаматли замонавий кутубхонанинг ташкил этилиши ҳам, аслида, китобхонлик тарғиботининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини англатади.

Шундай қилиб, жамиятни бир тирик организм деб тасаввур қилсак, ОАВни организмдаги қон томирларига, ахборотни эса – мана шу томирларда тўхтовсиз ҳаракатда бўладиган қонга ўхшатиш мумкин. Ҳозирги замон кишисининг маънавий-мафкуравий, фуқаро сифатида мавжудлиги, соғломлиги унинг холис ахборот билан нечоғлик таъминланганлигига қараб белгиланади. Бундай шароитни мамлакатдаги ички ахборот макони яратади.

<sup>1</sup> Инсон ва қонун. – 2012. – 24 янв.

## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАР ВА ЖАМОАТ УЮШМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ бошланган янгиланиш ва ислохотлар, улкан ўзгаришлар замирида Президентимиз томонидан олиб борилаётган одилонани сиёсат ва узоқни кўриб иш тутиш принципи ҳамда «Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун» деган ғоялар ётибди. Айнан Юртбошимиз мамлакатда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлашда Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматининг роли катта аҳамиятга молик эканлигини кўп марта таъкидлаганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 27 март фармони ва унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ИИБ профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги 2001 йил 6 июнь қарори билан республикамизнинг барча қишлоқлари, овуллари ва аҳоли яшайдиган энг чекка жойларида ҳам халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарди, ғами ва ташвишлари билан яшайдиган профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишига асос солинди.

Ўтган давр мобайнида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишида Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам қатор буйруқ ва кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Жумладан, ИИБнинг 1994, 2002, 2009 йиллардаги буйруқлари билан тасдиқланган йўриқномаларда профилактика (катта) инспекторларининг хизмат фаолияти аниқ белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг «Шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш тўғрисида»ги 2001 йил октябрь буйруғи билан тасдиқланган йўриқномада республикамиз ҳудудида, алоҳида минтақаларда ва шаҳарларда содир этилаётган жиноятларнинг

сабабларини чуқур ўрганиш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи шартшароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда куч ва воситалардан унумли фойдаланиш таҳлилини олиб бориш тартиблари белгилаб берилди.

ИИБнинг 2001 йил 17 ноябрь буйруғи билан «Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро қилиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 2001 йил 28 декабрь буйруғи билан «Профилактика инспекторларининг маъмурий амалиёти бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 30 дан ортиқ йўриқномалар амалга киритилди.

Юқорида қайд этилган қарорлар асосида профилактика инспекторлари лавозимлари кўпайтирилди. Натижада ҳар бир маҳалла, энг олис, чекка қишлоқ ва овулларгача халқ билан ишлайдиган, унинг дарду ғамига ҳамдард, қувончу ташвишларига шерик бўлишга, ҳамнафас бўлишга маънавий жиҳатдан қодир бўлган профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишига эришилди.

Милиция таянч пунктларини ташкил этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «**Ички ишлар идораларининг энг биринчи, куйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларини ҳар томонлама етук, халқ билан ишлашга билими, тажрибаси, ақл-идорки етадиган, жонкуяр профилактика инспекторлари билан жамлашга алоҳида аҳамият қаратилсин...**» деган эди. Профилактика инспекторлари бугун ўзи хизмат қилаётган ҳудудда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи асосий шахс сифатида намоён бўлмоқда. Уларнинг хизмат ҳудудида ҳуқуқий масалаларни бевосита ўзи ҳал этаётгани фуқароларни қизиқтирган масалалар ва дуч келган айрим муаммолар учун ички ишлар ёки ҳуқуқ-тартиботни

\* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси матбуот котиби.

---

муҳофаза қилувчи бошқа идораларга бориб овора бўлишларига ҳожат қолдирмаяпти. Фуқаро ларнинг турмуш тарзи, оилавий муаммолари билан боғлиқ ва бошқа ҳар қандай масалалар ҳамкорлик ва баҳамжиҳатлик билан ҳал этилмоқда.

Фуқаролар ва кенг жамоатчиликнинг ички ишлар ходимлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақида гап борганда, шубҳасиз, аввало профилактика инспекторларининг фаолияти назарда тутилади.

Жойларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фақат ички ишлар идоралари ходимларининг иши эмаслиги, бунинг учун ҳар бир фуқаро ҳам ҳисса қўшиши зарурлигини англаб етаётган юртдошларимиз профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қилишмоқда. Бу масканда эндиликда ички ишлар ходимлари билан бир сафда қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллари, маҳалла посбонлари, хотин-қизлар кўмитаси ва яраштириш комиссияси аъзолари, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва бошқа маҳалла фаоллари хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1999 йил 15 март қарори асосида жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича ҳокимликлар ҳузурида махсус комиссиялар тузиш, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ташкил этиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштириш комиссияларини тузиш борасидаги ишлар йўлга қўйилди.

Ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда «Жазони ижро этиш жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар», «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари, «Фуқароларнинг ўзини ўзи

---

бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари тўғрисида»ги Низомлар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги қарори билан тасдиқланиб, амалга киритилди.

Низомларда ички ишлар идораларининг фуқароларнинг жамоат уюшмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш тартиби белгилаб берилган бўлиб, мазкур Низомлар ички ишлар идоралари ходимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун махсус дастур ҳисобланади. Шу боис, 1999 йил 26 апрель куни Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарорини амалда бажариш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги буйруғи эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, республика вазирлик ва идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг аҳоли билан ҳамжиҳатлигини оширишга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқароларнинг фаоллигини, ҳамжиҳатлилигини ошириш, уларнинг маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида фаолияти рағбатлантириб борилмоқда.

2008 йилнинг 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил

---

19 апрель қарорига асосан мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч-осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида Яраштириш комиссиялари ташкил этилди.

Низомга биноан, Яраштириш комиссиялари зиммасига маҳаллада, оилаларда ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи шахслар билан профилактик ишлар олиб бориш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳаётда, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, миллий кадриятларимизга зид ҳолда ахлоқий жиҳатдан ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўриш, оилавий жанжалларни атрофлича бартараф этиш каби масъулиятли вазифалар юклатилган.

Бу борада мазкур комиссиялар томонидан халқимизнинг анъаналарига таянган ҳолда, бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бугун республикаимиз ҳудудидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган 8500га яқин ана шундай комиссия томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлили жойларда уларнинг фаолиятига эътибор берилаётганлиги, Низомда белгилаб берилган вазифалар бажарилаётганлиги, оилалар ва қўни-қўшнилар ўртасидаги низоларни аниқлаш ва айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўриш ҳамда муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш бўйича масъул бўлган ички ишлар идоралари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар комиссияси раислари ўртасида ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилганини кўрсатмоқда.

Оилаларда ижтимоий-руҳий муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган турли салбий ҳолатларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда фуқаролар йиғини ҳузуридаги

Яраштириш комиссияси фаолиятини такомиллаштириш, фуқаролар йиғинлари таркибидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси, ҳудудий профилактика инспекторлари, шунингдек маҳаллада истиқомат қилувчи намунали оилаларнинг бошлиқлари, имомхатиблар, фахрийлар ва нуронийларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида 2008 йил 10 апрель куни Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, оиладаги ва жамиятдаги ролини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аёллар савиясини ҳар томонлама юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш, соғлом оилаларни шакллантириш, энг муҳими, уларнинг жиноят кўчасига кириб қолишларининг олдини олиш ва улар ҳуқуқбузарликларига қарши курашда фаол ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонда хотин-қизлар, аёллар ва оналарнинг маънавий баркамоллиги, саломатлиги ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш масаласига мамлакатимиз раҳбарияти томонидан устувор йўналишлардан бири сифатида қаралиб, бу борада кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз ва ҳукуватимиз томонидан Республикаимизда яшаётган аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётида учраётган ўзига хос муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 май фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 29 июнь кунги “�збекистон Республикаси Президентининг “�збекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2004 йил 25 май қарори қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аёлларнинг тақдири ва дунёқарашида улкан ўзгаришлар рўй берди. Улар орасидан номи бутун дунёга танилган етук зиёлилар, яратувчи-тадбиркорлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг етакчилари етишиб чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ички ишлар вазирлиги билан Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармаси Республика бошқаруви ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида қабул қилинган қўшма қарорлар талабларига асосан, республика ҳудудида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фуқароларнинг оилада ва маҳаллада тинч, осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш мақсадида жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан барча минтақаларда фуқаролар йиғини раислари, “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаларининг сардорлари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар комиссияларининг раислари иштирокида ҳар йили кенгайтирилган семинар-кенгашлар ўтказилмоқда.

Ушбу Фармон ва Қарор асосида республикаимиз бўйича **8200 дан ортиқ** диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг иш фаолиятини яхшилаш борасида жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғини кенгашларига амалий ва методик ёрдамлар кўрсатилди.

Диний-экстремистик оқим тоифасига мансуб шахслар оила аъзоларининг барчаси ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тўлиқ назоратга олинган бўлиб, бу борада ушбу оқимларга аъзо хотин-қизларни аниқлаш ҳамда профилактик йўллар билан уларга тегишли таъсир чоралари кўришга ички ишлар идоралари фаолиятининг энг асосий

йўналишларидан бири деб қаралиб, бу борада кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарбиявий-профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Энг асосийси, республикаимиз миқёсида ташкил этилган милиция таянч пунктларида вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт майдончалари, турли спорт ва факультатив тўғаракларнинг фаолияти йўлга қўйилганлиги вояга етмаган ва ёшлар орасида қаровсизлик, назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда яхши самара бермоқда.

Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, айниқса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кенг жамоатчиликни жалб этиш, қолаверса мазмун ва моҳияти бўйича бутунлай янгидан ташкил этилган милиция таянч пунктларини; биринчидан, ҳар қандай вақтда ва ҳолатда ҳам ёрдамга муҳтож фуқароларга амалий ёрдам кўрсатадиган; иккинчидан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қиладиган; учинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини самарали, мазмунли ташкил эта оладиган; тўртинчидан, ички ишлар идораларининг жамоат тузилмалари ва аҳоли билан узвий ҳамкорликда фаолият юритишига барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган масканга айлантириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2002 йил 16 май қарори** қабул қилинди.

Мана шу Қарор ва ислоҳотлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгашининг “Намунали милиция таянч пунктлари ўртасида конкурс-кўргазмалар ўтказиш тўғрисида”ги 2002 йил 27 декабрда қабул қилинган қўшма қарори асосида 2003 йил январь ойидан бошлаб ҳар йили конкурс-кўргазмалар ўтказилиб, 1, 2, 3-ўринни эгаллаган милиция таянч пунктлари хизмат автомашиналари ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Конкурс-кўргазмаларда:

- энг фаол профилактика инспекторлари;
- энг осойишта ва обод маҳалланинг оқсоқоли;
- энг фаол маҳалла посбони;

---

– энг фаол диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи;

– энг фаол вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспектори;

– энг фаол маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга тантанали равишда қимматбаҳо совғалар берилиши йўлга қўйилган.

Шунингдек, профилактика тадбирларини ташкиллаштириш, жиноятга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга жамоатчиликнинг тарбиявий таъсир чораларини ўтказиш орқали ушбу тоифа шахсларда ижобий дунёқарашни шакллантириш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамиятга зид турмуш тарзи юритаётган ва ўзининг хатти-ҳаракатлари билан бошқаларга салбий таъсир кўрсатаётган шахслар аниқланиб, ички ишлар идоралари профилактик ҳисобига олиниб, улар билан мунтазам профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Муқаддам судланган шахслар томонидан такроран жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида ушбу шахсларга нисбатан Ижтимоий-кўникма марказлари орқали моддий ёрдам берилишида ва ишга жойлашишларида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябрь қарорининг қабул қилиниши ушбу тизимнинг имкониятларини янада кенгайтириш орқали жамиятда вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигининг олдини олишда жамоатчилик ролини кучайтиришга қаратилди.

Вояга етмаганлар қаровсизлиги, назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигига йўл қўймаслик, болаларни ижтимоий ҳимоялаш, таълим-тарбияси билан шуғулланиш, умумий ўрта таълимдан бош тортиб юрганларни аниқлаб, ўқишга жалб қилиш борасида маҳаллий

ҳокимликлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, таълим муассасалари, “Маҳалла” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа вояга етмаганлар масалаларига масъул бўлган давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор ташкилий, амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамиздаги умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ўқувчи-талабалар билан, маҳалла ва корхона-ташкilotларда ҳам кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда ёшлар қаровсизлиги, назоратсизлигининг олдини олиш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик, уларни турли салбий таъсирлардан сақлаш мавзуларида мунтазам равишда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Республикамизда ёз мавсуми бошланиши билан вояга етмаганларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишига катта эътибор берилётганлиги боис, ёзги дам олиш оромгоҳларида жамоат тартибини сақлаш, ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили «Ғамхўрлик» тадбири ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид тавсияларини бажариш юзасидан миллий ҳаракат режаси» талабларидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастури ҳамда БМТнинг ирқий камситишларнинг олдини олиш юзасидан 2 ва 3-даврий ҳисоботлари талабларидан келиб чиққан ҳолда Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 27 сентябрь буйруғи билан тасдиқланган ички ишлар идоралари томонидан бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланди.

Ички ишлар идоралари ходимлари республикада қабул қилинган «Оила, маҳалла, мактаб» концепциясида фаол иштирок этмоқдалар.

Республика Ички ишлар вазирлиги БМТ қошидаги ЮНИСЕФ халқаро болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти билан Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ювенал адлия тизимини татбиқ этишда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

---

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимлари ушбу ташкилот томонидан ташкил этилган «Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни, одил судлов тизимини такомиллаштириш», «Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш», «Ювенал адлия тизими муаммолари», «Ёшлар Ўзбекистон меҳнат бозорида», «Ўзбекистонда болалар меҳнати», «Ўзбекистонда Ювенал адлия тизими: ҳолати ва истиқболлари» мавзусидаги семинарларда иштирок этдилар.

2002 йилда БМТнинг «Бола ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги тавсиялари»дан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган 2002—2007 йилларга мўлжалланган миллий ҳаракат режаси ижро учун барча минтақаларга юборилди.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Миллий телерадиокомпания, «Соғлом авлод учун», «Экосан» халқаро жамғармалари ва Республика қасаба уюшмалари федерацияси томонидан ҳамкорликда ташкил этилган «Футбол келажаги» спорт мусобақалари ўтказиш даврида хавфсизликни таъминлаш ва намунали жамоат тартибини сақлаш таъминланди.

Республикада болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида қаровсизлик, назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга доимий равишда эътибор қаратиб келинмоқда.

2008 йилда мамлакатимизда адашган ёки қаровсиз қолган, ташлаб кетилган болаларни жойлаштириш мақсадида ташкил этилган «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари»дан 12 таси фаолият кўрсатган бўлса, 2009 йилда Вазирлик Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасининг ташаббуси билан мавжуд штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан бундай марказлардан бири Навоий вилоятида фаолият кўрсата бошлади. Ана шундай марказлардан бирини Сурхондарё вилоятида очиш борасида ишлар жадал олиб борилмоқда.

---

Айтиш жоизки, 2006 йилда Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази барча қулайликларга эга бўлган шинам ва замонавий бинога кўчирилди, алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож 14-17 ёшдаги вояга етмаган ўғил болалар учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Сирдарё вилояти Бахт шаҳрида ихтисослаштирилган «Бахт шаҳар ўғил болалар махсус коллежи» ҳамда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 11—14 ёшдаги қизлар учун мўлжалланган Чиноздаги махсус мактаб-интернатнинг очилишига эришилди.

Бугунги кунда Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси таркибидаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини назорат қилиш бошқармаси жазони ижро этиш инспекциялари устидан умумий раҳбарликни амалга ошириб, уларга суд ҳукмларини ижро қилишда ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларига ҳукм қилинганларга нисбатан чиқарилган суд ҳукмларининг ижроси тўлиқ ва белгилан муддатларда бажарилишини таъминлаб келмоқда.

Шунингдек, жазоларни ижро этиш масалалари бўйича норматив ҳужжатлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш ишларини ташкил этиш, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларнинг иш ҳақидан суд томонидан белгиланиб, ундирилиши лозим бўлган ажратмаларни таҳлил қилиш асосида давлат фойдасига ўтказиладиган маблағларни кўпайтириш каби вазифалар ҳам амалга оширилмоқда.

Ҳур ва озод мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари қўйилган пойдеворнинг янада бақувват бўлишида ички ишлар идоралари ходимларининг муайян ҳиссаси бор. Зеро, профилактика инспекторлари орасида ўз вазифасига сидқидилдан ёндашадиганлари кўпчиликни ташкил этар экан, мамлакат тинч, фуқароларимиз ҳаёти осойишта, маҳаллаларимиз эса бундан ҳам обод ва кўркам бўлиб бораверади.



## ТАРБИЯ КОЛОНИЯСИДА ЖАЗО ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баробарида болалар ҳамда ёшларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш нафақат илмий-назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг тахминан 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар, 64 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътибор қаратиш, уларни ҳаётимизда том маънода ҳал қилувчи кучга айлантириш мақсадида 2008 йил «Ёшлар йили», 2010 йил эса «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди.

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган либераллаштириш натижалари ўлароқ, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятларни содир этган вояга етмаганларга кўп ҳолларда жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган. Бироқ, уларнинг тузалиш йўлига кириши учун имконият берилишига қарамасдан, улар томонидан қайта ва такроран жиноятлар содир этилиши кузатилмоқда<sup>1</sup>. Оқибатда айрим вояга етмаган шахсларга нисбатан судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмоқда.

Жиноий жазони ижро этиш тизимида вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасаларнинг қисқача тарихи ҳақида тўхта-

ладиган бўлсак, бу масалага ўтган асрнинг бошларигача деярли жиддий эътибор қаратилмаган.

Масалан, 1909 йилгача Россия турма қонунчилиги бўйича 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган вояга етмаганлар катта ёшдагилар билан биргаликда сақланаверган<sup>2</sup>. Туркистонда вояга етмаган маҳкумларни тарбиялаш учун мўлжалланган дастлабки тиббий-таълимот муассасалари 1921 йилга келиб Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги томонидан 1921 йил 29 майда тасдиқланган «Вояга етмаган озодликдан маҳрум этилганлар учун мўлжалланган Тошкент меҳнат уйи (реформаториумлар) тўғрисида»ги Низом асосида ташкил этилган.

1955 йилга келиб собиқ Иттифоқда расман вояга етмаганлар учун тарбия-меҳнат колониялари ташкил этилди ҳамда унинг умумий ва кучайтирилган тартибли турлари жорий қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар кириштириш тўғрисида»ги 2003 йил 12 декабрь қонунига мувофиқ 2004 йилда республикада кучайтирилган тартибли тарбия колонияси тугатилди<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-ижроия кодексига (бундан кейин – ЖИК) вояга етмаган маҳкумларнинг озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташлари учун тарбия колониялари назарда тутилган (ЖИК 45-м. 2-қ.). Қонунчилигимизда «тарбия» терминига урғу берилиши бежиз эмас, чунки тарбия колонияларида вояга етмаган маҳкумларга нисбатан психологик-педагогик ва тарбиявий таъсир кўрсатишнинг

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди.

<sup>1</sup> Қаранг: *Мавлонова З.Т., Шоматов Д.А.* Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг айрим жиҳатлари // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2011. – Б. 149.

<sup>2</sup> Уголовно-исполнительное право России. – М., 1997. – С. 6–7.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – № 1–2. – 8-м.

турли усул ва шакллари ишлаб чиқилган ва амалиётда кўпроқ қўлланилишини тақозо этади. Бунда маҳкумларнинг ёши, индивидуал хусусиятлари (ЖИК 124-м.), психологик ва жисмоний ривожланиш ҳолатлари албатта эътиборга олинаши лозим.

Тарбия колониясида 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган маҳкумлар ва муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарорига асосан қолдирилган (тарбия колониясида жазони ўташ даври мобайнида салбий тавсифга эга бўлмаган) 21 ёшгача бўлган вояга етган маҳкумлар жазони ўтайдилар (ЖИК 128–129-м.). Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар — каттароқ ёшдаги маҳкумлардан, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар (ЖИК 124-м.).

Тарбия колониясида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган вояга етмаган маҳкумлар, ЖИКнинг 102-моддасида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари, ЖИКнинг 126-моддасида кўрсатиб ўтилган муассаса ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий, томоша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш, қисқа муддатли учрашув ўрнига ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш, ҳибсхонада бўлиш муддатини қисқартириш ва уни муддатидан илгари озод қилиш тариқасида рағбатлантириш чораларига тавсия этилиши мумкин.

Шунингдек, жазони ўташ тартибини бузганлиги учун тарбия колониясидаги маҳкумларга, ЖИКнинг 105-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари, томошага боришдан бир марта маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин.

Тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган маҳкумларга етти суткагача, 16 ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга эса ўн суткагача бўлган муддатга қўлланилади. Тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб

қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соатдан ошиб кетмаслиги белгиланган (ЖИК 127-м.).

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил август ойида бўлиб ўтган сессиясида суд-ҳуқуқ тизимида либераллаштириш масаласи кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 2001 йил 29 август қонуни қабул қилинди<sup>1</sup>.

Суд амалиётининг кўрсатишича, ушбу қонун қабул қилинганидан сўнг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазони қўллаш кескин камайди. Жумладан, статистик маълумотлар таҳлилига кўра, республикада жами жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг 2000 йилда 57,2 фоизини, 2001 йилда 39,7 фоизини, 2002 йилда 37,7 фоизини, 2003 йилда 32,1 фоизини озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо турлари ташкил этган<sup>2</sup>.

2006 йилга келиб жами судланганларнинг 27,7 фоизига озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо турлари тайинланган<sup>3</sup>. Ҳозирги кунга келиб ушбу кўрсаткич ўртача 27–30 фоизни ташкил этмоқда. Пировардида Ўзбекистон аҳоли жон бошига нисбатан маҳкумлар сони бўйича халқаро миқёсда энг яхши – охириги ўринларни эгаллаб, сўнгги йилларда ҳар юз минг аҳолига 166 нафар маҳкум тўғри келмоқда<sup>4</sup>.

2007 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган барча жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 2,82 фоизини ташкил қилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 2,53 фоизни ва 2009 йилда 2,44 фоизни ташкил қилган. Қолаверса, жиноят содир этган шахслар орасида вояга етмаганлар сони ҳам йилдан йилга камайиб бормоқда. Жиноят содир этган шахслар орасида вояга етмаганларнинг улуши 2007 йилда 3,7 фоизни ташкил қилган бўлса,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 165-м.

<sup>2</sup> Халқ сўзи. – 2004. – 15 окт.

<sup>3</sup> Халқ сўзи. – 2007. – 18 янв.

<sup>4</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 19 – 20.

2008 йилда у 3,4 фоизга ва 2009 йилда 3,11 фоизга камайган<sup>1</sup>. Агар 2001 йилда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм этилган вояга етмаган шахслар маҳкумларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 0,92 фоизни ташкил этган бўлса, сўнгги йилларда бу кўрсаткич 0,4–0,5 фоиздан ошмаяпти.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тарбия колониясида сақланаётганларнинг ўртача 44–45 фоизи муқаддам судланганлар, 8–9 фоизи муқаддам тарбия колониясида жазо ўтаб чиққан шахслардир. Тарбияланувчиларнинг асосий қисми қамалгунига қадар Тошкент шаҳри (24–25 фоизи) ва вилояти (19–20 фоизи), Андижон (8–9 фоизи), Фарғона (6–7 фоизи) ва Самарқанд (6–7 фоизи) вилоятларида яшаганлар. Маҳкумларнинг тахминан 27–30 фоизи — 18 ёшдан 21 ёшгача, 60–65 фоизи — 16 ёшдан 18 ёшгача, 7–9 фоизи 16 ёшгача бўлганларни ташкил этган.

Мамлакатимизда озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар меҳнати, шу жумладан вояга етмаган маҳкумлар меҳнати маҳкумлар билан муомала қилиш бўйича қабул қилинган халқаро норматив ҳужжатларда кўрсатилган принциплар асосида ташкил этилаётганлиги эътиборга молик жиҳатдир. Хусусан, «Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари»нинг (1955 йил 30 августда қабул қилинган) 71-моддаси 1-бандида маҳбусларнинг меҳнати уларга изтироб келтирмаслиги керак деб кўрсатилган. Бундан ташқари, 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган «Маҳбуслар билан муомала қилишнинг асосий принциплари»нинг 8-моддасида маҳбусларга ҳақ тўланадиган фойдали меҳнат билан шуғулланиш имкониятини берадиган шарт-шароитлар яратилиши лозим. Бинобарин, бу ҳол маҳбуслар ўз мамлакатининг ишчи кучи бозорида реинтеграциялашувини енгиллаштиради ва уларга ўзлари учун ҳамда ўз оилалари учун молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятини бериши таъкидланади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 88-моддасида маҳкумларни

меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиришдан иборатлиги белгиланган.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борича, ихтисосини инобатга олган ҳолда меҳнатга жалб этилиши «Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари»нинг 71-моддаси мазмунига тўла мос тушади.

Республикаимизда маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, шунингдек Жиноят-ижроия кодексининг 88–96-моддаларида назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади.

«Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари» 73-моддасининг биринчи қисмида муассасалардаги саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилишни хусусий пудратчилар зиммасига эмас, балки турма бошқармаси зиммасига юклаш энг мақбул иш эканлиги таъкидланган. Худди шу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 88-моддасининг учинчи қисмида ўз аксини топган. Яъни озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, одатда, шу муассасаларнинг корхоналарида, айрим ҳолларда эса, керакли тарзда қўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Пенсия ёшидагилар, I ва II гуруҳ ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этилиши, маҳкума аёллар ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатга ишдан озод қилиниши, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бажариш тақиқланган ишларда аёл ва вояга етмаган маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги барча маҳкум этилган шахсларнинг биологик, жисмоний, руҳий ва

<sup>1</sup> Қаранг: *Зиёдуллаев М.* Ички ишлар идоралари – вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг марказий субъекти // “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2011. – Б. 116.

<sup>2</sup> Қаранг: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: Тўплам / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т., 2004. – Б. 154.

---

бошқа шу каби ҳолатларига республикамиз жиноят-ижроия қонунчилигида жиддий эътибор берилганлигининг тасдиғидир.

Масалан, жазони ижро этиш муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 241-моддасига биноан ўн саккиз ёшга тўлмаган маҳкумлар меҳнатидан шу тоифадаги шахсларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган маҳкумларнинг иш вақти муддати Меҳнат кодексининг 242-моддасига мувофиқ қисқартирилган иш вақти муддатлари асосида ташкил этилади, яъни 16–18 ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига ўттиз олти соатдан, 14–16 ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2008 йил 7 январь қонунининг 3-моддасида жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар сифатида эътироф этилган. Шунингдек, мазкур моддада асосан ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс – бола деб ҳисобланиши ҳақида асосий тушунча берилган.

Бинобарин, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бири вояга етмаган маҳкумларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалда таъминлашдан иборат. Таъкидлаш жоизки, биз бугунги кунда вояга етмаган маҳкумларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз мукамал ва бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар бизни қаноатлантиради, деб айта олмаймиз.

Фикримизча, вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини самарали ташкил этиш ва такомил-

---

лаштиришда тарбия колонияси маъмурияти томонидан қуйидагилар алоҳида эътиборга олинishi керак:

– вояга етмаган маҳкумларга нисбатан жазони ўташ тартибини белгилишда жиноят-ижроия ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини сўзсиз таъминлаш;

– вояга етмаган маҳкумларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этишда бола ҳуқуқлари ҳар қандай кўринишда камситилишининг олдини олиш ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бериш ишлари сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш;

– вояга етмаган маҳкумлар орасида турли хил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тарбиявий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, айниқса, бу борада давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, қорхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг иштирокини фаоллаштириш ва мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Бундан ташқари, тарбия колониясида жазони ўташ шартларини белгиловчи жиноят-ижроия қонунчилигидаги (ЖИК 125-м.) айрим чекловларни (телефон сўзлашувлари, посылка ва йўқловлар, учрашувлар олишдаги чекловларни) келгусида олиб ташлаш борасида амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Зеро, Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур»<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, озодликдан маҳрум этилган вояга етмаган маҳкумларни сақлаш шароитларини яхшилаб бориш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш уларнинг жамият ва давлат тараққиётида ўз ўрнини эгаллашида, қолаверса, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи янада ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т., 2008. – Б. 164.

## ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий тизимларни, уларнинг биологик ранг-баранглигини сақлаш ва қайта тиклаш, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг самарали иқтисодий методларини жорий этишни давом эттириш, атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини камайтириш, табиий муҳит сақланишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш, экологик илм-фанни ривожлантириш, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш, шунингдек экологик маданиятни ошириш чора-тадбирлари мажмуини амалга оширишда экология соҳасидаги қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чораларини қўллаш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва бошқа бир қатор ҳуқуқий адабиётларда юридик жавобгарлик масалаларига кенг эътибор берилган.

Жумладан, экология соҳасидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 47-моддаси (Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик)да келтирилган бўлиб, унга кўра, қуйидаги ҳолларда:

табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сифимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган тўловни, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун компенсация тўловлари тўлашдан бош тортганликда;

табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;

атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўлаган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботини бузганликда;

атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;

чиқиндиларни кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош торт-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ИПКТБ катта илмий ходим-изланувчиси, юридик фанлар номзоди.

ганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар<sup>1</sup>.

Экология соҳасидаги қонунларнинг ижросини ва экологик хавфсизликни таъминлаш тизимини бузганлик учун қўлланиладиган юридик жавобгарлик турларидан бири жиноий-ҳуқуқий жавобгарликдир.

Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик экология соҳасидаги қонун талабларини ва табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларни бузиб, жиноий ҳуқуқбузарлик, яъни жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўлланилади. У бошқа юридик жавобгарлик турларига нисбатан анча оғир ҳисобланади.

Экология соҳасига оид қонунларни, уларнинг талабларини ва экологик хавфсизлик талабларини бузганлик учун жиноий жавобгарликни қўллашдан асосий мақсад ушбу жиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ҳамда содир этилган жиноятлар учун тегишли жазо тайинлашдан иборат.

Эътиборлиси шундаки, экология соҳасидаги жиноятлар жамият учун ўта хавфлилиги билан ажралиб туради. Чунки, уларнинг содир этилиши оқибатида атроф табиий муҳит издан чиқади, ундаги мувозанат бузилади, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қирилиб, уларнинг ноёб турлари йўқолиб кетади, одамларнинг оммавий касалланиши, ўртача умр кўриши қисқариши, инсон организмда модда алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ қатор касалликлар келиб чиқади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIV боби «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар» деб номланиб, унда экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, Кодекснинг 193–204 ва 229-моддаларида экология соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик турлари кўрсатилган бўлиб, 193-модда – экология хавфсизлигига

оид нормалар ва талабларни бузиш; 194-модда – атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш; 195-модда – атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик; 196-модда – атроф табиий муҳитни ифлослантириш; 197-модда – ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; 198-модда – экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш; 199-модда – ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш; 200-модда – ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш; 201-модда – зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш; 202-модда – ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш; 203-модда – сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш; 204-модда – муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш; 229<sup>1</sup>-модда эса – ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш жиноятлари учун жавобгарликни белгилайди<sup>2</sup>.

Аммо Жиноят кодексининг экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи XIV бобининг номи ҳамда айрим (2, 194, 195, 196, 198, 200, 201 ва 202-м.м.) моддаларининг номланиши ва диспозициясини ўзгартириш лозим. Чунки бу боб ва унинг юқорида қайд этилган моддалари номи ва диспозициясида кўрсатилган айрим жумлалар Ўзбекистон Республикасининг экология соҳасидаги баъзи қонунларида қайд этилган жумлалар билан бир хил эмас. Шу сабабли, фикримизча, уларга ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, атроф табиий муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қонун ҳужжатларининг аҳамияти катта. Давлат экологик

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 38-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1995. – № 6. – 118-м.; 1997. – № 4–5. – 126-м.; 1999. – № 1. – 20-м.; 2000. – № 5-6. – 153-м.; № 7–8. – 217-м.; 2002. – № 9. – 165-м.; 2003. – № 9–10. – 149-м.; 2004. – № 5. – 90-м.; 2005. – № 1. – 18-м.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2010. – Б. 384.

сиёсатининг муваффақиятли олиб борилиши қонунчилик ҳужжатларининг ҳолати ва такомиллаштирилишига бевосита боғлиқ<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сонли «2008—2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»ги қарорида<sup>2</sup> ҳам тўртта асосий йўналиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, шулардан бири – *норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш* ҳамда экологик илм-фанни, аҳолининг экологик таълими ва тарбиясини ривожлантиришга қаратилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш лозим.

*Биринчидан*, Жиноят кодексининг 2-моддаси кодекснинг вазифаларига бағишланган бўлиб, унинг биринчи қисмида «Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, *табиий муҳитни*, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан сақлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир», деб белгиланган. Шу ўриндаги «*табиий муҳит*» иборасини «*атроф табиий муҳит*» иборасига алмаштириш лозим.

Шунингдек, Жиноят кодексининг XIV боби *атроф муҳитни* муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар деб номланган. Уни ҳам ўзгартириб, *атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар*, деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

Чунки, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги<sup>3</sup> қонунларда «атроф табиий муҳит», «табиий муҳит» иборалари қўлла-

нилган. Шу боис табиий муҳит ўрнига «атроф табиий муҳит» иборасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, ушбу ибора мазмуни олдингисига қараганда нисбатан кенгроқ бўлиб, ўзаро боғлиқ таркибларнинг (ҳаво, иқлим ҳодисалари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, рельеф, техноген ва ижтимоий муҳит) яхлит тизимини қамраб олади.

*Иккинчидан*, ЖК 194 ва 195-моддаларининг биринчи қисми ҳамда 196, 200, 201-моддаларининг диспозицияларини ўзгартириш зарур. 194-модда атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш деб номланади. Унинг биринчи қисми диспозициясида «Махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларнинг қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, *ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг* қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса», дейилган, 195-модда атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик деб номланди ва унинг биринчи қисми диспозициясида «Мансабдор шахснинг экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаши ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслиги одамларнинг оммавий равишда касалланиши, *ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг* қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса», деб таъкидланган, 196-модда атроф табиий муҳитни ифлослантириш деб номланиб, унинг диспозицияси «Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, *ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг*

<sup>1</sup> Алихонов Б. Экологик қонунчилик истиқболи // *Huquq va burch*. — 2010. — №3. — Б.7.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008. — №37—38. — 382-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса», деб белгиланган бўлса, 200-модда Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш деб номланади ҳамда унинг диспозицияси «Ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш *хайвон ёки паррандалар* эпидемияси (эпизоотия) тарқалишига, уларнинг ялпи қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса», деб баён этилади. 201-модда зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш деб номланади ва унинг диспозицияси «Хўжалик фаолиятида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғит, ўсиш биостимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, *хайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг* қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса», деб қайд этилади.

Юқорида кўрсатилган моддалар диспозициясидаги «*хайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг*» иборасини «*хайвонот дунёси объектларининг*» ибораси билан алмаштириш лозим. Чунки, «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида хайвонот дунёси объектлари тўғрисида батафсил тушунча берилган. Унга кўра хайвонот дунёси объектларига балиқлар ва қушлардан ташқари бошқа жонзотлар ҳам кириди. Таклиф этилаётган ўзгартиш натижасида антропоген таъсирлардан зарарланиши мумкин бўлган хайвонот дунёсининг барча объектлари қамраб олинади.

Учинчидан, 198-модда экинзор, ўрмон ёки бошқа *дов-дарахтларга* шикаст етказиш ёки уларни nobуд қилиш, деб номланади ва унинг диспозициясида эса, оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа *дов-дарахтларга* шикаст етказиш ёки уларни nobуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, дейилади ва санкциясида энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ

тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ жазоси назарда тутилади.

Унинг иккинчи қисмида ўрмон ёки бошқа *дов-дарахтларни* қонунга хилоф равишда кесиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шунингдек учинчи қисмида экинзор, ўрмон ёки бошқа *дов-дарахтларга* қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, nobуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Бундан ташқари, етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди, дейилган.

Ушбу модда номидаги ва диспозициясидаги «*дов-дарахтлар*» иборасини ҳам «*ўсимлик дунёси объектлари*» ибораси билан алмаштириш лозим. Чунки, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, ўсимлик дунёси объектлари қуйидагилардан иборат:

ёввойи организмлар, дарахтлар, буталар ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, йўсинсимонлар, сувўтлар, лишайниклар ва замбуруғлар ўзининг барча хилма-хил турлари билан;

ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимлик жамоалари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи;

камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турлари;

ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва бошқа қисмлари ёки улар ҳаёти фаолиятининг маҳсуллари.

Амалдаги қонунда ўсимлик объектларининг хилма-хил турлари назарда тутилмаган.

Шу сабабли, модданинг номи ҳамда 1, 2 ва 3-қисм диспозицияларидаги «*дов-дарахт-*



---

лар” деган ибора “*ўсимлик дунёси объектлари*” деган ибора билан алмаштирилиши лозим.

*Тўртинчидан*, 202-модда ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш деб номланади. Мазкур модданинг иккинчи қисми «а» банди ва учинчи қисми «г» банди диспозицияларини ўзгартириш зарур.

Мазкур модданинг иккинчи қисми «а» банди диспозициясида айтиб ўтилган «*ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг*» дейилган сўзларни «*ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг*» сўзлари билан алмаштириш ҳамда учинчи қисм «г» банди диспозициясидаги «*ўша қилмишлар*»:

г) портлаш қурилмалари, заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаган ҳолда» деган жумлаларни «*ўша қилмишлар*»:

г) портлаш қурилмалари, заҳарли кимёвий моддалар, *электр «қармоқлар»* ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаган ҳолда» деган жумла билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи қисм «а» банди диспозициясини ўзгартиришга асос 198, 200-моддага киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиришлар асосида қайд этилади. Учунчи қисм «г» банди диспози-

---

циясини ўзгартиришга асос бўлиб, “*Электр қармоқлар*” воситасида балиқ овлаш муайян радиусдаги барча тирик организмларнинг зарарланишига сабаб бўлади ва бундай усул кенг қўлланилаётганлигини назарда тутган ҳолда янги таҳрирда алоҳида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишни демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб бериб, «*шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди*»<sup>1</sup>, дея таъкидлагани бежиз эмас, албатта.

Мухтасар қилиб айтганда, юқоридаги таклифларнинг амалиётга жорий этилиши бу борада кўзланган мақсадга эришиш имконини беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «*Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар*» деб номланган XIV бобининг такомиллаштирилишига хизмат қилади.

#### ◆ Нашрга тайёрланди ◆

**Xalqaro huquq: Ma'ruzalar kursi / Mas'ul muharrir yuridik fanlar doktori, professor A. X. Saidov.**  
– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 279 б.

Маърузалар курсида «халқаро ҳуқуқ» тушунчаси, халқаро ҳуқуқ тарихи, унинг субъектлари, халқаро шартномалар, халқаро ҳуқуқ принциплари, дипломатик ва консуллик ҳуқуқи, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг халқаро ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган.

ИИВ таълим муассасаларининг тингловчи ва курсантлари, ички ишлар органларининг амалиётчи ходимлари ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

---

<sup>1</sup> *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.

## ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ НАЦИОНАЛЬНОЙ МОДЕЛИ ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

В соответствии со ст. 40 Конституции Республики Узбекистан всем гражданам страны предоставлено право на квалифицированное медицинское обслуживание, охрану здоровья.

Инвестирование в здоровье граждан и в систему здравоохранения свидетельствует, что наивысшей ценностью государства является человек, его жизнь и другие неотъемлемые права.

Первым шагом суверенного Узбекистана по пути оздоровления нации явилось формирование эффективной современной системы здравоохранения на прочной правовой базе. Так, 29 августа 1996 г. был принят Закон Республики Узбекистан «Об охране здоровья граждан». В соответствии с Законом лечебно-профилактические учреждения страны оказывают медицинскую помощь населению бесплатно, таким образом, гарантируется государством доступность медицинской помощи для всех слоев населения.

Заслуживает внимания положение ст. 30 данного Закона. В целях предотвращения осложнений в состоянии здоровья и снижения инвалидности пострадавших оказание первичной неотложной помощи на месте происшествия до приезда медицинских работников возложено на сотрудников органов внутренних дел, пожарной охраны, аварийных служб и транспортных организаций. Именно по этой причине, к примеру, в учебные планы Академии МВД Республики Узбекистан с 1996 г. включено обучение слушателей оказанию доврачебной медицинской помощи.

Указ Президента Республики Узбекистан от 10 ноября 1998 г. «О Государственной программе реформирования системы здравоохранения Республики Узбекистан» ознаменовал начало важного этапа в коренном реформировании отрасли. В соответствии с этим Указом государство гарантирует бесплатное медицинское обслуживание в случаях: оказания экстренной, неотложной медицинс-

кой помощи; оказания медицинских услуг в первичном звене здравоохранения и ряде государственных лечебно-профилактических учреждениях, прежде всего в сельской местности; иммунизации и вакцинации населения против ряда инфекционных заболеваний; специализированной медицинской помощи по социально-значимым заболеваниям, представляющим опасность для окружающих, а именно, больным туберкулезом, онкологическими, психическими, наркологическими, эндокринологическими заболеваниями и лицам с профессиональными заболеваниями; обследования и лечения детей (кроме платных больниц); обследования и лечения подростков 15-17 лет и лиц призывного возраста (18-27 лет) по направлениям призывных комиссий; оказания родовспомогательных услуг (кроме платных учреждений); лечения льготной категории пациентов (инвалидов, ветеранов войны, круглых сирот и др.) в государственных лечебно-профилактических учреждениях.

Охрана здоровья семьи как основной ячейки общества находится под пристальным вниманием государства. Последовательность и комплексный подход в реализации мероприятий по оздоровлению и социальной поддержке семей, имеющих больных членов семьи, прослеживается в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2 декабря 1997 г., где определены перечни категорий граждан и заболеваний, при которых граждане освобождаются от оплаты за питание и лечение в стационарных лечебно-профилактических учреждениях, и при амбулаторном лечении которых бесплатно выдаются медикаменты.

В свете положений ст.40 Основного закона страны и Указа Президента Республики Узбекистан «О Государственной программе реформирования системы здравоохранения Республики Узбекистан» за короткий период создана национальная модель оказания медицинских услуг на уровне мировых стан-

\* Доцент кафедры медицинской подготовки Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат медицинских наук, старший научный сотрудник.

---

дартов, реструктурирована служба медицинской помощи.

В целях упорядочения оказания в лечебно-профилактических учреждениях бесплатных медицинских услуг населению приказом Министерства здравоохранения от 17 мая 2007 г. определен список лечебно-профилактических учреждений, оказывающих гарантированную государством бесплатную медико-санитарную помощь.

В свете Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 г. «Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения» образована сеть качественно новых, отвечающих самым высоким требованиям современных медицинских учреждений. Так, в рамках обеспечения равных условий получения населением первичной медико-санитарной помощи в городской и сельской местности и реализации приказа Министерства здравоохранения от 30 апреля 2009 г. «О мерах по кардинальному улучшению деятельности учреждений первичного звена здравоохранения» создана эффективная двухступенчатая система, состоящая из сельского врачебного пункта и районной (городской) центральной больницы, где медицинская помощь оказывается специалистами, имеющими высшее образование.

Указом Президента Республики Узбекистан от 10 ноября 1998 г. в стране создана принципиально новая система службы экстренной медицинской помощи. В столице организован Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи, имеющий 12 областных филиалов и 173 отделения, где все неотложные, экстренные медицинские услуги предоставляются населению республики бесплатно.

Сегодня в стране функционируют 10 республиканских специализированных научно-практических медицинских центров, в том числе Республиканский специализированный центр хирургии им. академика В.В. Вахидова, Республиканский специализированный центр кардиологии, Республиканский специализированный центр урологии, Республиканский специализированный центр микрохирургии глаза и др., укомплектованные высококвалифицированными врачами. Медицинская помощь оказывается здесь с применением самого современного оборудования и на основе инновационных технологий.

Одним из важных направлений деятельности государства в области дальнейшего

оздоровления нации является превентивность профилактических мер. В качестве примера можно привести Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 25 августа 2003 г. «Об утверждении Положения о медицинском обследовании лиц, вступающих в брак». Учитывая, что семья – важнейшее звено общества, опора государства, с целью формирования здоровой семьи и снижения числа возможных случаев наследственных заболеваний в стране введена система обязательного добрачного медицинского освидетельствования лиц, вступающих в брак. Эта мера позволяет выявлять заболевания и своевременно проводить их лечение до заключения брака. Также согласно ст. 18 Закона Республики Узбекистан «Об охране здоровья граждан» граждане имеют право на бесплатные консультации по вопросам семьи, наличия социально значимых заболеваний и заболеваний, представляющих опасность для окружающих, по медико-психологическим аспектам брачных и семейных отношений. Указано, что каждая семья имеет право выбора семейного врача, а семьи, имеющие детей, пользуются правом на льготы в области охраны здоровья граждан, устанавливаемые государством.

В Узбекистане охрана здоровья материнства и детства возведена в ранг государственной политики. Принцип «Здоровая мать – здоровый ребенок» лежит в основе постановлений, подписанных главой нашего государства, «О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формированию здорового поколения» от 13 апреля 2009 г., «О Программе мер по дальнейшему усилению и повышению эффективности проводимой работы по укреплению репродуктивного здоровья населения, рождению здорового ребенка, формированию физически и духовно развитого поколения на 2009-2013 годы» от 1 июля 2009 г., Постановления Кабинета Министров от 22 июля 2010 г. «О дополнительных мерах по укреплению репродуктивного здоровья матерей и детей в сельских районах республики».

В целях укрепления генофонда страны и предупреждения рождения инвалидов с детства принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 1 апреля 1998 г. «О создании Государственной системы раннего выявления врожденной и другой патологии у новорожденных и беременных женщин для предупреждения рождения инвалидов с детства – «Скрининг матери и

ребенка», издан Приказ Министерства здравоохранения Республики Узбекистан от 7 июля 1998 г. «О дальнейшем развитии медико-генетической службы в Республике Узбекистан», принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 июня 2008 г. «О Государственной программе раннего выявления врождённых и наследственных заболеваний для предупреждения рождения инвалидов с детства на период 2008–2012 гг.». Во исполнение этих нормативных документов во всех регионах страны организованы современные скрининг центры, деятельность которых направлена на медико-генетическое консультирование семей с целью установления причины врождённых пороков развития, уточнения диагноза наследственных заболеваний и расчёта повторного риска рождения ребёнка с врождённым и наследственным заболеванием, проведения корригирующего лечения детей с генетической патологией. В случаях, когда ребенок уже имеет врожденное наследственное заболевание, он регулярно обследуется и получает квалифицированную помощь.

В стране также успешно реализуются законы и программы по предупреждению алиментарной заболеваемости населения. 3 мая 2007 г. был принят Закон Республики Узбекистан «О профилактике йододефицитных заболеваний». Йод участвует в образовании гормонов щитовидной железы. Недостаточное поступление йода с пищей и водой может привести к возникновению эндемического зоба<sup>1</sup>. Государственная политика в области профилактики йододефицитных заболеваний направлена на предупреждение их возникновения и реализуется путем насыщения потребительского рынка йодированной солью и йодированными пищевыми продуктами. Закон Республики Узбекистан «О профилактике микронутриентной недостаточности среди населения республики», принятый 7 мая 2010 г., направлен на борьбу с анемией. Научными исследованиями до-

казано, что анемия является основной причиной различных осложнений в периоде беременности и родов, причиной снижения физического и интеллектуального развития детей и молодежи, иммунитета и работоспособности<sup>2</sup>. Правительством Узбекистана и Министерством здравоохранения Республики Узбекистан с учетом рекомендаций ВОЗ/ЮНИСЕФ разработана стратегия по борьбе с анемией, которая включает фортификацию пшеничной муки и еженедельную саплементацию препаратами железа в группах риска.

Согласно Постановлению Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2005 г. Национальная программа по фортификации муки охватила все регионы страны. В рамках программы мука 1 сорта на всех государственных мукомольных предприятиях обогащается фортификантом, в состав которого входят железо, фолиевая кислота, цинк, ниацин, витамины группы В.

С 1998 г. и по настоящее время во всех областях республики проводится еженедельная саплементация железом и фолиевой кислотой (употребление профилактических доз) женщин фертильного возраста, девочек-подростков и детей раннего возраста.

В стране большое внимание уделяется санитарно-эпидемиологическому благополучию населения<sup>3</sup>. В результате реализации ведомственных приказов об организации и проведении массовой кампании иммунизации против кори, краснухи, дифтерии, полиомиелита в республике существенно снизилась заболеваемость управляемыми детскими инфекциями.

В рамках Законов Республики Узбекистан «О профилактике заболевания СПИД» от 14 июня 1991 г. и «О профилактике заболевания, вызываемого вирусом иммунодефицита человека (ВИЧ-инфекция)» от 19 августа 1999 г. проводится огромная работа по недопущению распространения ВИЧ-инфекции среди населения. В Узбекистане созданы и действуют Республиканский и региональные центры по борьбе со СПИДом, оснащенные современным оборудованием.

<sup>1</sup> См.: *Чепурной Н.П.* Питание и здоровье человека. – М., 2003. – С. 96.

<sup>2</sup> См.: *Геворкян М.А., Кузнецова Е.М.* Анемия беременных: патогенез и принципы терапии // *Русский медицинский журнал.* – 2011. – № 20. – С. 12–49; *Сидорова И.С., Унанян А.Л.* Первый триместр беременности: особенности течения и роль витаминно-минеральных комплексов // *Русский медицинский журнал.* – 2011. – № 20. – С. 12–24; *Hercberg S.* Iron deficiency in Europe // *Public health nutrition.* – 2001. – № 4 (2B). – P. 537–545; *Sharmanov A.* Anemia in central Asia: demographic and health service experience // *Food and nutrition bulletin.* – 1998. – № 19. – P. 307–317.

<sup>3</sup> См.: *Назиров Ф.Г.* Санитарно-эпидемиологическое благополучие Республики Узбекистан // *Здравоохранение Узбекистана.* – 2005. – № 18-19. – С. 3.

---

Таким образом, в стране разработаны и реализуются комплексные программы поддержания и охраны здоровья, в которых определено место каждого социально-экономического звена. Однако без наличия у человека мотивации на сохранение своего здоровья и здоровый образ жизни реализация государственных проектов просто невозможна. Главным рычагом первичной профилактики в укреплении здоровья населения является формирование здорового образа жизни через изменение уклада жизни, его оздоровление с использованием гигиенических знаний в борьбе с вредными привычками. Доказано, что здоровый образ жизни, достаточный уровень двигательной активности в существенной степени определяют гармоничное физическое развитие и здоровье молодого поколения<sup>1</sup>.

Важнейшим фактором мотивации формирования здорового образа жизни среди молодежи явилась реализация в республике инновационных направлений в области физической культуры и спорта. В стране функционирует широкая сеть спортивных сооружений, введены новые государственные программы физического воспитания в образовательных учреждениях, предусматривающие интенсификацию качественных и количественных характеристик физической нагрузки. С целью оздоровления молодого поколения, создания предпосылок к возникновению у молодежи осознанной необходимости в улучшении своего физического здоровья приняты ряд указов главы государства, постановлений правительства, общереспубликанских программ (Указы Президента Республики Узбекистан от 24 октября 2002 г. «О создании Фонда развития детского спорта», от 29 августа 2004 г. «О мерах по совершенствованию деятельности Фонда развития детского спорта», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об организации деятельности Фонда развития детского спорта при Министерстве народного образования Республики Узбекистан») и др. Впервые на пространстве СНГ создана трехступенчатая система привлечения молодежи к спортивным занятиям, которая проявляется в проведении

---

массовых спортивных игр «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» и Универсиады.

Созданию благоприятных организационных и правовых условий для формирования и утверждения в обществе здорового образа жизни способствовало принятие 5 октября 2011 г. Закона Республики Узбекистан «Об ограничении распространения и употребления алкогольной и табачной продукции». Закон направлен на защиту здоровья граждан, прежде всего лиц, не достигших двадцатилетнего возраста, от вредного воздействия употребления алкогольной и табачной продукции, связанных с этим социальных и иных негативных последствий.

Общеизвестно, что понятие «здоровье» имеет универсальное значение, включающее как материальный, так и духовный аспекты. При этом важное значение в сохранении активной жизнедеятельности каждого индивидуума играют здоровые морально-этические установки, уклад жизни семьи. Говоря о роли семьи – ячейки общества в сохранении духовного и физического здоровья нации, Президент Узбекистана И. А. Каримов подчеркнул: «Здоровая семья – это, прежде всего, здоровое общество, а значит – сильная и стабильная страна»<sup>2</sup>.

Таким образом, в Узбекистане создана эффективная нормативно-правовая база, обеспечивающая успешную реализацию национальной модели охраны здоровья населения. Принятые за годы независимости 14 законов, в том числе «О государственном санитарном надзоре», «О лекарственных средствах и фармацевтической деятельности», «О наркотических средствах и психотропных веществах», «О профилактике заболевания, вызываемого вирусом иммунодефицита (ВИЧ-инфекция)», «О психиатрической помощи», «О радиационной безопасности», «О защите населения от туберкулеза», «О донорстве крови и ее компонентов», «О лекарственных средствах и фармацевтической деятельности» и др., изданные более 20 указов и постановлений Президента страны, постановлений Кабинета Министров свидетельствуют о приоритетности сильной социальной политики государства, направленной на охрану здоровья нации, а значит семьи, материнства и детства.

---

<sup>1</sup> См.: *Бабенко А.И., Татаурова Е.Л.* Формирование образа жизни у подрастающего поколения // Общественное здоровье и здравоохранение. – 2005. – №6. – С.6-8; *Зайцев А.Т.* Формирование здорового образа жизни молодого поколения // Гигиена и санитария. – 2004. – №1. – С.54–56; *Шедрин А.Г.* Здоровый образ жизни. – Новосибирск, 2007. – С. 144.

<sup>2</sup> См.: *Каримов И.А.* Наш путь – углубление демократических реформ и последовательное продолжение модернизации страны // Народное слово. – 2011. – 13 дек.

## ГАРОВ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ ҚўЛЛАШДА ВУЖУДГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳар қандай назарий кашфиёт, ишлаб чиқилган қонун ва билдириладиган фикр унинг амалиётда қандай фойдаланилиши ва самарасига, унинг асослиги ва ҳаққонийлиги даражасига қараб белгиланади<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам ҳар қандай илмий тадқиқотнинг амалий фаолият жараёнлари мазмуни билан асосланган ва эмпирик базага таянган бўлиши талаб этилади. Гаровни қўллаш самарадорлигини ошириш уни қўллаш амалиётида бевосита вужудга келаётган муаммоларни ўрганиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали муайян ечимларнинг ишлаб чиқилишига боғлиқ.

Жиноят ишларини юритишда гаров эҳтиёт чорасини қўллаш амалиётига эътибор берадиган бўлсак, бир қатор муаммоларни учратиш мумкин. Мавжуд муаммолар гаров эҳтиёт чорасини қўллашнинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Гаровни қўллашда вужудга келаётган ва уни қўллаш билан боғлиқ муаммоларга, назаримизда, қуйидагиларни кириштириш мумкин:

гаровнинг фақат айбланувчига нисбатан қўлланилиши мумкинлиги;

гаров қўлланилишига ташаббус кўрсатиш кераклиги ва бунга айбланувчи ёки гаровга кўювчининг розилигини олиш лозимлиги;

гаров миқдори ва предметини аниқлаш зарурлиги;

гаров предметини қабул қилиш тартиби билан боғлиқлиги;

гаров предмети мол-мулк бўлганда уни сақлаш билан боғлиқлиги;

гаров предметининг қиймати ноаниқ бўлганда, уни баҳолаш билан боғлиқлиги;

гаров предмети<sup>2</sup> кўчмас мулк бўлганда уни қабул қилиш ва давлат фойдасига ўтказиш билан боғлиқлиги ва бошқалар.

Ўтказилган социологик сўров натижасига кўра унда қатнашганлар: «гаровни гумон қилинувчига қўллаб бўлмаслиги» (41,1%); «гаровни қўллаш учун ташаббус кўрсатиш зарурлиги» (33,7%); «гаров миқдори ва предметини аниқлаш» (48,0%); «гаров предметини қабул қилиш» (36,6%); «гаров предметининг баҳосини аниқлаш» (39,1%); «гаров предметини сақлаш» (32,2%); шунингдек кўчмас мулк билан боғлиқ гаров қўлланилганда «ҳужжатларни расмийлаштириш» (38,1%); «кўчмас мулк кадастри хизматида мулкнинг сотилишини вақтинча чеклаш» (25,7%); – «яқин қариндошлар улуши билан боғлиқ» (59,4%) муаммолар вужудга келишини эътироф этишган<sup>3</sup>.

Амалдаги ЖПК 249-моддасининг биринчи қисмига кўра, гаров фақат айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қўлланилиши мумкин. Гаров эҳтиёт чорасини гумон қилинувчига ҳам қўллаш мумкин, чунки жиноят иши бўйича дастлаб шахс гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади (ёки ушлаб келтирилади). Шахсга айб эълон қилингунга қадар унинг дастлабки терговдан яширинмаслигини таъминлаш учун албатта чора кўриш шарт. Шу муносабат билан гумон қилинувчига нисбатан гаров қўллаш мумкин эмаслиги гаровни қўллаш муддатини кечиктиradi ва кейинчалик унинг қўлланилишини қийинлаштиradi ёки қўлланилмаслигига ҳам олиб келади. Чунки шахс гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинганда унга гаров эҳтиёт чораси ҳақида тушун-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди.

<sup>1</sup> Қаранг: *Беематов А.* Ҳуқуқий ислохотлар ва омма кайфияти // *Ҳуқуқ-Право-Law*. – 2004. – № 1. – Б. 22-23.

<sup>2</sup> Қаранг: *Тулаганова Г.З.* Жиноят процессида шахсий ҳуқуқларни чеклаш мезонлари: Монография / Проф. *Ғ.А.Абдумажидов* таҳрири остида. – Т., 2007. – Б.102—105.

<sup>3</sup> Батафсилроқ қаранг: *Рашидов Б.Н.* Эҳтиёт чораси сифатида гаровни қўллаш самарадорлигини ошириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. – Т., 2010. – Б.110.

тирилмасдан у айбланувчи тариқасида ишга иштирок этишга жалб қилинганидан сўнг бу ҳақда сўз очилиши, албатта гаровнинг нотўғри тушунилишига ва қўлланилмаслигига олиб келиши мумкин. Социологик сўров натижасига кўра, респондентларнинг 43,1% — гаровни гумон қилинувчига қўллаш мумкин эмаслиги унинг самарали қўлланилишида муаммоларни вужудга келтиради деб, 22,8% — самарадорлигига таъсир этади, 34,1% эса таъсир этмайди деган фикрни билдирган<sup>1</sup>.

Гаров эҳтиёт чорасини қўллаш учун, албатта, айбланувчи ёки ҳимоя тарафининг ташаббуси ёхуд розилиги зарур бўлади<sup>2</sup>. Терговчининг гаровга пул топшириш ҳақидаги талаби эса айбланувчи ёки унинг яқинлари томонидан бошқача маънода (пора сўраш мазмунида) тушунилишига олиб келади. Шу сабабли жиноят ишларини юритишда гаров эҳтиёт чорасини қўллашда гаровга қўювчи шахсларнинг бунга розилигини олиш ўзига хос қийинчиликларни юзага келтиради. Социологик сўровга кўра, гаровни қўллаш бўйича ташаббус адвокат, айбланувчи ёки гаровга қўювчи (75,8 %) томонидан билдирилиши мақсадга мувофиқ экан<sup>3</sup>.

Гаров сифатида қандай қимматбаҳо нарса ёки мулк тақдим этилиши ва унинг миқдорини белгилаш ўта муҳим масала ҳисобланади. Жиноят ишларини юритишда ушбу масалани ҳал этиш учун айбланувчининг моддий аҳволи асосий аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун терговчи унинг мулкӣ аҳволи, яъни мавжуд мулки, даромади, харажатларини ўрганиши лозим ёки гаровга қўювчи бошқа шахсни жалб қилиши масаласини ҳал қилишига тўғри келади. Бу эса терговчидан қўшимча тажриба, вақт ва меҳнат талаб қилади. Гаров қўлланилган жиноят ишлари бўйича 81,6 % айбланувчиларга нисбатан гаров миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари миқдоридан белгиланиши бу борада айрим муаммолар мавжудлигини англатади<sup>4</sup>. Бундай ҳоллар терговчининг ташаббуси билан гаров қўллаш

масаласи таклиф қилинганда, унинг қўлланилмаслигига олиб келади.

Агар гаров сифатида мол-мулк тақдим этилган бўлса, унинг қийматини (баҳосини) аниқлаш масаласи ҳам муайян муаммоларни юзага келтиради. Чунки бу ўринда тегишли мутахассиснинг иштироки ёки билими зарур бўлади. Ушбу масалани ҳам терговчи ҳал этиши зарур ва бу ҳам маълум вақт ва қўшимча меҳнатни талаб этади. Шубҳасиз, бу каби омиллар гаровнинг камроқ қўлланилишига сабаб бўлади. Социологик сўров натижасига кўра, респондентларнинг 55 % гаровни қўллашда унинг миқдори ва предметини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд деб жавоб бердилар. Бу борада амалиётда муаммолар мавжудлиги жиноят ишларини ўрганиш жараёнида ҳам аниқланди, гаров қўлланилган айбланувчиларнинг 96,9 % гаров тариқасида миллий валюта тақдим этган бўлса, 3,1 % кўчмас мулк тақдим этган. Бошқа шаклдаги гаров предмети тақдим этилиши учрамаганлиги бу борада муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Гаров предмети сифатида пул ёки чет эл валютаси тақдим этилган тақдирда унинг қабул қилиниши бошқача маънода, яъни жиноий ҳаракат сифатида баҳоланиши ўзига хос жиддий муаммо ҳисобланади. Чунки терговчи айбланувчи ёки гаровга қўювчидан пул талаб қилиб олиши худди пора (талаб қилингани сингари) олишдаги ҳаракатларга ўхшаб кетади. Бу ҳам гаровнинг қўлланилмаслигига хизмат қиладиган жиддий омиллардан биридир. Социологик сўров натижасига кўра 59,4 % респондентлар гаров предметини қабул қилиш билан боғлиқ муаммолар учрашини тасдиқлашган. Гаров миқдори аксарият ҳолларда энг кам ойлик иш ҳақи доирасида белгиланиши ва гаровнинг нисбатан кам қўлланилаётганлигини исботлайди<sup>5</sup>.

Жиноят иши бўйича гаров қўлланилганда гаров тариқасида мол-мулк тақдим этилган бўлса, уни сақлаш масаласи ҳам жиддий муаммога айланиб улгурган<sup>6</sup>. Бугунги кунда

<sup>1</sup> Қаранг: Ўша жойда.

<sup>2</sup> Қаранг: *Бадалбаев А.* Особенности применения залога в качестве меры пресечения // Фалсафа ва ҳуқуқ. — Т., 2007. — № 4. — С.102–104.

<sup>3</sup> Қаранг: *Рашидов Б.Н.* Кўрсатилган манба. — Б. 191.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўша жойда.

<sup>5</sup> Қаранг: Ўша жойда.

<sup>6</sup> Қаранг: *Тўлаганова Г.З.* Эҳтиёт чораларини қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар // Хўжалик ва ҳуқуқ. — 2004. — №10. — Б.19—23.

гаров тариқасида тақдим этилган телевизор, холодильник, қимматбаҳо тақинчоқлар ва бошқа буюмлар терговчининг ўзида, хизмат хонасида сақланади ёки гаровга қўювчининг ихтиёрида ҳам қолдирилади<sup>1</sup>. Бу мантиқан нотўғри, лекин гаров мулкни сақлаш учун алоҳида жойнинг йўқлиги терговчиларни шундай ҳаракат қилишга мажбур қилади ёки гаров қўлланилмаслигига олиб келади. Социологик сўров натижасига кўра гаров предметининг баҳосини белгилаш ва уни сақлаш борасида муаммолар 21,3 % ҳолатда ҳаммиша мавжуд бўлишини ва ҳал этилмаслигини, 55,4 % ҳолатда эса баъзан учраши ва жуда қийинчилик билан ҳал этилишини таъкидлашган. Шу билан бирга, жиноят ишларида гаров қўлланилган айбланувчиларнинг 96,9 фоизи гаров тариқасида миллий валюта тақдим этганлиги буни тасдиқлайди<sup>2</sup>.

Гаров тариқасида кўчмас мулк тақдим қилинганда уни қабул қилиш, шунингдек гаров шартлари бузилганда кўчмас мулкни давлат фойдасига ўтказиш масаласини ҳал этиш ҳам ўзига хос муаммо ҳисобланади<sup>3</sup>. Чунки кўчмас мулкни давлат фойдасига ёки эгаллигига ўтказиш бир нечта ҳужжатлар бўлишини талаб қилади<sup>4</sup>. Юқорида таърифланган муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитлари хусусида тўхталадиган бўлсак, аввало гаровни қўллашдаги муаммолар объектив равишда мавжуд ва уни ҳал этишда терговчининг тажрибаси ва юксак билимга эга

бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган муаммолар ҳал этилмай қолиши ишни юритаётган терговчининг тажрибасизлиги ёки етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмаслиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, айбланувчи ёки гаровга қўювчининг мулкий аҳволи ҳам гаров предмети ва миқдорини аниқлаш муаммоси вужудга келишининг сабабларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, гаров эҳтиёт чорасининг нисбатан янгилиги ва фақат бир неча йилдан бери амалиётда қўлланилаётганлиги бу борадаги тажрибалар камлигининг сабаби бўлиши мумкин, яъни гаров тариқасида тақдим этилган мол-мулкни сақлаш жойлари ажратилмаганлиги ҳам бу борада баъзи бир муаммоларнинг пайдо бўлиш сабабларидан ҳисобланади.

Қайд этилган муаммолар ва уларнинг мавжуд бўлиш сабаблари ва шарт-шароитлари гаров эҳтиёт чорасининг кенгроқ ва самаралироқ қўлланилишига тўсиқ бўлади. Натижада ушбу эҳтиёт чораси жуда кам қўлланилмоқда. Шу билан бирга, гаровнинг кам қўлланилиши сабабларидан бири гаровни қўллаш тартибининг бироз мураккаблиги ҳамда қонундаги номукамалликлар ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари тергов органларида терговчи сифатида фаолият юритаётган ходимлар ўртасида ўтказилган дастлабки сўровнома<sup>5</sup> ҳамда судья, прокурор, терговчи, ҳуқуқшунос олим, адвокат ва гаров қўллани-

<sup>1</sup> Қаранг: Миробод туман суди архивидаги 1-349/2008-сонли жиноят иши.

<sup>2</sup> Қаранг: Рашидов Б.Н. Кўрсатилган манба. – Б. 191.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўша жойда.

<sup>4</sup> Қаранг: Трунова Л. Имущественное поручительство как мера пресечения // Адвокатские вести. – 2002. – № 10. – С. 8-9.

<sup>5</sup> Дастлабки сўровномада қатнашган респондентларнинг 16% – Тошкент шаҳрида фаолият юритган, 5,7% – Тошкент, 6,8% – Андижон, 4,5% – Бухоро, 1,1% – Жиззах, 5,7% – Қашқадарё, 5,7% – Навоий, 3,4% – Наманган, 7,9% – Самарқанд, 15,9% – Сурхондарё, 12,5% – Сирдарё, 5,7% – Фарғона, 3,4% – Хоразм вилоятларида ва 5,7% – Қорақалпоғистонда терговчи сифатида ишлаган бўлиб, уларнинг 6,8 % 1000дан зиёд жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга оширган, 19,3% – 500-1000тагача, 36,4% – 200-500тагача, 37,5% – 200тагача жиноят ишларини юритган. Уларнинг ёшига эътибор қаратадиган бўлсак, сўровномада қатнашганларнинг 21,6%ини — 25 ёшгача, 50 % – 25-30 ёш, 19,4% – 30-35, 9%ини эса 35 ва ундан катта ёшдаги ходимлар ташкил этди. Уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органдаги хизмат муддати эса сўровномада қатнашганларнинг 35,2%ида — 5 йилгача, 47,8%ида — 5-10 йилни, 10,2%ида — 10-15 йил, 6,8%ида 15-20 йилни ташкил этди. Уларнинг маълумотига эътибор берадиган бўлсак, деярли 99 %га яқини ҳуқуқшунос, олий маълумотли ва 1%дан ошиқроғи тугалланмаган ҳуқуқшунос олий маълумотли эканлиги аниқ бўлди. Сўровномада қатнашган ИИИлари тизимида терговчи сифатида фаолият юритаётган ходимлар Ўзбекистоннинг барча минтақаларини қамраб олганлигини, уларнинг  $\frac{1}{4}$  қисми 500 тадан 1000тагача жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга оширганлигини, 36 %дан ортиқроғи эса 200тадан 500тагача, 37 %идан кўпроғи эса 200тагача жиноят ишларини юритганлиги, яъни уларнинг кўпчилиги етарли тергов амалиёти тажрибасига эга эканлиги, ушбу терговчиларнинг асосий қисмини (70 %га яқини) 25-35 ёшдагилар ташкил этишини, яъни ўртача ёшдагилардан иборатлигини, уларнинг 65% га яқини ИИИларидаги хизмати 5-10 йил ва ундан кўпни ташкил этиши, иш стажига кам бўлмаган ходимлар ҳисобланишини ва уларнинг барчаси зарур маълумотга эга эканлигини кўриш мумкин. Бу эса мазкур сўровномада жавоб тариқасида белгиланган фикрлар етарлича асосланганлигини тасдиқлайди.



лишида қатнашган шахслар ўртасида тадқиқот якунида ўтказилган иккинчи социологик сўров натижасида ҳам гаров эҳтиёт чорасини қўллаш жараёнида айрим муаммолар мавжудлиги ўз исботини топди.

Дастлабки сўровномада қатнашганларнинг ярмига яқини «Юритувингиздаги жиноят иши бўйича гаров эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарорга келганингизда уни қўллай олмаган ҳолатлар бўлганми?» деган саволга «ҳа, бўлган» жавобини белгилангани ҳамда «Бугунги кунда гаров эҳтиёт чорасини қўллаш чоғида қандай тўсиқлар кўпроқ мавжуд бўлиши мумкин?» деган саволга сўровда қатнашганларнинг 78,4 % — айбланувчининг моддий аҳволи билан боғлиқ ҳолатларни, 35,2 % — гаровнинг пора каби баҳоланишини жавоб тариқасида белгилангани (13,6 % иккала жавобни белгиланган) гаровни қўллаш амалиётида юқорида қайд этилганидек, етарлича муаммолар мавжудлигини тасдиқлайди. Шунингдек, «Гаров суммаси жиноят натижасида етказилган моддий зарар миқдорига тенг ёки ундан ортиқ бўлиши керакми?» деган саволга сўровномада қатнашганларнинг 40,9 % — «ҳа», 39,8 % — «йўқ», 19,3 % — «гаров суммасининг жиноят натижасида етказилган зарар билан тенг ёки ундан ортиқ бўлиши уни кенгроқ қўллашга тўсқинлик қилиши мумкин», деган жавобни белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, гаров миқдорини (предметини) белгилашда муайян муаммолар мавжуд<sup>1</sup>. Чунки «Гаров миқдорини белгилашда нималар ҳисобга олинishi керак?» деган саволга сўровда қатнашганларнинг 88,6 % — «жиноят натижасида етказилган зарар миқдори», 63,6 % — «айбланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, моддий аҳволи, оилавий шароити», 53,3 % — «жиноятнинг оғирлик даражаси, тайинланиши мумкин бўлган жазо тури ва хусусияти» (саволга бир неча жавобни белгилаш имкони бўлган) деб фикр билдирган. «Гаров суммасининг жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашда ишлатилиши тўғрими?» деган

саволга респондентларнинг 44,3 % — «ҳа», 50 % — «йўқ» деб жавоб берган. Қолганлари эса жавоб беришга қийналишини эътироф этган. Иккинчи сўров натижасига кўра гаровнинг жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплашда ишлатилиши 84,7 % ҳолатда мақсадга мувофиқлиги, аммо бу қонунда акс этмаганлигини, 15,3 % ҳолатда мақсадга номувофиқлигини таъкидлашган. Бундан кўриниб турибдики, гаров суммасини эгасига қайтариш ёки давлат фойдасига ўтказишда ва жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашда фойдаланиш<sup>2</sup> бўйича ҳам баъзи муаммолар мавжуд. Чунки қонунда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган, аммо жиноят-процессуал фаолият давомида нафақат ҳақиқатни аниқлаш ва жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш, балки, аввало, жиноят оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг мажбурияти ҳисобланади.

Республикамизнинг турли минтақаларида юритилган жиноят ишлари материаллари билан танишиш давомида ҳам гаров эҳтиёт чорасини қўллашда муайян муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатлар аниқланди. Ўрганилган жиноят ишларидан гаров қўлланилганларида асосан гаров сифатида пул (миллий валюта) қўйилганлиги, яъни улар гаров қўлланилган айбланувчилар сонига нисбатан 96,9 %ни ташкил этган, гаров сифатида пул олинган жиноят ишларида гаров миқдори аксарият ҳолларда (81,6 %) қонунда белгиланган энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида белгиланганлиги аниқ бўлди. 3,1 % га яқин гаров қўлланилган айбланувчилар гаров тариқасида кўчмас мулк тақдим этишган, яъни мулкнинг ҳужжатлари ишга қўшиб қўйилган. Бошқа турдаги мол-мулк қабул қилиниб, гаров қўлланилиши учрамади<sup>3</sup>.

Юқорида қайд этилган ҳолатларда пул қабул қилинаётганлиги ёки гаров тариқасида мол-мулк қабул қилинмаслиги ҳолати, гаров

<sup>1</sup> Қаранг: *Лагойский В.П.* Применение залога как меры пресечения в Российской Федерации и в Республике Беларусь (сравнительный анализ) // Российская юстиция. — 2006. — №4. — С. 23-24.

<sup>2</sup> Қаранг: Миробод туман суди архивидаги 1-370/06-сонли жиноят иши.

<sup>3</sup> Қаранг: *Рашидов Б.Н.* Кўрсатилган манба.

тариқасида мол-мулкни қабул қилиш, сақлаш, унинг баҳосини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Гаров эҳтиёт чораси қўлланилган ишларда унинг миқдори кўпинча таъкидлаганимиздек, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида этиб белгиланиши унинг предметини аниқлаш ҳамда айбланувчи, гаровга қўювчининг моддий аҳволи билан боғлиқ эканлигини исботлайди. З.Ф.Иноғомжонова ва Г.З.Тўлаганованинг қайд этишларича, гаровнинг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараварини ташкил этса-да, аҳолининг баъзи қатламлари учун бу маблағни тўлаш оғирлик қилиши мумкин<sup>1</sup>.

Кўриб чиқиладиган гаров эҳтиёт чорасини қўллашда учрайдиган муаммолар ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш учун, назаримизда гаров эҳтиёт чорасини гумон қилинувчига ҳам қўллаш мумкинлигини қонуний жиҳатдан ҳал этиш лозим. Чунки жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс унга айб эълон қилингунига қадар терговдан яшириниши, жиноят содир этишда давом этиши ёки жиноятни яширишга, далилларни йўқ қилишга ҳаракат қилиши мумкин. ЖПК 243-моддасининг биринчиси қисмига мувофиқ, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмайдиган ҳолларда эса гумон қилинувчи айб эълон қилингунига қадар эркинликда қолади. Қамоққа олиш тарзидаги ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи бундай жиддий чора гумон қилинувчига нисбатан қўлланилар экан, мулкий кафиллик билан боғлиқ гаров эҳтиёт чорасининг гумон қилинувчига нисбатан қўлланилиши мумкин эмаслиги умуман мантиқсиздир. Гаровни қўллашга ташаббус кўрсатиш ва бунга айбланувчи ёки гаровга қўювчининг розилигини олиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун, бизнинг

назаримизда, шахсни ушлаш ёки гумон қилинувчи тарзида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорни эълон қилиш жараёнида кўшимча сифатида унинг гаровга мулк ёки валюта топшириш эвазига озодликда қолиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтириш ва бундай қондан қонунчиликка киритиш лозим.

Гаров миқдори ва предметини аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш эса баъзи бир мураккаб масалалар билан боғлиқ, яъни айбланувчи ёки гаровга қўювчининг мулкий аҳволи объектив ҳолатларда гаровнинг энг кам миқдорини ҳам тақдим этиш учун имкон бўлмаса, ушбу ҳолатда гаров эҳтиёт чорасини қўллаб бўлмайди. Шу муносабат билан бу каби муаммоларни ҳал қилиш учун ЖПК 249-моддасига кўшимча тарзда «**Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга нисбатан гаровнинг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлмаслиги лозим**» деган янги қондан киритилиши мақсадга мувофиқ.

Бошқа ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, муайян терговчининг маҳоратини юксалтириш, тегишли малака ва кўникмаларни шакллантириш ва илғор тажрибаларни ўзлаштиришга эришиш орқали ҳал этилиши мумкин<sup>2</sup>. Шунинг учун аввало терговчи ходимларни жамлаш, уларнинг касбий тайёргарлик сифатини янада юксалтириш чоралари кўрилиши керак. Гаров предметини қабул қилиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун гаров қабул қилишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш лозим<sup>3</sup>.

Фикримизча, гаров тариқасида пул ёки бошқа қимматбаҳо қоғозлар, молиявий маблағлар тақдим этилганда, уларни қабул қилиш тартиби алоҳида, кўчар ва кўчмас мол-мулкни гаров тариқасида қабул қилиш тартиби алоҳида белгиланиши мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup> Қаранг: *Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З.* Жиноят процесси муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б.139-140.

<sup>2</sup> Қаранг: *Пўлатов Б.* Конституция талабларига риоя қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти // ТДЮИ ахборотномаси. – 2009. – №8. – Б.74—76.

<sup>3</sup> Қаранг: *Тўлаганова Г.* Жиноят процессида процессуал мажбурият чораларининг конституциявий асослари // ТДЮИ ахборотномаси. – 2009. – №8. – Б.81—83.

Гаров тариқасида тақдим этилган мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун шундай мулклар сақланадиган махсус жойлар ҳар бир дастлабки тергов ёки суд органи биносида ажратилиши ёки қурилиши лозим.

Гаров предметининг баҳосини аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун қонунда куйидагича тартиб белгиланиши таклиф этилади: «**Гаров предметининг баҳосини белгилаш учун терговчи қарор чиқаради ва ушбу қарор тегишли мутахассис томонидан гаровга қўювчи ҳисобидан ижро этилади**».

Гаров тариқасида кўчмас мулк қўйилганида вужудга келадиган муаммоларни бартараф этиш учун куйидагича тартиб жорий этилиши тўғрироқ бўлади, яъни ЖПКда кўчмас мулкнинг ҳужжатлари билан унга банд солинганлиги ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилганлиги (чекланганлиги) ҳақидаги ҳужжатлар қўшиб топширилиши ҳамда гаров сифатида кўчмас мулкни давлат фойдасига ўтказиш зарурати туғилганда бу ҳақда суд алоҳида ажрим чиқариши қонунда белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ<sup>1</sup>.

Терговчилар ўртасида ўтказилган дастлабки сўров натижасига кўра, «Сизнингча, гаровни қўллаш билан боғлиқ ҳолда вужудга келаётган муаммоларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш лозим?» деган саволга респондентларнинг 44,3 % — «гаровни қўллаш билан боғлиқ ижобий тажрибаларни тарғибот қилиш» деган жавобни, 26,1 % — «суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органлари ходимлари ўртасида гаровни қўллаш билан боғлиқ самарали ҳамкорликни ташкил қилиш», 5,7 % — «гаровни самарали қўллаш бўйича махсус курсларни жорий қилиш», 25 % эса «қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш лозим» деган жавобни белгилашган (саволга бир неча жавобни белгилаш имкони бўлган). Бевосита

сўровнома натижалари ҳам юқорида қайд этилган фикримизни тасдиқлайди.

Умуман, гаров эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун куйидаги чоралар кўрилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича:

— гаров эҳтиёт чорасини гумон қилинувчига ҳам қўллаш тартибини киритиш<sup>2</sup>;

— шахс жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланганида ёки унга гумон қилинувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарор эълон қилинганда (таништирилганида) гаров эҳтиёт чораси қўлланилиши орқали эркинликда қолдирилиши ҳуқуқини тартибга солиш;

— гаровнинг энг кам миқдори алоҳида ҳолатларда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларга доир ишлар бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ҳам оз бўлишига йўл қўйиш;

— гаров тариқасида тақдим этилган пул ёки бошқа қимматбаҳо қоғозларни, шунингдек, бошқа мол-мулкларни қабул қилишнинг ҳар бирига оид алоҳида тартибни белгилаш;

— гаров предметини баҳолаш бўйича терговчининг ҳаракатлари (ваколатлари)ни тартибга солиш;

— гаров тариқасида тақдим этилган кўчмас мулкни давлат фойдасига ўтказиш суднинг ажрими билан амалга оширилиши тартибини киритиш.

2. Амалий хусусиятга эга тавсиялар бўйича:

— терговчи кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш сифатини ошириш (БМТнинг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чораларга оид минимал стандарт қоидалари<sup>3</sup>, яъни Токио қоидалари)нинг 15-16-моддаларига асосан;

— гаров эҳтиёт чораси қўлланилишига оид илғор тажрибаларни тарғиб қилиш (бу борада

<sup>1</sup> Бу ҳақда Беларусь Республикаси ЖПКда ҳам белгиланган.

<sup>2</sup> Бу ҳақда Россия Федерацияси, Қозоғистон, Туркменистон, Беларусь, Молдова ва Эстония жиноят-процессуал кодекслари, Албания, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Норвегия, Франция каби давлатлар қонунчилигида ҳам белгиланган.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир. проф. А.Х.Саидов. – Т., 2002 – Б.270.

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг асарларида ҳам ижобий фикрлар билдирилган)<sup>1</sup>;

— эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича терговчи ва суриштирувчи ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

— гаров предметини (мол-мулк) сақлаш жойларини белгилаш ва жиҳозлаш;

— гаров эҳтиёт чораси ҳуқуқий тартибга солиниши ва қўлланилишини доимий равишда баҳолаб бориш, ушбу соҳада мунтазам илмий изланишлар ва тадқиқотлар амалга оширилишини таъминлаш.

Ҳар қандай жамият ҳеч қачон бир жойда турмайди ва ҳамisha ривожланади. Шунинг учун ҳам барча ижтимоий ҳодисалар доимо

ўзгариб туради. Шунга мутаносиб равишда ижтимоий жараёнларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ҳам такомиллаштирилади, тизимлар ўзгартирилиб, замон талабларига мослаштириб борилади<sup>2</sup>. Акс ҳолда мавжуд механизм инқирозга юз тутиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун муайян изланишлар, тадқиқотлар амалга оширилади ва натижада янгилликлар ихтиро қилинади. Худди шунингдек, жиноят-процессуал фаолият соҳасидаги эҳтиёт чоралари, хусусан гаровни қўллаш амалиётида учраётган муаммоларни таҳлил қилиш, уларнинг ечимларини топиб ҳал этиш жуда ҳам зарур. Юқорида билдирилган фикрлар ҳам шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

◆ **Нашрга тайёрланди** ◆

**Raxmankulov A.X., Mirazov D.M.**

Dastlabki tergov: Darslik (to'ldirilgan va o'zgartirilgan ikkinchi nashri) – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 479 b.

Дарсликда ички ишлар органлари тергов аппаратлари ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида тутган ўрни, ИИВ тергов бошқармаларида бошқарувни ташкил қилиш, тергов аппаратида ҳисоб ва ҳисобот, терговчининг ишини ташкил қилиш, дастлабки терговнинг процессуал ҳужжатларини тузиш каби масалалар кўриб чиқилган. Жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги процессуал ҳужжатлар, терговчи терговнинг дастлабки босқичида далилларни тўплаш жараёнида тузадиган ҳужжатлар, шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этиш ва уни сўроқ қилиш босқичида тузиладиган процессуал ҳужжатлар, иш бўйича тергов вақтида процессуал мажбурлов ва эҳтиёт чораларини процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш масалалари ва бошқа ҳолатлар ҳақида маълумот берилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий таълим муассасаларининг тингловчи ва курсантлари, ўқитувчи, тадқиқотчи-изланувчилар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15 – Т., 2007. – Б.320.

<sup>2</sup> Батафсилроқ қаранг: *Мухамедов Ў.* Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг истиқболли вазифалари // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – Т., 2005. – №4. – Б.6—10.

## БОЛА САВДОСИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

Қонун чиқарувчи томонидан боланинг нормал рухий, жисмоний, ахлоқий ривожланиши ва тарбияланиши соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи, жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар бола савдосининг кўшимча бевосита объекти сифатида баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддасининг диспозициясида назарда тутилган қилмишларнинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилиши одам савдосининг айбни ўта оғирлаштирувчи таркиби этиб белгиланганлиги жуда баҳсли бўлиб, бу ҳолат бола савдосининг асосий ва кўшимча бевосита объекти ҳақидаги масалани чуқур ўрганишни талаб этади.

Бола савдосининг объекти ҳақидаги масала юридик адабиётларда баҳс-мунозаралар предмети бўлган ва шундайлигича қолмоқда. Ушбу масалада олимлар ягона тўхтамга келишмаган.

Аксарият муаллифлар (А.Н. Игнатов, Н.К. Семернёва, Ф.Н. Шукуров, А.Е. Якубов каби) бола савдосининг асосий бевосита объектини боланинг шахсий эркинлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади, деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup>.

Бунга қарши фикрда бўлган муаллиф (О. Дмитриев, С.С. Ниёзова каби)лар эса, бола

савдосининг асосий бевосита объектини боланинг нормал рухий, жисмоний, ахлоқий ривожланиши ва тарбияланиши соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи, жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар, деб таъкидлайдилар<sup>2</sup>.

Фикримизча, қуйидаги асосларга кўра, юқорида келтирилган иккала фикрни ҳам тўлиқ маъқуллаб бўлмайди:

*биринчидан*, катта ёшдаги шахсдан фарқли ўлароқ, ёш бола, айниқса, гўдак тўлиқ эрка эга эмас: унинг эрки мақоми ва ёшига хос психофизиологик қобилиятлари билан чекланган. Шунинг учун ёш бола, айниқса, гўдакнинг шахсий эркинлигига бола савдосининг асосий бевосита объекти сифатида қараш жиддий баҳс-мунозарага сабаб бўлади;

*иккинчидан*, бола савдоси вояга етмаган шахснинг ҳаракатланиш, вақтинчалик ёки доимий турар жой танлаш ва истиқомат қилиш, меҳнат қилиш ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш эркинлигига таҳдид солади. Ушбу ҳолатда вояга етмаган шахснинг шахсий эркинлиги бола савдосининг асосий бевосита объекти сифатида намоён бўлади;

*учинчидан*, бола савдоси вояга етмаган шахснинг ота-онаси билан яшаш ва оилада тарбияланиш ҳуқуқи амалга ошишига тўсқин-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедраси ўқитувчиси.

<sup>1</sup> Батафсил қаранг: Уголовное право. Особенная часть / Под ред. И. Я. Казаченко, З. А. Незнамова, Г. П. Новоселова. — М., 2000. — С. 174; Курс уголовного права России. Особенная часть / Под ред. А. Н. Игнатова, Ю. А. Красикова. — М., 1998. — С. 170; Курс уголовного права. Особенная часть / Под ред. Г. Н. Борзенкова и В. С. Комиссарова. — М., 2002. — С. 371; Шукуров Ф. Одам савдосининг объекти // Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолати: Илмий мақолалар тўплами. — Т., 2011. — Б. 77.

<sup>2</sup> Батафсил қаранг: Комментарий к Уголовному кодексу РФ / Отв. ред. А. И. Бойко. — Ростов-на-Дону, 1996. — С. 342; Уголовное право. Особенная часть / Под ред. Н. И. Ветрова, Ю. И. Ляпунова. — М., 1998. — С. 173; Уголовное право России. Особенная часть: Учебник / Под ред. Б. В. Здравомыслова. — М., 1999. — С. 124; Дмитриев О. Уголовно-правовая характеристика торговли несовершеннолетними // Уголовное право. — 2002. — № 3. — С. 14; Уголовное право. Особенная часть / Под ред. Н. И. Ветрова, Ю. И. Ляпунова. — М., 1998. — С. 173; Ниёзова С. С. Одам савдосининг ҳуқуқий тавсифи // Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолати: Илмий мақолалар тўплами. — Т., 2011. — Б. 51.

---

лик қилади, шахснинг ривожланишига жиддий ғайриахлоқий таъсир кўрсатади, оилавий ришталарни узади, болани бегона ва кўпинча нокулай атроф ижтимоий муҳитга ташлайди. Ушбу ҳолатда эса, боланинг мазкур манфаатлари бола савдосининг асосий бевосита объекти сифатида намоён бўлади.

Шу боис, назаримизда, *бола савдосининг асосий бевосита объекти сифатида вояга етмаган шахснинг эркинлиги билан бир қаторда, унинг руҳий, жисмоний, ахлоқий, маънавий саломатлиги ва нормал ривожланиши, бошқа ҳуқуқ ва манфаатлари, жумладан тўлақонли тарбия, таълим олиш, ота-онаси билан мулоқотда бўлиш, шунингдек ота-оналарнинг ўз фарзандини тарбиялаш, у билан мулоқот қилишга оид манфаатларини таъминловчи, жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларни баҳолаш лозим.*

Қайд этиш зарурки, амалдаги жиноят қонунчилигида оила ва болаларнинг манфаатларини жиноий-ҳуқуқий муҳофазанинг алоҳида объекти сифатида комплекс муҳофаза

---

этувчи махсус боб (ЖК Махсус қисми I бўлимининг V боби) мавжуд. Шу боис, ўйлашимизча, *айнан тажовуз объектининг хусусиятлари туфайли, жиноят қонунчилигининг тизимлилиги принципини сақлаб қолган ҳолда, одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи умумий норма (ЖК 135-м.) билан бир қаторда, бола савдоси учун жавобгарликни белгиловчи жиноий-ҳуқуқий нормаларни мустақил норма сифатида ЖКнинг «Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар» номли V бобида тақлиф этилаётган алоҳида моддада баён этиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>:*

Ушбу тақлифимизни қуйидагилар билан чуқур ҳам асослаш мумкин:

1. Болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг ҳам, ҳар бир мамлакат ички қонунчилигининг ҳам алоҳида ҳимоясидадир. Бу эса, болаларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини алоҳида ҳимоя қилиш зарурлигини ва уларга нисбатан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни кучайтиришни тақозо этади.

---

<sup>1</sup> Батафсил маълумот учун бизнинг қуйидаги мақолаларимизга қаранг: Болалар савдоси – аянчли офат // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. — 2009. — №5. — Б. 44—48; Бола савдоси учун жиноий жавобгарлик: муаммо ва тақлифлар // ТДҶОИ ахборотномаси. — 2010. — №1. — Б. 110—113; Болаларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг кафолати // ТДҶОИ ахборотномаси. — 2010. — №6. — Б. 46—48; Бола савдоси учун жавобгарликни белгиловчи халқаро ва миллий қонунчилик нормаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили // Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият: интеграциялашувнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2011 йил 24 март). — Т., 2011. — Б. 175—176; Болаларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини кафолатловчи жиноят қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш масалалари // Баркамол авлодни тарбиялашнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Иккинчи китоб. — Т., 2010. — Б. 164—165; Болалар савдосига қарши курашда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти // Ҳуқуқий тарбия – баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. — Т., 2010. — Б. 363—368; Юксак маънавиятли баркамол авлоднинг шахсий дахлсизлигига болалар савдосининг жиддий таҳдиди // Юксак маънавият – баркамол авлод тарбиясининг пойдевори: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2010 йил 8 июнь). — Т., 2010. — Б. 45—49; Бола савдоси учун жавобгарликни белгиловчи жиноят қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришга доир мулоҳазалар // Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2010 йил 30 апрель). — Т., 2010. — Б. 305—310; Болалар шахсий дахлсизлик ҳуқуқини таъминлашга оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари // Давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммолари: Илмий-назарий конференция материаллари (2010 йил 26 ноябрь). — Т., 2011. — Б. 210—215; Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини кафолатига доир мулоҳазалар // Конституция – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш асоси мавзусидаги давра сужбати (2011 йил 6 декабрь) материаллари (II қисм). — Т., 2011. 55—63; Болалар савдоси – баркамол авлод учун жиддий таҳдид // Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда юридик фанларнинг долзарб муаммолари мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари (2011 йил 12 май). — Т., 2011. — Б. 94—99.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддасининг қўлланиш соҳаси анча тор, яъни унда келтирилган таъриф бола савдосининг халқаро-ҳуқуқий тушунчасини тўлиқ қамраб олмайди. Бу эса, халқаро ҳуқуқ да болага нисбатан жиноят деб ҳисобланадиган содир этиладиган қилмишларнинг аксарияти жиноий-ҳуқуқий таъқиб доирасидан тушиб қолишига олиб келади. Жумладан, БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли» Факультатив протоколи 2-моддасининг «а» бандига кўра: «бола савдоси» – ҳақ олиш эвазига ёки бошқа шаклда қопланадиган фойда эвазига ҳар қандай шахс ёки бир гуруҳ шахслар томонидан болани бошқа шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга беришни кўзлаган ҳар қандай ҳаракат ёки битимни англатади<sup>1</sup>. Ушбу протокол ҳар бир иштирокчи-давлат зиммасига «ҳеч бўлмаганда ... болани шахвоний мақсадларда эксплуатация қилиш ёки фойда олиш учун бола органларини кўчириш ёки болани мажбурий меҳнатга жалб қилиш ёхуд фарзандликка олиш соҳасида қўлланиладиган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларини бузиш орқали болани фарзандликка олиш учун номувофик тарзда, воситачи сифатида, кўнишга мажбурлаш мақсадида ҳар қандай воситалар орқали болани таклиф қилиш, етказиб бериш ёки қабул қилиш ҳаракатларининг жиноят ҳуқуқи томонидан тўлиқ қамраб

олинишини таъминлаш мажбуриятини юклайди» (3-модданинг 1-қисми «а» банди)<sup>2</sup>. 2008 йил 11 декабрда республикаимиз томонидан мазкур протоколнинг ратификация қилиниши<sup>3</sup> натижасида бола савдоси учун жавобгарликни белгиловчи жиноят қонунчилигимизнинг нормаларини ушбу протоколнинг нормаларига мувофиқлаштириш зарурати юзага келди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1-моддасининг иккинчи қисмида белгиланганидек, давлатимизнинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланиши лозим.

3. Халқаро қонунчилик давлатларни одам савдоси учун жавобгарлик белгиловчи қонунларни ишлаб чиқишни давом эттириш ёки тўлдириш ҳамда «зарур бўлса, инкриминациянинг махсус шакллари»<sup>4</sup> назарда тутишга чақирмоқда.

4. Бола савдоси учун жавобгарлик белгиловчи нормалар алоҳида моддада акс эттирилган хориж давлатлари жиноят қонунчилигининг ижобий тажрибасини<sup>5</sup> инобатга олиш мазкур соҳадаги жиноят қонунчилиги нормаларининг такомиллашувига олиб келади.

5. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бола савдосининг жабрланувчилари асосан қонунга хилоф фаолият билан шуғулланиш, хусусан наркотиклар тайёрлаш ва сотиш, ўқотар ёки бошқа қуролларни ноқонуний равишда ташиш

<sup>1</sup> Қаранг: «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли» Факультатив протокол (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) // Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг Факультатив протоколлари. — Т., 2009. — Б. 60.

<sup>2</sup> Ўша жойда. — Б. 60—61.

<sup>3</sup> Қаранг: «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008. — №12. — 631-м.

<sup>4</sup> Пункт 42 Приложения к Рекомендации № R (2000) 11 о борьбе с торговлей людьми в целях сексуальной эксплуатации, принятой Комитетом министров Совета Европы 19 мая 2000 г. в рамках 710-го заседания Представителей министров // Противодействие торговле людьми: Сборник нормативных правовых документов / Под ред. Н. И. Абукировой. — М., 2004. — С. 141.

<sup>5</sup> Қаранг: Бельгия ЖКнинг 380-моддаси 1-параграфи; Германия Федератив Республикаси ЖКнинг 236 параграфи (Болалар савдоси); Грузия ЖКнинг 172-моддаси (Вояга етмаганлар билан савдо қилиш); Испания ЖКнинг 222-моддаси; Литва ЖКнинг 157-моддаси (Болани сотиб олиш ёки сотиш); Молдова Республикаси ЖКнинг 206-моддаси (Болалар савдоси); Озарбойжон ЖКнинг 173-моддаси (Вояга етмаганлар билан савдо қилиш); ХХР ЖКнинг 240, 241-моддалари; Эстония ЖКнинг 123<sup>1</sup>-моддаси (Болани олиш-сотиш); Қозоғистон ЖКнинг 133-моддаси (Вояга етмаганлар билан савдо қилиш); ва бошқ.

ёки ишлатиш билан боғлиқ фаолият, тиламчилик қилиш, шунингдек бошқа жиноятларни содир этишга мажбуран жалб қилиниши кузатилмоқда. Бу эса, бола савдоси учун жавобгарликни белгилловчи жиноят-ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси («Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш»)ни тўлдирувчи янги моддада акс эттиришни тақозо этади.

6. Назаримизда, бир модда (ЖК 135-м.) доирасида ҳам болалар, ҳам катта ёшдаги шахсларга нисбатан содир этилган одам савдоси учун жавобгарликнинг турли тартибларини ўрнатиб бўлмайди. Бола савдоси учун жавобгарликни белгилловчи мустақил модда айбдорларнинг жавобгарлигини фарқлаш ва бола савдосининг ўзига хос квалификация қилувчи белгиларини (масалан, бола савдосини қонунда вояга етмаган шахсни тарбиялаш вазифаси юклатилган ота-она, педагог ёхуд бошқа шахс томонидан содир этилиши) ўрнатиш имконини беради. Кўпинча, бола савдосининг субъекти ихтиёрида ёки назоратида вояга етмаганлар бўлган шахслар (масалан, ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар, тиббиёт ходимлари ва болалар муассасаларининг ходимлари) ташкил қилади. Улар жиноий ҳаракатларни содир этиш учун бошқа шахсларга нисбатан қўшимча имкониятларга эгадирлар. Буларнинг бари қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширади, шу боис вояга етмаган шахсни тарбиялаш ёки назорат қилиш вазифаси юклатилган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги оғирроқ бўлиши керак.

7. Энг хавфлиси, одам савдоси жабрланувчиларининг аксарият қисмини болалар ташкил қилаётганлиги барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Статистик маълумотларнинг далолат беришича, 2010 йил давомида республикамиз бўйича жинсий эксплуатацияга учраган одам савдоси жабрланувчиларининг 4,0 %ини вояга етмаган қизлар ташкил этган<sup>1</sup>.

8. ЖКда бола савдоси ҳақида мустақил модданинг йўқлиги нафақат содир этилган жиноятлар ва ҳукм этилган шахсларни ҳисоблашга, балки ушбу турдаги жиноятчиликнинг ҳақиқий манзараси ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ҳам имкон бермаяпти. Айни вақтда, криминологияга оид адабиётларда таъкидланишича, статистик маълумотлар таҳлили ўрганилаётган жиноятнинг олдини олиш бўйича зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон яратади<sup>2</sup>.

9. Таҳлил қилинаётган муаммо бошқа квалификацияга оид белгилар (ЖК 135-м. 2-ёки 3-қ.) мавжуд бўлган тақдирда бола савдосини лозим даражада баҳолашга имкон бермайди. Масалан, катта ёшдаги шахсни сотиш (ЖК 135-м. 1-қ. — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш)га кўра, уни ўғирлаб сотиш (ЖК 135-м. 2-қ. «а» б. — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш) хавфлироқ қилмиш деб баҳоланиб, оғирроқ жазони назарда тутаяди, болани сотиш ва уни ўғирлаб сотишда эса бунинг етарли даражада имкони йўқ. Назаримизда, тергов ва суд амалиётида қилмишнинг бундай баҳоланиши айбдорларга нисбатан тўғри, аниқ ва қилмишига мувофиқ жавобгарлик белгилаш имконини бермайди ҳамда жазо тайинлашда айбни фарқлаш ҳамда алоҳида (индивидуал) жазо тайинлаш ҳақидаги таълимотга мос келмайди. Бола савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг алоҳида моддада келтирилиши ва жиноий жавобгарликни қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос равишда мувофиқлаштирилиши амалиётда қонунийлик принципини таъминлаш учун замин яратади.

10. Амалиёт ходимларининг аксарияти ушбу муаммонинг муҳимлигини англаб етганлар. Жумладан, бу борада мутахассислар-

<sup>1</sup> 2010 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси билан кўзгатишган жиноят ишларини тергов қилиш амалиёти юзасидан Умумлашма / Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармаси. — Т., 2011 йил 14 январь.

<sup>2</sup> Батафсилроқ қаранг : Криминология: Дарслик / З. С. Зарипов, Ю. С. Пулатов, Г. А. Аванесов ва бошқ. — Т., 2006. — Б. 109—113.



нинг фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган анкета сўровномаларида қатнашган респондентларнинг аксарияти (84 %) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига бола савдоси учун жавобгарлик белгиловчи махсус норма киритиш зарур деб, 12 % киритиш керак эмас деб айтганлар, респондентларнинг 4 % эса қўйилган саволга жавоб беришга қийналганлар.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазаларнинг таҳлилига асосланиб, бола савдоси учун жавобгарлик белгиловчи нормаларни мустақил жиноий-ҳуқуқий норма сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар» номли V бобининг 127-моддаси («Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш»)ни тўлдирувчи янги 127<sup>1</sup>-моддада қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз:

*«127<sup>1</sup>-модда. Бола савдоси ёки унинг эркига қарши бошқа битимлар*

*болани олиш-сотиш ёки унинг эркига қарши бошқа битимларни содир этиш ёхуд уни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, — ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*2. Ўша ҳаракат:*

*а) икки ёки ундан ортиқ болаларга нисбатан;*

*б) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган болага нисбатан, шунингдек, жабрланувчини қасддан ожиз аҳволга келтириб;*

*в) 14 ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;*

*г) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*

*д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*

*е) вояга етмаган шахснинг ота-онаси ёки қонунда зиммасига уни тарбиялаш мажбурияти юклатилган шахс ёки вояга етмаган шахсни назорат қилиш мажбуриятига эга бўлган педагог ёки таълим, тарбия, даволаш ёхуд бошқа муассасанинг ўзга*

*ходими томонидан, худди шунингдек хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;*

*ж) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали;*

*з) кўпчилик одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли усулда;*

*и) қонунга хилоф равишда болани фарзандликка олиш учун номувофиқ тарзда, воситачи сифатида, кўнишга мажбурлаш орқали;*

*к) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;*

*л) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;*

*м) жабрланувчининг аъзо ёки тўқималарини ажратиб олиш мақсадида содир этилган бўлса, —*

*ўн икки йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

*3. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган қилмишлар:*

*а) эҳтиётсизлик оқибатида боланинг соғлиғига оғир зарар етказилишига ёки унинг ўлимига, шунингдек бошқа оғир оқибатларга олиб келса;*

*б) ўта хавфли рецидивист томонидан;*

*в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».*

Ўйлаймизки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган жадал ислохотлар жараёнида бола савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонунчилиги нормаларининг янада такомиллаштирилиши ва юқорида таъкидланган таклиф ва тавсияларнинг жиноят қонунчилигида ўз ифодасини топиши бу борадаги муаммоларни ҳал этишда ижобий натижаларга эришишни таъминлайди.

А.А. Хамдамов\*,  
М.К-у. Холходжаев\*\*

## О СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ ШКОЛАХ ДЛЯ ДЕТЕЙ, НУЖДАЮЩИХСЯ В ОСОБЫХ УСЛОВИЯХ СОДЕРЖАНИЯ, ВОСПИТАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ

В Республике Узбекистан по инициативе главы государства с первых дней независимости разработана и поэтапно осуществляется стратегия, направленная на воспитание гармонично развитого молодого поколения. В соответствии с этой стратегией в стране реализуются последовательные реформы по следующим основным направлениям: создание и совершенствование законодательных основ, гарантирующих защиту прав детей; поддержка необходимых институциональных структур; реализация мер по повышению качества образования; развитие системы массового детского и юношеского спорта; профилактика правонарушений среди несовершеннолетних; создание необходимых социально-экономических условий в целях воспитания гармонично развитого подрастающего поколения.

8 января 2008 г. вступил в силу Закон Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка». Основной его целью является повышение эффективности действующей системы социальной и правовой защиты детей путем совершенствования механизма правового упорядочения отношений в области защиты прав ребенка. 16 апреля 2008 г. подписан Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некото-

рые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием законодательства о защите прав несовершеннолетних», направленный на защиту прав и интересов несовершеннолетних, повышение эффективности в борьбе с противоправными посягательствами на права несовершеннолетних.

Большое значение в деле обеспечения социальной и правовой защиты детей имело принятие 12 августа 2010 г. Законодательной палатой и одобрение Сенатом 28 августа 2010 г. Закона Республики Узбекистан «О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних», о чем особо подчеркнул Президент Республики Узбекистан<sup>3</sup>.

Учитывая, что задачу по защите прав детей, нуждающихся в особых условиях содержания, воспитания и образования, выполняют в основном специализированные школы для детей, а также в целях дальнейшего совершенствования деятельности данных учреждений и в соответствии с законами «О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних», «Об образовании», «О гарантиях прав ребенка», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 26 ноября 2010 г. утверждено Положение

\* Начальник кафедры специальных дисциплин факультета повышения квалификации офицеров органов внутренних дел Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук.

\*\* Старший преподаватель кафедры специальных дисциплин факультета повышения квалификации офицеров органов внутренних дел Академии МВД Республики Узбекистан.

<sup>3</sup> См.: Каримов И. А. Последовательное продолжение курса на модернизацию страны – решающий фактор нашего развития // Народное слово. – 2010. – 8 дек.

---

о специализированной школе для детей, нуждающихся в особых условиях содержания, воспитания и образования. Данное Положение в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних» определяет порядок организации деятельности специализированных учебно-воспитательных учреждений.

В соответствии с указанным Постановлением Кабинета Министров основными задачами специализированных школ являются:

воспитание всесторонне развитой, физически и духовно здоровой личности, формирование у детей трудолюбия, чувства патриотизма, ответственности, самостоятельности и стремления к самосовершенствованию;

реализация мер, обеспечивающих психологическую, медицинскую и социальную реабилитацию детей, способствующих их умственному, эмоциональному и физическому развитию в соответствии с возрастными психофизиологическими склонностями, способностями, интересами, требованиями охраны жизни и здоровья детей;

создание условий для получения детьми общего среднего образования на основе государственных образовательных стандартов;

осуществление мер по реализации программ и методик, направленных на формирование законопослушного поведения воспитанников, оказание помощи в их социальной защите и разностороннем развитии.

Следует отметить, что в специализированную школу могут быть помещены несовершеннолетние в возрасте от одиннадцати до четырнадцати лет, нуждающиеся в особых условиях содержания, воспитания и образования, в случаях, если они:

совершили общественно опасные деяния, но не достигли возраста, с которого возможно привлечение к уголовной ответственности, либо вследствие существенного отставания в возрастном развитии, не связанного с болезненным психическим расстройством, были не

способны в полной мере сознавать значение совершенного деяния;

продолжают совершать правонарушения или иные антисоциальные действия, несмотря на проводимую индивидуальную профилактическую работу.

Основанием для помещения несовершеннолетних в специализированную школу является определение суда. Прием несовершеннолетних в специализированную школу осуществляется на основании определения суда по направлениям, предоставляемым Министерством народного образования Республики Узбекистан.

В специализированной школе воспитанники могут содержаться до достижения ими пятнадцати лет. В исключительных случаях пребывание воспитанников в специализированной школе может быть продлено до достижения ими шестнадцатилетнего возраста. Несовершеннолетние находятся в специализированной школе до исправления, но не более трех лет. Районная (городская) комиссия по делам несовершеннолетних по месту нахождения специализированной школы может разрешить воспитаннику остаться в указанном учреждении и по истечении трехлетнего срока, до окончания соответствующего класса в текущем учебном году. Воспитанники специализированной школы, достигшие пятнадцати лет, но не исправившие своего поведения, районной (городской) комиссией по делам несовершеннолетних по месту нахождения таких школ могут быть направлены в специализированные профессиональные колледжи. Порядок содержания, воспитания и обучения воспитанников в специализированной школе устанавливается с учетом их индивидуальных особенностей, возраста, пола, психического и физического состояния.

Необходимо отметить, что вопрос о целесообразности дальнейшего пребывания воспитанников в специализированной школе периодически, но не реже одного раза в год, рассматривается районной (городской)

---

комиссией по делам несовершеннолетних по месту нахождения этих учреждений по инициативе данной комиссии, по представлению администрации специализированной школы либо по ходатайству родителей или лиц, заменяющих родителей.

Отметим, что в специализированную школу не могут быть помещены несовершеннолетние с физическими недостатками и заболеваниями, предусмотренными перечнем заболеваний, препятствующих содержанию, воспитанию и образованию несовершеннолетних в специализированных учебно-воспитательных учреждениях, утвержденным Министерством здравоохранения Республики Узбекистан.

Пребывание воспитанника в специализированной школе прекращается по постановлению районной (городской) комиссии по делам несовершеннолетних по месту нахождения данного учреждения, на основании решения педагогического совета, утвержденного руководителем, о чем не менее чем за месяц до выпуска воспитанника извещается комиссия по делам несовершеннолетних по месту его жительства, которая обязана принять меры к трудоустройству или направлению несовершеннолетнего в образовательное учреждение и созданию ему необходимых материально-бытовых условий.

При выпуске из специализированной школы воспитанникам, прошедшим итоговую государственную аттестацию, выдаются документы об образовании установленного образца. Воспитанникам, не завершившим образование, выдается справка установленного образца. Положением установлено, что воспитанники в возрасте до шестнадцати лет при выпуске направляются к месту их постоянного проживания в сопровождении работников специализированной школы, родителей или лиц, заменяющих родителей.

Финансирование деятельности специализированной школы осуществляется за счет ассигнований из Государственного бюджета Республики Узбекистан и добровольных

пожертвований физических и юридических лиц.

Что немаловажно, обучение в специализированной школе ведется на основе учебных планов и образовательных программ общего среднего образования в порядке, установленном Министерством народного образования Республики Узбекистан. Начало учебного года, продолжительность учебных занятий и каникул, а также проведение итоговой государственной аттестации и порядок выдачи документов об образовании определяются в соответствии с законодательством.

В специализированной школе устанавливаются следующие основные формы учебных занятий: уроки, практические и лабораторные занятия, факультативы и консультации. Обязательные учебные занятия, определяемые учебными планами и образовательными программами, дополняются самостоятельной работой воспитанников. В соответствии с Постановлением наполняемость групп и классов в специализированной школе составляет 25 человек (хотя, на наш взгляд, с учетом индивидуальных особенностей воспитанников данных школ, их возраста, психологического и физического состояния было оптимально определить наполняемость групп и классов не более 12-14 человек).

Следует отметить, что в соответствии с Положением в специализированной школе создается психолого-медико-педагогическая комиссия. Психолого-медико-педагогическая комиссия каждые шесть месяцев рассматривает динамику реабилитационного процесса и вносит коррективы в индивидуальные планы работы с воспитанниками. Особое внимание при этом уделяется нравственному развитию воспитанников, ограждению их негативного воздействия криминальной субкультуры. Ведь, как пишет профессор К. Мирзажанов, в настоящее время «наблюдается все большее проникновение криминальной субкультуры в подростковую среду. Криминальная субкультура отрицательно

---

---

влияет на несформировавшуюся личность подростка»<sup>1</sup>.

Важно отметить, что в Положении чётко закреплены права воспитанников специализированной школы. Так, воспитанникам специализированной школы в установленном порядке обеспечивается право на:

уведомление родителей или лиц, заменяющих родителей, об их доставлении или помещении в указанное учреждение;

обжалование решений органов и учреждений, осуществляющих профилактику безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних и действий (бездействия) должностных лиц в вышестоящие органы, комиссии по делам несовершеннолетних, органы прокуратуры или суд;

гуманное, не унижающее честь и человеческое достоинство обращение;

поддержание связи с семьей путем телефонных переговоров, общения через иные средства связи и свиданий, получения посы-

---

---

лок, бандеролей, передач, получение и отправление писем и телеграмм без ограничения их количества;

получение бесплатного питания, одежды, обуви и других предметов вещевого довольствия по утвержденным нормам.

Содержание воспитанников специализированной школы осуществляется на основе государственного обеспечения. Медицинская помощь несовершеннолетним обеспечивается штатными медицинскими работниками специализированной школы и учреждением здравоохранения по месту нахождения школы.

Специализированная школа имеет право осуществлять международное сотрудничество по вопросам совершенствования учебно-воспитательной деятельности в соответствии с законодательством. Реорганизация и ликвидация специализированной школы осуществляются в порядке, установленном законодательством. При ликвидации специализированной школы обеспечивается перевод воспитанников в другие образовательные учреждения.

♦ Готовится к изданию ♦

**Административное право. Особенная часть:** Курс лекций. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2012. – 222 с.

В курсе лекций рассматриваются вопросы действующей системы административно-правовых отношений, а также административно-правового регулирования в сферах экономики, образования, науки, труда, социально-культурной сфере. Курс лекций подготовлен с учетом изменений и дополнений, внесённых в действующее административное законодательство.

Для слушателей, курсантов высших образовательных учреждений МВД Республики Узбекистан, а также практических работников правоохранительных органов.

---

<sup>1</sup> *Мирзажанов К.* Влияние криминальной субкультуры на преступное поведение подростков и её профилактика // *Жинойтчиликнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар*: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2003. – С. 191

**КРИМИНОГЕН ҲОЛАТЛАРДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ КУЧ ВА ВОСИТАЛАРИ  
БОШҚАРУВИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДА МУРАККАБ ТУЗИЛМАЛИ  
МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

Жиноятчилик билан боғлиқ мавзуда бадиий асар яратган таниқли ёзувчиларнинг асарларидаги жиноятчилик, жиноятчининг шахси ва ички кечинмалари баён этилган бадиий лавҳалар ҳам жамиятда жиноятчилик билан боғлиқ муаммолар хусусида зарур хулосалар шаклланишига ёрдам бериб келган.

Бироқ жамиятда жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларни алоҳида ўрганишга бўлган эҳтиёж уни махсус тарзда ўрганиш ва зарур илмий-назарий асосларни яратишга йўл очиб берди, дейиш мумкин. Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борувчи олимлар ва уларнинг илмий қарашлари шаклланди<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда республикада жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларни илмий ўрганиш вазибаларини ўзида мужассамлантирган криминология соҳасида маълум тажриба тўпланган бўлиб, бу йиллар давомида жамланган билимлар асосида ҳудуд, геосиёсий жойлашув ўрнидан келиб чиққан ҳолда шаклланган.

Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши курашиш муассасаларида куч ва воситаларни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиниши бир қатор омилларга боғлиқ. Бу омилларнинг энг асосийси кучларни тўғри тақсимлаш бўлиб, бунинг учун қатор масалаларни ҳал этиш лозим. Масалалар моҳиятини тўғри талқин этиш кучларни бошқаришни самарали йўлга қўйишни таъминлайди.

Бундай масалалар сирасига аҳоли қатламларини ўрганиш даражаси ва уларнинг тўғри тақсимланиши кириб, бу ички ишлар идоралари ходимларига кўпроқ қайси қатлам ёки гуруҳ билан ишлаш, уни назорат қилиш бўйича тўғри қарор қабул қилиш имконини беради.

Албатта, инсон феъл-атворини олдиндан айтиб бериш мушкул. Шу туфайли инсон омили қатнашган жараёнларда кўпроқ эҳтимолликка асосланиб ишлашга тўғри келади. Айниқса, ушбу жараённинг бошқариш тизимини ёки қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизимини яратишда норавшан тўплам назарияси воситаларидан фойдаланиш ўринли.

Маълумки, қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизим учун истиқболли бошқаришни ташкил этишда ҳудуднинг криминоген ҳолатини таҳлил қилиш катта аҳамият касб этади. Бундай таҳлил келгусида криминологик жараённи динамик жиҳатдан ўрганиб чиқиб, илмий асосда қарор қабул қилиш орқали куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш имкониятини яратади.

Жиноятчиликни таҳлил ва башорат қилиш ички ва ташқи омилларни ўз ичига олади. Ички омилларга жиноятчиликни юзага келтирувчи ўзига хос махсус омиллар — шахснинг руҳий ҳолати, муқаддам судланмаганлиги, вояга етмаганларнинг жиноятга жалб этилганлиги кабилар киради.

Ташқи омилларга жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, жиноятчиликка бевосита таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий, демографик каби омиллар киради. Албатта, жиноятчилик ҳолатларининг қай даражада бўлиши ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб бориладиган профилактик ишларга ҳам боғлиқ.

Тадқиқот объекти сифатида ҳудуднинг криминоген ҳолатини ифодаловчи мураккаб тузилмали маълумотлар таҳлили ва башорати қўйилган бўлиб, асосан ёш гуруҳларига аҳоли қатлами сифатида қаралган. Берилаётган маълумотларда норавшанликни

\* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедрасининг ўқитувчиси, техника фанлари номзоди.

<sup>1</sup> Криминология: Дарслик / Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. — Т., 2006. — Б. 539.

бартараф этиш учун ажратиб олинган маълумотларни таърифловчи белгилар аниқ бўлмаган сонлар билан ишлаш қоидалар базаси ва тегишлилик функцияларини қуриш орқали ҳал этишга ҳаракат қилинди. Мазкур усул жиноятчиликка қарши курашда ўзига хос алгоритмик кетма-кетликни ишлаб чиқишни тақозо этди.

**Масаланинг қўйилиши.** Ҳудуд бўйича аҳоли қатламининг криминоген қамровини аниқлаш ва қарор қабул қилишни таъминлаш жараёнида аҳоли ёши бўйича олти гуруҳга ажратилди. Ажратилган гуруҳларни  $a_i$  деб олсак,  $x_{ij}$  аҳоли гуруҳининг ҳолатларини акс эттирувчи вектор,  $x_{ijk}$  — ҳолатларни ифодаловчи элементлар бўлсин.

У ҳолда қуйидаги белгиларни киритамиз:

$Y_1$  - вояга етмаганлар (13-17 ёшлар);  $Y_2$  - 17-25 ёшлилар;  $Y_3$  - 25-35 ёшлилар;  $Y_4$  - 35-45 ёшлилар;  $Y_5$  - 45-55 ёшлилар;  $Y_6$  - 55 ёшдан катталар;  $Y$  - аҳоли гуруҳининг криминоген қамрови;  $X_1$  - аҳоли гуруҳининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи;  $X_2$  - ижтимоий-сиёсий ҳолати;  $X_3$  - оилавий-маиший аҳволи;  $X_4$  - маданий савияси;  $a_0$  - жиноятга мойиллиги коэффициентлари;  $X_{11}$  - бирон-бир иш фаолияти билан бандлиги ( $a_{11}$  - банд,  $a_{12}$  - ишсиз);  $X_{12}$  - ижтимоий мавқеи ( $a_{21}$  - раҳбар,  $a_{22}$  - масъул ходим,  $a_{23}$  - ижрочи ходим,  $a_{24}$  - бекорчи,  $a_{25}$  - ёрдамчи ходимлар (фаррош, сантехник, электротехник);  $X_{13}$  - маош билан таъминланганлик ( $a_{31}$  - юқори,  $a_{32}$  - ўрта,  $a_{33}$  - паст);  $X_{14}$  - қўшимча даромадга эгалик ( $a_{41}$  - мавжуд,  $a_{42}$  - мавжуд эмас);  $X_{21}$  - шахс хулқи ( $b_{11}$  - ақлий,  $b_{12}$  - ҳиссий,  $b_{13}$  - иродавий);  $X_{22}$  - руҳий ҳолати ( $b_{21}$  - агрессив,  $b_{22}$  - иродали,  $b_{23}$  - тушкунликка берилувчан);  $X_{31}$  - оилавий аҳволи ( $c_{11}$  - бўйдоқ,  $c_{12}$  - оилали,  $c_{13}$  - ажрашган);  $X_{32}$  - яшаш жойи билан боғлиқ ҳуқуқий мавқеи, уй-жойга эгаллиги ( $a_{21}$  - уй-жойли,  $c_{22}$  - уй-жойсиз,  $c_{33}$  - тор уй-жой);  $X_{33}$  - рўзғор бутлиги ( $c_{31}$  - етарли,  $c_{32}$  - ўртача,  $c_{33}$  - етишмовчиликлар мавжуд);  $X_{34}$  - оилавий муносабат ( $c_{41}$  - аҳил,  $c_{42}$  - ноаҳил);  $X_{41}$  - муомала даражаси ( $d_{11}$  - хушмуомала,  $d_{12}$  - ўртача,  $d_{13}$  - қўпол);  $X_{42}$  - ахлоқ даражаси ( $d_{21}$  - ахлоқли,  $d_{22}$  - ўртача,  $d_{23}$  - деликвент хулқли, ахлоқсиз);  $X_{43}$  - маълумоти ( $d_{31}$  - олий,  $d_{32}$  - ўрта махсус,  $d_{33}$  - бошланғич,  $d_{34}$  - саводсиз).

Таҳлил этилаётган объект қуйидаги кўринишда берилади:

$$Y = F(X) \quad (1)$$

бу ерда  $Y$  - чиқувчи қийматлар вектори,  $X$  - кирувчи векторлар параметри.

Агар жараёни чизиқли регрессия модели билан ифодаладиган бўлсак, қуйидаги кўринишга эга бўламиз:

$$Y = \beta_0 + \beta_1 X_1 + \beta_2 X_2 + \dots + \beta_n X_n + \varepsilon \quad (2)$$

бу ерда  $\beta_0, \beta_1, \beta_2, \dots, \beta_n$  - регрессиянинг танланган коэффициентлари,

$\varepsilon$  - хатолик компоненти (башоратлаш жараёнида).

Бундай ҳолатда регрессия моделини қуриш учун қуйидаги кўринишдаги кузатув маълумотлари базасига эга бўлишимиз лозим:

Кузатув номери	Ўзгарувчилар				Натижавий параметр
	Криминоген параметр	ҳолатни ифодаловчи параметр	ҳолатни ифодаловчи параметр	ҳолатни ифодаловчи параметр	
1	$X_{11}$	$X_{12}$	...	$X_{1n}$	$Y_1$
2	$X_{21}$	$X_{22}$	...	$X_{2n}$	$Y_2$
...	...	...	...	...	...
m	$X_{m1}$	$X_{m2}$	...	$X_{mn}$	$Y_m$

Олдинги ўтказилган кузатувлар ёрдамида регрессия коэффициентларини ташкил этиш мумкин, худди шу қаторда модел танланади.

Берилганлардан келиб чиқиб, ҳудуд аҳоли қатламининг криминоген ҳолатини башоратлашни

$$Y = F(X),$$

кўринишдаги ифода орқали бажарамиз. Бу ерда ҳудуд бўйича аҳоли гуруҳининг криминоген ҳолати қамрови,  $X = \{x_1, x_2, x_3, x_4, x_5, x_6\}$  кирувчи маълумот боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар.

Шу билан бирга, кирувчи параметрлар ўз ташкил этувчи элементларига эга бўлиб, ушбу элементлар камида иккита қиймат қабул қилади. Ташкил этувчи элементлар гуруҳининг криминоген қамровини аниқлашда иштирок этиши мумкин.

Модель ёрдамида башоратлашни амалга оширишда аҳоли қатламининг криминоген ҳолатларини таҳлил қилиш ва гуруҳлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Биздан кирувчи маълумотлар асосида чиқувчи қарор қабул қилишга кўмаклашувчи хулосаларни ҳосил қилиш талаб этилади.

### Қоидалар базасини шакллантириш.

Ўзаро боғлиқ бўлмаган параметрлар учун уларни ифодалаб берувчи элементларнинг қоидалар базасини шакллантирамыз. Бунинг учун Сугено<sup>1</sup> типдаги норавшан модел ёрдамида криминоген қамров (ёш гуруҳлари бўйича ва умумий) боғлиқликларни аниқлаш қоидалари қурилади.

У ўзида номаълум қоидалар маҳсули тўплами орқали амалга оширилади [V<sup>1</sup>].

Агар  $[(x_1 = a_{j_1}) \text{ ва } (x_2 = b_{j_1}) \text{ ва } (x_3 = c_{j_1}) \text{ ва } (x_4 = d_{j_1})]$  ( $w_{j_1}$ ) - муҳимлик билан) ёки  $[(x_1 = a_{j_2}) \text{ ва } (x_2 = b_{j_2}) \text{ ва } (x_3 = c_{j_2}) \text{ ва } (x_4 = d_{j_2})]$  ( $w_{j_2}$  - муҳимлик билан) . . . . . (3)

ёки  $[(x_1 = a_{j_k}) \text{ ва } (x_2 = b_{j_k}) \text{ ва } (x_3 = c_{j_k}) \text{ ва } (x_4 = d_{j_k})]$  ( $w_{j_k}$  - муҳимлик билан) бўлса, у ҳолда барча  $j = \overline{1, m}$  лар учун

$Y_i = \beta_{j_0} + \beta_{j_1} \cdot x_1 + \beta_{j_2} \cdot x_2 + \dots + \beta_{j_m} \cdot x_n$  бўлади.

$a_{j_k}, b_{j_k}, c_{j_k}, d_{j_k}$  лар  $x_i$  ни ўлчаб берувчи лингвистик термин ҳисобланади.

Ҳосил қилинган  $w_{j_k} - \mu_{j_k}$  тегишлилик функцияси билан аввало  $n-m$  оралиқ аҳоли ёш гуруҳига тегишли шахснинг жиноятга мойиллигини боғлиқ параметрлар орқали шакллантириб беради. Худди шу тарзда мавжуд  $N_i$  аҳоли қатлами вакилларининг ўртача тегишлилик функциялари қурилади ва ҳудуд аҳоли қатлами (ёш бўйича ёки бошқа чегараланишлар орқали) жиноятчилик қамрови аниқланади. Бундай маълумот ҳудуд аҳоли қатламининг жиноятчилик қамровини башорат қилишда қўшимча боғлиқликлар ва қонуниятларни келтириб чиқариш орқали башоратнинг ҳаққонийлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, аҳоли қатламини ташкил этувчи элементлар билан профилактик ишларни кучайтириш имконини ҳам беради.

### Жиноят қамровини юзага келтирувчи тегишлилик даражасини аниқлаш алгоритми

Ҳудуд аҳоли вакилларининг жиноят қамрови тегишлилик функцияси ҳамда аҳоли қатламининг жиноят қамрови қийматларини аниқлашда қуйидаги кетма-кетликни амалга оширамыз:

**Биринчи қадам.** Юқорида белгилашлардаги  $x_k$  ларни ифодаловчи  $a_{ij}, b_{ij}, c_{ij}, d_{ij}$  лингвистик параметрлар орқали шахснинг мос равишда жиноят содир қилиши мумкинлиги коэффициентларини<sup>4</sup> (3) қоидаларидан фойдаланиб ҳосил қилгач, уларнинг ўртачасини умумийлик учун қабул қиламыз:

$$x_k = \frac{a_{ij} + b_{ij} + c_{ij} + d_{ij}}{k} \quad (4)$$

**Иккинчи қадам:** Ҳосил қилинган қиймат орқали шахснинг  $\mu_k$  тегишлилик функциясини тузиб оламыз.

**Учинчи қадам:** Агар зарур бўлса,  $N_i$  аҳоли қатлами учун юқоридаги қадамлар такрорланади ва гуруҳ жиноят қамрови тегишлилик даражаси ва функцияси шакллантирилади.

**Тўртинчи қадам.** Мавжуд нормаллаштирилган маълумот жадвали (2) кўринишдаги регрессия ёрдамида ҳисоблаш амалга оширилади, мос қатламларнинг тегишлилик жадвали ва натижалар ҳосил қилинади.

Келтирилган алгоритмда асосан шахс ёки аҳоли гуруҳининг жиноят қамрови даражасини аниқлаш чизиқли регрессия ёрдамида амалга оширилади.

### Ҳисоблаш тажрибаси.

Ҳисоблаш тажрибаси асосида аҳоли қатламининг криминоген ҳолатини норавшанлик шароити асосида қарор қабул қилишга кўмаклашувчи модели тадқиқ қилинган бўлиб, аҳоли қатлами аъзоси ёки гуруҳларининг криминоген ҳолати таҳлили ва тегишлилик даражалари амалга оширилган. Масаланинг қўйилишига асосан аҳоли қатламининг тегишлилик функциялари ва солиштирма гуруҳ функциялари акс эттирилган.

<sup>1</sup> Прикладные нечеткие системы / Под ред. Т. Тэрано, К. Асаи, М. Сугэно. – М., 1993; Беллман Р., Заде Л. Принятие решений в расплывчатых условиях // Вопросы анализа и процедуры принятия решений. – М., 1976. – С. 172—215.



Дастурий восита аҳоли вакилларини базага киритиш ва уни ўзгартириш жараёнидан бошланади ва мос равишда индивидуал криминоген тегишлилик ва аҳоли гуруҳи криминоген тегишлилиги ҳисобланади, қолаверса, визуал тасвири тегишлилик функцияси кўринишида акс эттирилади (1-2-чизмалар):




1-чизма. Шахс ҳақидаги маълумотларни тўлдириш (анкета-сўров кўринишида)



2-чизма. Жиноятга мойилликнинг тегишлилик функцияси

Жиноятга мойиллик даражаси худди шу таҳлилда барча аҳоли ёш гуруҳи қатламлари учун шакллантириб олинади.

Шундан сўнг ёшлар бўйича регрессион қиймат ҳисобланиб, барчаси битта ойнада акс эттирилади. Улар таққосланади ва натижалар матнли файлларга ёшлар гуруҳи (қатлами) бўйича базада сақлаб қўйилади.



3-чизма. Ёшлар гуруҳи бўйича регрессия ҳисобининг акс эттирилиши

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
1	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00

4-чизма. Шахснинг криминоген мойиллиги кўрсаткичларини акс эттирувчи жадвал

№	ТТ	Файл
1	17-20	17t
2	21-25	21t
3	26-30	26t
4	31-35	31t
5	36-40	36t
6	41-45	41t
7	46-50	46t
8	51 dan yuqari	51t

5-чизма. Ёш бўйича қайта ишланган маълумотларни сақлаш файллари

**Хулоса.** Юқорида келтирилган қарор қабул қилишга кўмаклашиш масалаларини ҳал этишда норавшан тўпламлар назарияси ёрдамига таянган ҳолда амалга ошириш юқори натижалар беради. Ҳолатларни гуруҳлаштиришда уларнинг терма тўпламларини акс эттириб олиш норавшан ҳолатларни аниқлаштиришда қулай восита ҳисобланади. Айниқса, ҳудудда аҳоли қатлами криминоген ҳолатларини таҳлил қилиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш масаласини ҳал этишда ушбу аппаратларни қўллаш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланилишини таъминлайди.

## ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ И ПРОИЗВОДСТВА ОСМОТРА МЕСТА ВЗРЫВА

Среди преступлений, представляющих большую общественную опасность, выделяется такое преступление, как незаконное владение огнестрельным оружием, боевыми припасами, взрывчатыми веществами и взрывными устройствами. Общественная опасность данного вида преступлений не вызывает сомнений. Оно представляет собой угрозу общественным отношениям, связанным с обеспечением общественной безопасности. Как показывают исследования, подавляющее большинство преступлений, совершенных с применением оружия, составляют: преступления против жизни и здоровья людей, хищения и преступления против общественного порядка. В связи с этим, можно констатировать, что борьба с незаконным владением оружием, безусловно, позитивно влияет на состояние как общеуголовной, так и экономической преступности.

Исследования показали, что незаконное ношение огнестрельного оружия и боеприпасов к нему распределено следующим образом:

– в течение суток: с 06.00 до 12.00 часов – 20%; с 12.00 до 18.00 часов – 10%; с 18.00 до 24.00 часов – 66%; с 24.00 до 06.00 часов – 4%.

– по длительности незаконного владения огнестрельным оружием и боевыми припасами: до одного месяца – 52,5%; до трех месяцев – 11,2%; до полугода – 12,1%; до года – 7,5%; свыше одного года – 16,7%;

– по местам незаконного приобретения огнестрельного оружия и боеприпасов к нему: по месту работы или учёбы – 23%; на улице – 18,4%; по месту проживания – 11,5%; в сельской местности – 4,6%; в городских условиях – 42,5%.

В период с 2005 г. по 2010 г. из общего числа привлеченных к уголовной ответственности за незаконное владение данными предметами мужчины составили 96,2%, женщины – 3,4%, несовершеннолетние – 0,4%.

Как показывает опыт работы правоохранительных органов республики, у практических работников определенную сложность вызывает организация и производство осмотра места происшествия по факту взрыва. Расследование ряда имевших место на территории республики террористических актов свидетельствует, что для обеспечения надлежащей и слаженной работы сотрудников всех структур, участвующих в осмотре места взрыва, целесообразно наличие у них специальных знаний и навыков, обеспечение единого руководства осмотром места происшествия.

Грамотно организованная работа на месте взрыва позволит обеспечить надлежащее изъятие и фиксацию всех следов, имеющих доказательственное значение, установить круг лиц, причастных к совершению преступления<sup>1</sup>.

Следует также отметить, что в ходе расследования данного вида преступлений в полной мере используются возможности соответствующих видов экспертиз. В связи с этим подробное рассмотрение вопросов, касающихся объема специальных исследований, обеспечит выработку соответствующих знаний у лиц, осуществляющих расследование.

До выезда на осмотр места взрыва целесообразно подготовить следующие технические средства и материалы<sup>2</sup>:

\* Соискатель кафедры уголовного процесса Академии МВД Республики Узбекистан.

<sup>1</sup> См.: *Белкин Р. С.* Курс криминалистики. В 2-х томах. – М., 1997; *Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик / Ф. Абдумажидов ва бошқ. Т.2.* – Т., 2003; *Шурухнов Н. Г.* Криминалистика: Учебник. – М., 2004; и др.

<sup>2</sup> *Бакин Е.А., Алешина И.Ф.* Управление методического обеспечения. Управление криминалистики. – [http://www.pravo.vuzlib.net/book\\_z095\\_23.html](http://www.pravo.vuzlib.net/book_z095_23.html)

---

---

средства для ограждения территории или помещений, подлежащих осмотру (веревки, ограничительные ленты, цветные мелки, предупредительные флажки и т.п.);

осветительные средства (фонари, переносные лампы, прожектора, удлинители) для обеспечения работ в вечернее и ночное время, в обесточенных или плохо освещенных местах;

фото-, видеоаппаратура с большим запасом пленки и видеокассет, чтобы фиксировать все этапы осмотра (в том числе изменения на месте происшествия, следы взрыва, изъятые вещественные доказательства и т.д.);

подсобные инструменты (лопаты, лом, пила, стамески, щетки, набор сит с ячейками различных размеров и пр.) для разборки завалов, мусора, для взятия проб и различных образцов;

навесы (брезент, рулоны полиэтиленовой пленки для предохранения от атмосферных осадков и других неблагоприятных воздействий отдельных объектов и участков осматриваемой территории);

металлоискатели, магнитные подъемники;

криминалистический чемодан, содержащий стандартные наборы криминалистических средств, приспособлений и инструментов для работы на месте происшествия;

упаковочные средства (бумажные конверты и пакеты, полиэтиленовые пакеты, картонные коробки, ящики и т.п.) для упаковки, сохранения и транспортировки изъятых объектов и следов.

Специалисты-взрывотехники обычно используют химические и технические чемоданы, содержащие средства и реактивы для изъятия микрочастиц взрывчатых веществ, продуктов взрыва, контрольных проб и образцов, набор физико-химических средств для экспресс-анализа взрывчатых веществ и пороха, а также инструменты и приспособления для извлечения осколков из преград, работы с объектами, поврежденными взрывом.

Важно также, чтобы участники осмотра имели при себе медицинскую аптечку и в зависимости от времени года соответствующую спецодежду (перчатки, комбинезоны, теплые вещи и пр.), в которой могли бы без

ущерба для здоровья длительное время находиться в неблагоприятных условиях. Причем после каждого выезда на место происшествия спецодежду и инструменты следует тщательно чистить. Это необходимо для устранения возможности загрязнения вещественных доказательств при следующем выезде.

По прибытии на место происшествия необходимо сразу же выяснить есть ли пострадавшие от взрыва, после чего при необходимости обеспечить оказание им соответствующей медицинской помощи.

Оценка обстановки на месте происшествия позволит определить границы осмотра, наметить очередность действий, выбрать способ осмотра, определить его участников. Затем следует оцепить место события с тем, чтобы не допустить нахождения посторонних лиц, уничтожения имеющихся следов.

Сотрудникам уголовного розыска следует поручить поиск возможных очевидцев происшедшего события, обеспечить получение первичных объяснений по существу случившегося.

Специалисты-взрывотехники по прибытии на место события принимают меры к устранению опасности повторного взрыва. С этой целью ими на месте осуществляется первоначальный анализ обстановки, изучение фрагментов разорвавшихся взрывных устройств. Кроме того, необходимо учитывать, что преступники нередко в радиусе осмотра специально оставляют радиоуправляемое взрывное устройство с тем, чтобы впоследствии привести его в действие и уничтожить либо нанести ущерб здоровью участников осмотра. Такие случаи отмечались в Республике Ингушетия Российской Федерации. С этой целью рекомендуется на подступах к месту осмотра тщательно изучить все деревья, почву, подозрительные предметы, принять соответствующие меры к разминированию таких объектов.

После завершения работы по разминированию и устранению опасности повторного взрыва целесообразно обеспечить фото- и видеосъемку общей картины происшедшего. Съемку рекомендуется производить от периферии к центру взрыва, т. е. к месту, где фиксируются наибольшие разрушения.

---

Если объектом осмотра является участок местности, то после соответствующей съемки производятся замеры воронки, образовавшейся в результате взрыва, берутся образцы грунта, изымаются остатки и фрагменты разорвавшегося взрывного устройства (провода, осколки, болты и т.п.). Это позволит в дальнейшем установить химический состав взрывчатого вещества, составлявшего часть взрывного устройства. Замеры воронки осуществляются по диаметру в двух местах, замеряется также ее глубина.

Следует отметить, что если имел место взрыв самодельного взрывного устройства, то при осмотре места происшествия можно обнаружить предметы хозяйственно-бытового назначения, которые могли быть использованы при его изготовлении (например, корпуса ручек, батарейки, картон, газетные отрезки, изолянта, скотч, пояс «шахида» и т.д.). Тщательное изучение и последующий анализ этих предметов поможет в дальнейшем обеспечить правильный поиск преступников.

Упаковка изъятых предметов осуществляется в бумажные конверты либо стеклянную тару. Частицы не вступившего в реакцию взрывчатого вещества могут изыматься ватным тампоном, смоченным в ацетоне, с последующей упаковкой.

Особое внимание следует уделить центру взрыва, который определяется при помощи консультаций со специалистом-взрывотехником. Рядом с центром взрыва, как правило, можно обнаружить основные фрагменты разорвавшегося взрывного устройства.

Следует иметь в виду, что взрыв сопровождается высокой температурой, в связи с чем на близлежащих предметах или почве могут быть обнаружены и зафиксированы следы подпалин, горения, копоти.

---

Специалистами также предлагается на месте происшествия изымать пробу воздуха для химического анализа на наличие в нем остатков нефтепродуктов либо других горючих веществ.

В процесс расследования должны быть вовлечены не только правоохранительные органы, но и институты общественности, органы самоуправления на местах. Проблемные вопросы пресечения и предупреждения данного вида преступления должны быть доступными и понятными для всего населения. Роль средств массовой информации в освещении состояния борьбы с преступностью и, в частности, с незаконным владением предметами, перечисленными в ст. 248 УК, в этом отношении должна быть ведущей, наступательной.

Борьба с незаконным оборотом оружия и других предметов, перечисленных в ст. 248 УК, предполагает своевременное выявление и искоренение причин и условий, способствующих совершению данных преступлений.

Таким образом, дальнейшая работа с доказательствами по изобличению лиц, незаконно владевших огнестрельным оружием, боевыми припасами, взрывчатыми веществами и взрывными устройствами, складывается как из общих положений при производстве следственных действий, так и из особенностей их проведения в каждом конкретном случае, построения следственных версий и их проверки, с использованием всего арсенала тактико-криминалистических приемов.

Цель же последующего этапа расследования состоит в быстром, всестороннем и полном раскрытии и расследовании данного вида преступлений, привлечении к уголовной ответственности виновных, оправдании невиновных лиц, а также в выявлении причин и условий, способствующих их совершению.

## АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР – КРИМИНАЛИСТИК ОБЪЕКТ СИФАТИДА

Биз тезкор техникавий тараққиёт, шиддат билан ривожланаётган ва мунтазам янгиланаётган замонавий юқори технологиялар, ахборот-компьютер тизимлари асрида яшаётганимизни унутмаслигимиз даркор. Ўзингиз ўйланг, бугун ўта илғор бўлиб кўринган технологиялар ҳам 5–7 йиллик қисқа вақт мобайнида эскириб, уларнинг ўрнини янада такомиллашган технологиялар эгалламоқда<sup>1</sup>.

Ушбу жараёнда фуқаро, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш учун ахборотни ҳимоя қилиш энг долзарб ва муаммоли ҳолатлардан бири бўлиб келмоқда. Компьютерлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Ҳозир компьютер технологияларининг кенг тарқалиши одатий бўлиб, бугун бирор-бир корхона ёки ташкилот фаолиятини компьютер воситаларисиз тасаввур қила олмаймиз. Улар янгидан-янги фаолият доираларига жорий қилинмоқда, улар зиммасига аҳамияти янада жиддийроқ бўлган масалалар уқлатилмоқда.

Аммо дунё миқёсида тобора кенгайиб бораётган илмий-техникавий ривожланиш жараёнлари билан бир қаторда, илгари мавжуд бўлмаган жиноятларнинг турлари, шакллари ва кўринишлари юзага келмоқда, яъни ахборот технологиялари соҳаси билан боғлиқ жиноятлар вужудга келиб, кўпайиб бормоқда. Ушбу ҳолат қонун чиқарувчидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб қилди ва ахборот тизимлари соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш фаолиятини тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Информацион-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бир қатор янги норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги 1997 йил 24 апрель қонуни<sup>2</sup>;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 май фармони<sup>3</sup>, шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июнь қарори<sup>4</sup> ва «2002—2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» дастури<sup>5</sup>;

– Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрь қонуни<sup>6</sup>;

– Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 11 декабрь қонуни<sup>7</sup>;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 26 сентябрь қарори<sup>8</sup>;

– Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 2007 йил 15 январь қонуни (янги таҳрири)<sup>9</sup> ва ҳоказо.

Ахборот технологияларининг криминалистик объект сифатида жиноятни содир этиш механизмига алоқадор бўлган унсурлардан бири ҳисобланишини инобатга олган ҳолда амалдаги қонунчилик таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг тадқиқотчиси.

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т., 2003. – Б. 211.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – №4-5. – 108-м.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – №28-29. – 262-м.

<sup>4</sup> Ўша манба. – 2002. – №11—12. – 91-м.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – №1. – 2-м.

<sup>7</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – №1—2. – 10-м.

<sup>8</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – №39. – 297-м.

<sup>9</sup> Ўша манба. – 2007. – №3. – 20-м.

1. Ахборот технологияси – бу ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, курилмалар, усуллар ва жараёнлардир<sup>1</sup>.

2. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак<sup>2</sup>.

3. Турли ҳужжатлаштирилган ахборотлар фуқаролик ҳуқуқи объекти бўлиши билан бирга, уларга эгалик қилувчи субъект мавжуд.

4. Ёпиқ, яъни эркин фойдаланилиши эгалик қилувчи субъект томонидан чекланган ёки чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ресурслари мавжуд<sup>3</sup>.

5. Ахборот ресурсларининг тоифаларга бўлиниши ва уларда фойдаланиш тартиби қонун ёки ахборот эгаси томонидан аниқланади.

Қонунга асосан ёпиқ бўлган ахборот ресурсларига қуйидагилар киради:

– давлат, ҳарбий ёки хизмат сири (ЖК 162-163-м.);

– хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарлар; фарзандликка олиш сири (ЖК 143 ва 125-м.);

– хизмат ва тижорат; банк; суғурта; васият-нома сирлари (ФК 98, 786, 933, 1128-м.);

– муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг объекти бўладиган ахборот<sup>4</sup>;

– жисмоний шахсларнинг шахсига тааллуқли маълумотлар тўғрисидаги ахборот<sup>5</sup>.

6. Тўғридан-тўғри ахборот эгасининг рухсатсиз (қонунда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари) ёпиқ ахборотга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш – ахборот эгасининг ҳуқуқларини поймол қилишдир, яъни қонунга хилоф ҳаракат ҳисобланади.

7. Ҳужжатлаштирилган ахборотлардан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик ва жазо чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги қонуни билан миллий жиноят қонунчилигимизда илк бор Жиноят кодекси Махсус

қисмининг ХХ<sup>1</sup> бобида ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий хавфли қилмишлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи жиноий-ҳуқуқий нормалар белгиланди<sup>6</sup>.

Жиноий жазо назарда тутилган нормаларга: ахборотлаштириш қоидаларини бузиш (278<sup>1</sup>-м); компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (278<sup>2</sup>-м); компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш (278<sup>3</sup>-м); компьютер ахборотини модификациялаштириш (278<sup>4</sup>-м); компьютер саботаж (278<sup>5</sup>-м); зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш (278<sup>6</sup>-м) киради.

Ахборот билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишлар компьютер воситаларисиз содир этилган тақдирда, қонун чиқарувчи уларни бошқа турдош объектларга қаратади.

ЖКнинг «Шахсга қарши жиноятлар» бўлимидаги: тўхмат; ҳақорат қилиш; хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш; муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш жиноятлари; «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар» бўлимида эса фирибгарлик; ўғирлик; алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш; мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятлари (ЖКнинг 139, 140, 143, 149, 168, 169, 170, 173-моддалари) шулар жумласидан.

Шундай қилиб, ахборот технологиялари соҳасидаги муносабатлар жиноят ҳуқуқи томонидан ҳимояга эга бўлди. Бунинг оқибатида ёпиқ (конфиденциал) ахборот жиноятнинг янги объекти сифатида шаклланди.

Ушбу жиноятнинг объекти асосида далиллар излаш, тўплаш ва тадқиқ этиш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлади ва уларни инобатга олган ҳолда, тажовуз объектлари ўхшаш бўлган жиноятларни тергов қилиш методикасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ахборотлаштириш тизимининг ривожланиши яқин келажакда ҳуқуқни муҳофаза қилиш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – №1—2. – 3-м.

<sup>2</sup> Ўша манба. – 20-м.

<sup>3</sup> Ўша манба. – 11-м.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги 2006 йил 20 июль қонуни.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрь қонуни.

<sup>6</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. — 2007. — №52. — 532-м.

---

органлари ходимларини мулкӣ, иқтисодий ва бошқа фаолият соҳаларида компьютер воситаларини қўллаш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш вазиятини уйғунлаштиради, яъни жиноятларнинг идеал мажмуи билан юзма-юз келиб, уларни бартараф қилиш билан боғлиқ фаразни илгари суришга имкон беради.

Ушбу вазиятларда нафақат жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг анъанавий услублари, балки ишлаб чиқилган ахборот технологиялари тизимида содир этилган жиноятлар билан ишлашда далиллар излаш, тўплаш ва тадқиқ этиш усулларида кенг фойдаланилади.

Ахборот соҳасида қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланган тергов ва суд аппаратлари мансабдор шахсларининг тайёргарлик даражасини инобатга олган ҳолда, ушбу методикани ишлаб чиқиш энг долзарб муаммолардан бири десак янглишмаймиз. Криминалистик тавсияларни ишлаб чиқишда таркибнинг ягона турга эга бўлмаслиги ва суд-тергов аппарати ходимларининг таълим даражасини инобатга олиш керак. Маълумки, тергов ва суриштирув ходимларининг аксарияти замонавий компьютер технологияларини нафақат ишлатишни билмадилар, балки улардан етарли даражада хабардор ҳам эмаслар.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи жиноят қонуни диспозицияларининг бланкетлигини юқорида қайд этилган методиканинг яратилишига иккинчи муҳим сабаб деб кўрсатсак бўлади. Ахборот технологиялари тизимида қабул қилинган қонунларни етарли даражада билмаган ҳолда, тергов ва суриштирув ходимлари бу жиноятларни тўғри квалификация қилишда, суд эса тўғри нормаларни қўллашда адашиши ҳеч гап эмас.

Фақатгина ахборот технологияси соҳасида компьютер воситалари билан чекланган ҳолда қонун нормаларини тузиш принципи замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки компьютердан ташқари ҳар хил русумдаги ахборот маконига кириб, у ерда электрон изларни қолдирувчи бошқа турдаги ҳисоблаш техника воситалари (ҲТВ) вужудга келди. Ҳозирги пайтда ЖКнинг 278<sup>2</sup>, 278<sup>3</sup> ва 278<sup>4</sup>-

моддаларида ишлатилган «компьютер ахбороти» ва «компьютер тизими» тушунчаларидаги «компьютер» термини коммуникацияга оид ёки ахборот техникасининг тури бўлиб, бутунлай ёпиқ, ҳужжатлаштирилган ахборотнинг айланишига тегишли бўлган техниканинг барча турларини ифодалай олмайди. Унинг негизи сифатида «ахборот технологиялари» тушунчаси танланган бўлиб, ушбу ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари муайян техника воситасини инобатга олмаган ҳолда қилмишга баҳо беришини назарда тутсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бошқача айтганда, жиноятнинг объекти рақамли ахборот бўлиши шарт. Бу турдаги ахборот эса нафақат компьютер, балки бошқа ҲТВда ҳам бўлади.

Қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодексига «компьютер ахбороти» тушунчасининг жорий қилиниши янгилик бўлди. Бундан олдин ахборот тизимидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларда «компьютер» тушунчаси ЖКнинг фақат 167-169-моддаларида квалификацияга оид белгилар сифатида ишлатилар эди. Қонунда «компьютер» тушунчасини «ахборот» тушунчаси билан чамбарчас боғланган ҳолда ишлатилди. Фикримизча, бундай ҳаракатлар ахборот тизимидаги бошқа жиноятларнинг тажовуз объектларидан холи бўлишга қаратилган эди. Ушбу тушунча криминалистик назария ва амалиётида келгусида самарали ишлатилиши учун алоҳида диссертация тадқиқоти доирасида ўрганилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, ахборотга оид тушунчаларнинг, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганидек, тўғридан-тўғри ЖКда муайян тафсилотсиз ишлатилиши нотўғри бўлади.

Айтиб ўтилганларни инобатга олган ҳолда, жиной тажовузнинг махсус объекти сифатида «компьютер ахбороти»нинг қуйидаги криминалистик таърифини таклиф қиламиз: Компьютер ахбороти – бу ҲТВда ёки рақамли ахборот ташувчиларда жойлашган ҲТВда ишлатиш ёки уни бошқариш учун мўлжалланган маълумотлар, билимлар ёки командалар (дастурлар) тўпламидан иборат ундан фойдаланиш қоидаларини ўрнатган эгаси мавжуд ахборот тизимининг айнанликка хос элементи».

М.М. Абдуллаев\*,

М.М. Алимов\*\*

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ҚОНУНЧИЛИК, ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак», деб таъкидлайди. Бинобарин, Амир Темур давлатида қонунчилик, жиноят ва жазо масалалари ва унинг ғоявий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш фуқароларимизнинг маънавиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшади.

Тарихдан маълумки, **Амир Темур** Кеш (Шахрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжаилғор қишлоғи (Яккабоғ тумани)да 1336 йил 9 апрель куни таваллуд топган. Унинг тўлиқ исми **Амир Темур ибн Амир Тарағай ибн Амир Барқул**. Амир Темурнинг онаси **Такина хотун** Кеш юртининг обрўли бекаларидан ҳисобланган. Унинг отаси **Амир Тарағай** барлос уруғининг оқсоқолларидан бўлиб, аждодлари Кеш ва Насаф вилоятида ўз мулкларига эга бўлган ва бу юртда ҳокимлик қилган.

Бугун биз истиқомат қилаётган ҳудудда XIV асрнинг ўрталарига келиб Чигатой улусининг иккига бўлиниб кетиши натижасида ҳокимият анча заифлашиб, бу давлат ўзининг инқироз даврини бошдан кечира бошлаган<sup>1</sup>. Ана шундай бир даврда Кешдаги Барлос бегининг ўғли бўлган амир Муҳаммад (Тарағай) Баҳодирнинг ўғли Амир Темур (1336—1405) тарих майдонига чиқади.

Амир Темур шахси, унинг давлат тузиш ҳамда лашкарбошилиқ фаолиятига яқин-яқингача фақат бир томонлама ёндашув

ҳукмрон эди. Амир Темур ўз даврининг ҳукмдори эди, унинг шахси зиддиятли бўлиб, фаолиятида эса адолат ва бағрикенглик, кечиримлилик ва шафқатсизлик (бирор-бир жиноятга жазо бериш борасида, ҳарбий ҳаракатлар вақтида), буюк бунёдкорлик ўзаро уйғунлашиб кетган.

Амир Темур, энг аввало, халқини ва юртини золимлар исканжасидан озод этишда мардлик ва жасорат кўрсатди.

Бугунги авлод у тузган қудратли давлатнинг моҳияти ва тарихда тутган ўрнига муносиб баҳо бериб ва унинг ўзбек давлатчилиги борасидаги энг яхши анъаналарини ўрганиб, мустақил Ўзбекистонда «Куч — билим ва тафаккурда» шиори остида истиқболи порлоқ демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга интилмоқда. Гўё, Амир Темур бугун ҳам улуғ ишларимиз бошида туриб: «Агар сизлар бир тан, бир жон бўлсангизлар, сизга адоват қилганларни енгасиз», дея бизни огоҳ этмоқда. Умуман, Амир Темур давлатининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш, уни янада кенгроқ таҳлил этиш бугунги давлатчилик масалалари билан боғлиқ ишларимизда жуда қўл келади.

Амир Темурнинг давлат бошлиғи сифатидаги ўзига хослиги шундаки, у қонун чиқариш ишларида ҳам иштирок этган. «Тузуқлар»ни яратиб, шу орқали ҳам ўз давлатини юқори поғонага кўтарган, исломий давлатчилик анъаналарини бойитган.

«Тузуқлар»ни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Амир Темурнинг давлат тузиш ва уни идора этиш борасидаги қарашлари асосида

\* Умумий ҳарбий фанлар кафедраси бошлиғининг ўринбосари.

\*\* Умумий ҳарбий фанлар кафедрасининг ўқитувчиси.

<sup>1</sup> Маматов Х.Т. Темур тузуқларида давлат ва ҳуқуқ масалалари: Юрид фан. номз. ... дис. – Т., 2002. – Б.17.



қуйидаги энг муҳим қоида ва тамойиллар ётади: Раият (аҳоли) билан давлатни бирлаштирувчи куч сифатида мусулмон динига ривож бериш — давлат ва дин бирлиги; давлатни дини оийн, тўра ва тузук асосида қуриш, чунки дин ва қоидаларга боғланмаган давлатнинг шуқуҳи бўлмайд; «Куч адолатдадир» шиори асосида мамлакатни одиллик билан бошқариш — адолат ва инсоф тамойили; ҳокимиятнинг бўлинмаслиги — яккаҳоқимлик ва яккабошчилик; кенгаш, машварат, маслаҳат қилиш, ақл билан иш (тадбир) тутиш — ўзига хос демократия тамойили; давлат идораларининг иқтисодий тежамкорлиги; барча мансабдорларнинг ҳисобдорлиги ҳамда фаолиятлари устидан давлат назоратининг ўрнатилиши; давлат хизматининг барча учун очиқлиги.

Амир Темур тузукларини тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, энг аввало, муаллиф тилида (матнида) “кенгашдим”, “амр қилдим”, “ҳукм қилдим” каби ибораларнинг кўп учраши унинг ҳуқуқий характерини очиб беради. Унда давлат, фуқаролик, молия, жиноят-процессуал ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари бўйича маълум нормалар мавжуд. Бу асарда давлат, қонунчилик ва армиянинг ташкилий тамойиллари айниқса ёрқин ифодасини топган. Буларнинг энг муҳимларига қуйидагилар киради: ҳукмдорнинг ҳар бир амри фармони — тўра ва тузук, қонун ва қоидаларга таянган бўлиши; қаерда қонун ҳукмрон бўлса, у ерда адолат бўлади — қонунийлик адолатга олиб келади; қонунсизлик куфр ва золимликни туғдиради; қонун олдида барча тенгдир; шариатда тўра ва тузукни бузганлик учун жавобгарлик ҳамда жазонинг муқаррарлиги; биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганларнинг ўз сўрамлари ва адолат истаганларига нисбатан кечиримлилик; содир этилган битта жиноят учун фақат битта жазо чорасини қўллаш.

Мустақил, қудратли давлатнинг асосчиси ва раҳбари Амир Темур маънавий салоҳиятининг кучи, унинг иқтисодий, молиявий, хўжалик, сиёсий, ҳарбий, ҳуқуқий, давлатлараро муносабатларга доир фаолиятида, шунингдек, фан, маданият, адабиёт, санъат ва меъморчиликка бўлган муносабатида ва кенг қамровли ҳуқуқий қарашларида яққол намоён

бўлади. Ижтимоий адолат ва ҳақиқатга қадрият сифатида қараш Амир Темур маънавий дунёсида ўта муҳим ўрин тутган. «Куч — адолатдадир» шиори Соҳибқироннинг ижтимоий фаолиятида, сиёсатида маънавий мезон бўлиб хизмат қилган.

У ёзиб қолдирган «Тузуклар» Бобурийлар улкан империясининг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этган, ундан кейинги даврларда ҳам давлатчилик ва ҳуқуқимиз тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Президентимиз Ислом Каримов Амир Темур сиймоси ва унинг ўзбек миллий давлатчилигини ривожлантиришдаги ўрнига юксак баҳо берган: Амир Темур, ўз «Тузуклар»ида ҳам қайд этиб ўтганидек, ҳамиша «...ҳалолликни илм билан тенг кўрган» олимларни беҳад ҳурмат қилган.

Ўз тарихимизни ҳалол ва холисона баҳолаш бугун ёш давлатимиз учун сув билан ҳаводек зарур. Улуғ бир йўл бошида турган эканмиз, буюқ аждодларимиз қолдирган бой мерос билан жаҳон тамаддуни эришган ютуқларни уйғунлаштиришнинг аҳамияти беқиёс даражада катта эканини тўла ҳис этамиз. Биз учун маданиятимиз, миллий анъаналаримизга суянган ҳолда жаҳон маданияти бойликларини идрок этиш ва эгаллаш фавқулудда зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, XIV асрнинг 70-йилларига келиб Маворауннаҳрда Амир Темур давлати барпо этилади. Соҳибқирон мамлакат тахтига ўтирган илк кунларданок (1370 йил апрель ойидан), давлат ишларини қомусий ҳужжатлар асосида юриштишга ҳаракат қилади. Ҳуқуқшуносликка оид асарлардан яхши хабардор бўлган Амир Темур чингизийларнинг «Ясо», «Магу ёрлиқ» сингари давлат аҳамиятига молик ҳужжатларини, ўз мамлакатада давлатни бошқариш, жиноят ва жазо чораларини белгилаш ҳамда бошқа муҳим масалаларни ўрганади, ҳуқуқий манбаларни тартибга солади.

XIV—XV асрларда вужудга келган Темур ва Темурийлар салтанати қуйидаги асосий ҳуқуқ манбалари орқали тартибга солинган:

- 1) мусулмон ҳуқуқи;
- 2) амир Темурнинг ҳуқуқ яратиш ижодида — «Темур тузуклари»;

3) Амир Темур салтанати таркибига кирувчи турли минтақалардаги халқларга мансуб ҳуқуқий нормалар ва институтлар;

4) Марказий Осиё ва бу минтақа таркибида яшаётган халқларнинг одат ҳуқуқлари;

5) Темур салтанати таркибига кирувчи, турли динларга эътиқод қилувчи халқларнинг диний-ҳуқуқий нормалари;

6) шу халқлар ва давлатларнинг сиёсий удумлари таркибига кирувчи одатлар;

7) маҳаллий ҳоким, раислар, маъмурий ҳудудий бирликлар, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий ижоди;

8) суд маъмурий амалиёти.

Ушбу манбалар асосида Амир Темур мамлакатида ҳуқуқ масалалари тартибга солинган, шунингдек, қисман жиноят ва жазо масалаларида Ясо («Ясоқ»)га амал қилинган<sup>1</sup>. Маълумки, Ясода давлат ҳуқуқи, ҳарбий қурилиш, давлат бошқаруви, беклар, нўйонлар ва амалдорлар ўртасидаги ўзаро муносабатга оид қоидалар, жиноят, суд ишларини юритиш, жазо ва унинг турларига, оила-никоҳ ва мулкка тегишли қоидалар тўпланиб, металл тахта-ларга ўйиб ёзилган. Унинг тўла матни бизгача етиб келмаган. Бизгача, унинг 33 парчаси ва Чингизхоннинг давлат, ҳарбий ва жиноят ҳуқуқлари бўйича гапирган 27 та нутқи – битиклари парчалар тарзида етиб келган. Хусусан, Ясо кўрсатмаларини бажармаганлик учун айғоқчилар, сохта гувоҳлик берувчилар, жодугарлар, ахлоқсизлар, табиатни ифлослан-тирувчилар, вазифасидан фойдаланиб пора олувчилар, фоҳишалар ва мазкур жиноятларга далолатчи бўлган шахсларга нисбатан ўлим жазоси тайинланган<sup>2</sup>.

Айтиш жоизки, Темур тузуқларида жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи – жиноятларга жазо бериш, ёлғон гувоҳлик учун жазо тайинлаш, ўз қўл остидаги шахсларнинг содир этган жиноятларини яширганлик учун амалдорларни жазолаш ва бошқа масалаларни ўз ичига олган.

«Тузуқларда» ҳарбий жиноятлар ва жазо-лар тизими махсус қоидаларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан унда «...қайси бир сипоҳий урушдан юз ўгуриб, қочса, уни илтифотимиздан маҳрум этсинлар<sup>3</sup>, – дейилади. Шу билан бирга, жанг мойдонидан қочганларнинг «Тузуқлар»га кўра жазога лойиқ эканлиги алоҳида белгилаб ўтилган<sup>4</sup>.

Амир Темур давлатида кўпроқ бошқарув тартибини бузиш билан боғлиқ жиноятлар ва уларга жазо тайинлаш назарда тутилган. Зўрлик билан ўзга бир кишининг мол-мулкни тортиб олиш ҳоллари аниқланганида, унинг мулкни қайтариб бериш билан чекланилган.

Амир Темур омонатга хиёнат қилган кишиларни ҳам, ким бўлишидан қатъи назар, қаттиқ жазолаган. Конибилда бир набирасининг шарафига ўтказилган базмда таниқли зодагоннинг жазолангани ҳақида Гонсалес де Клавихонинг эсдаликларида ёзилган. Амир Темур ҳарбий юришга кетиши олдидан у кишига 3 мингта от бериб, боқиб, қараб туришни топширган. 6 йилу 11 ойлик юришлардан қайтиб келиб отларни сўраса, ҳалиги киши айна вақтда отларнинг йўқлиги, агар Соҳибқирон унга бироз муддат берса, уларни 3 минг эмас, 6 минг қилиб қайтаришини айтади. Шунга қарамасдан подшоҳ уни осиб ўлдиришга буюради. Бундан ташқари, Темур бундан 6 йилу 11 ой илгари ўзи йўқ вақтларда мамлакатни бошқарувчи қилиб қолдирган, аммо ўз мансабларини суиистеъмол қилганликлари учун ўзининг вазирларини ҳам ҳам жазолайди<sup>5</sup>. Демак, Амир Темур давлатида белгиланган қонуннинг қоидаларига риоя этмаслик, унда жиноят деб белгиланувчи қилмишларга йўл қўйиш қаттиқ жавобгарликка сабаб бўлган.

Темурийлар даврида алоҳида жиноий масалаларни тартибга солувчи кодификация ҳолидаги жиноят қонунчилиги бўлмаган, аммо бундай масалалар биз юқорида таъкидлаган манбалар асосида ҳал этилган. Бундан таш-

<sup>1</sup> Кеоен Л. Амир Темур салтанати. –Т.: Маънавият, 1999. – Б. 36.

<sup>2</sup> Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т., 2003. – Б. 139.

<sup>3</sup> Темур тузуқлари. – Т., 1996. – Б. 97-98.

<sup>4</sup> Ўша манба. – Т., 1996. – Б. 100—101.

<sup>5</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд. К двору Темура. (1403-1406). – М., 1990. – С. 122.

---

қари, унча оғир бўлмаган ва биринчи марта жинойт содир этганларга, узр сўраган ва адолат истаганларга нисбатан кечиримлилик ҳолатлари алоҳида белгиланган.

Амир Темур ўзининг ҳуқуқий қарашларида жамият ва давлатда қонун устуворлигини таъминлаш, шариат қоидалари, ҳуқуқ-тартибот, қадимий туркий одатлар (тўралар) ва дунёвий қонунлар (тузук)га оғишмай қатъий амал қилган. Дунёнинг деярли учдан бирига тенг келадиган империя — салтанатни бошқаришнинг асосий шартларидан бири — қонун устуворлигини таъминлашдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам «Тузуқлар»да Амир Темур бу масалага қайта-қайта мурожаат қилган. У дини ойинга, тўра ва тузукка боғланмаган салтанатни яланғоч одамга ўхшатадики, «уни кўрган ҳар кимса (ундан) нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди»<sup>1</sup>.

У қонун устуворлигини таъминлаш зарурати ҳақидаги хулосага ўз ватанида яратилган Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий», Имом Абу Исо ат-Термизийнинг «Сунани Термизий», «Саҳиҳи Термизий» асарлари ҳамда ал-Форобийнинг ҳуқуқий таълимоти, шунингдек, ўз шайхулисломи Абдул Маликнинг катта бобоси Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ал-ҳидоя»си, бобоси Садр Убайдулла бин Маҳбубий томонидан ёзилган «Мухтасар», шунингдек, қадимги туркий давлатчилик анъаналарини ўрганиб, уларга риоя қилиб эришган, албатта. Шу ўринда олим Азамат Зиёнинг тадқиқотида айтилган фикрни келтириш ўринлидир: «Қонуншунос олимларимиз фаолияти кейинги асрларда ҳам ҳеч бир сусаймагани аниқ. Бунга ҳозирда ўзимизда ва чет эл кутубхоналари, жамғармаларида сақланаётган фикрға оид юзлаб асарлар далилдир. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда «...уларнинг аҳамияти шундаки, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий жамият тушунчаси Ўзбекистонга четдан кириб келмаганини, ҳаётни ҳуқуқий асосларда ташкил қилиш бизга аждодлардан

---

қолган маданий мерос эканлигини амалда кўрсата оламиз»<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда, ҳуқуқий давлат ҳақидаги тушунча ва ғояларнинг шаклланиши ва умуман давлатчилик тарихида Амир Темурнинг роли ғоят юксақдир. Темур тузуқларида қайд этилганидек, давлат тузилмалари ва мансабдор шахслардан бошлаб, барчанинг қонунга риоя этиши одат тусига кирган. У бир неча юз йиллардан буён одамларни қонунларга итоат руҳида тарбиялашга ёрдам бермоқда. Амир Темур, қонун ва давлатнинг обрўсини қонунсизликдан кўра кўпроқ бузадиган нарса йўқлигини алоҳида таъкидлаб, бу принципни «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади»<sup>3</sup>, деб ўз «Тузуқлар»ида мустаҳкамлаб қўйган.

Амир Темурнинг шахс, жамият, давлат муносабатларига адолатли ёндашуви шахс эркинликлари ва унинг давлат ишларида иштироки даражасини аниқ ифодалаган. Ҳар қандай масаланинг адолатли ҳал этилиши шахснинг ижтимоий ҳолатига боғлиқлигини назарда тутган. Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар, – дейилади бу ҳақда «Тузуқлар»да, – иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ йўлига кирса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар»<sup>4</sup>.

Амир Темур даврида ҳар бир шаҳарга олим ва мударрислар тайин қилинади, уларнинг мусулмонларга тафсир, ҳадис ва фикрдан таълим беришлари қатъий белгилаб қўйилади. Демак, билим олиш қонун даражасига кўтарилган, бу соҳада маълум ва қатъий тартиблар, йўл-йўриқлар мавжуд бўлган.

Аҳамиятли ва қизиқарли томони шундаки, ҳар қайси эл ва ҳар шаҳарда Адолат амири тайин этилган. Сипоҳ ва раият орасидаги урф-одатларга оид низоли ишлар ҳақида маълумот бериб туриш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланган. Давлат ишларидаги бундай тартиб, қонун бузилишининг олдини олишда жуда қўл келган, бошқа жиҳати, мамлакатда, бошбошдоқликнинг бошланиб кетиши ва авж

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. – Т., 1996. – Б. 72.

<sup>2</sup> Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., 2000. – Б. 19–20.

<sup>3</sup> Темур тузуқлари. – Т., 1996. – Б. 67.

<sup>4</sup> Ўша манба. – Т., 1996. – Б. 85.

олишига йўл қўймаган. Албатта, ўрта асрларга хос бўлган якка ҳукмронлик бошқарув тизимида олий ҳукмдорнинг ваколоти юқори бўлган, унинг ҳар бир фармойиши амалда қонун кучини олган. Шу маънода, «Тузуқлар»да тилга олинган «аҳолини йўриққа солиш ва маош тайинлаш», «раиятдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш ва юксалтириш, унинг ободончилиги, хавфсизлигини амалга ошириш», «сипоҳ сақлаб туриш», «вазир тутиш» каби қатор ибора ва сўзлар эътиборга моликдир. Уларда ижтимоий соҳада учраб турадиган жараёнлар учун ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган. Ҳар бир тузуқда муайян бир воқелик, фаолиятга адолат мезони орқали баҳо бериш кўзга ташланади. Демак, Амир Темур ўз «Тузуқлар»ини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этар экан, энг аввало, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларида фақат қонунга асосланган. Ўз навбатида, давлат бошлиғи олдида турган масъулият — адолатли бўлиш, ҳар бир ишда вазминлик билан ҳолис ва қатъий фикр юритишга амал қилган.

Амир Темур ўз даври давлатчилиги муҳитини теран англаган. У бошқалар билан ҳисоблашган, машварат қилган, қонунқоидаларга риоя этиб, даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеалари, ҳатто унинг энг кичик нуқталарига ҳам аҳамият берган. Шу боис ҳам «Тузуқлар»да ўғил ва набираларга улуфа бериш масаласига алоҳида тўхталган.

Қавм-қариндошларга ҳам амирлик, валийлик даражалари берилиши аниқ кўрсатиб ўтилади. Соҳибқирон ўз салтанатининг ҳамма жойида қонунчиликка эътибор бериб, унинг бошқарилишини назорат остида тутган. «Раиятни умид ва қўрқинч орасида тутсинлар. Гуноҳлари ва қилмишларига яраша жазоласинлар» дейилади «Тузуқлар»да<sup>1</sup>.

Амир Темур давлатида вақти-вақти билан сўроқ, текшириш, тафтиш, тергов қилиш ўтказиб турилган, Ўз амалини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий ичкилик ичиш, маиший бузуқлик кабилар оғир гуноҳ ҳисобланган ва қаттиқ жазоланган. Амалини

суиистеъмол қилиш нафақат раият ораси, балки Темур авлодларига тааллуқли бўлганида ҳам, улар тегишли жазоларини олганлар. Тарихий манбаларда келтирилишича, унинг ўғли Мироншоҳ, неваралари Пирмуҳаммад ва Халил Султонлар ҳам халқ олдида жазога тортилганлар<sup>2</sup>.

Унинг давлатида қонун устуворлигига, ҳамма масалаларда сўз ва иш бирлигига эришилганлиги туфайли, тартиб-интизом, осойишталик ҳукм сурган, “ёмонлик ва ахлоқсизлик қаттиқ қораланган”. У «давлат ичидаги талай олчоқ ва ёмон одамлар»дан эҳтиёт бўлиш ҳақида огоҳ этар экан, бундай одамларнинг асл мақсадлари «салтанат кўрғонига раҳна солишдир», дейди. «Давлат ичидаги бундай ёмон одамлар билан қандай муомалада бўлмоқ даркор?», деган савол кўндаланг бўлиши табиий. Бундай вазиятда Амир Темур қайси тузуқка риоя этган? Чунончи, ўз вақтида амир Ҳусайн Соҳибқирон давлатининг икки қаноти бўлмиш амир Ики Темур ва амир Жоқуларни унга қарши қўймоқчи бўлиб, тухмат уюштиради. Амир Темур фаросатли инсон бўлгани учун унинг хиёнатини сезиб қолади ва улар хусусида айтилган гапларни эшитмаганга олади. Чунки бундан олдин шунга ўхшаш воқеа юз бериб, уни анча ташвишга солган эди. Яъни яқинлари билан ёлғиз қолганда, улуғ ва эътиборли амирлардан бири – амир Аббосни ёмонлайдилар, ғазаб устида Соҳибқирон уни ўлимга буюради. Кейинчалик бунинг хиёнат эканлигини англаб, афсус ва надомат чекади.

«Тузуқлар» фақат давлатчилик учун зарур бўлган қонунлар мажмуаси бўлмай, балки ҳар бир сўзи киши маънавий эҳтиёжи учун керакли озуқа ҳамдир. Уларда, энг аввало, инсон, унинг маънавий камолоти ва ҳаёти, омонлиги устун қўйилади. Масалан, молия вазирлари хусусидаги тузуқлари, уларнинг жавобгарлиги масалалари ҳам жуда ибратлидир:

– мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб, бойликнинг бир қисмини ўзлаштириб олган бўлсалар, аввало, текшириб кўриш;

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. – Т., 1996. – Б 121.

<sup>2</sup> Бадиров А.Ж. Амир Темур давлатида қонунчилик // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни. Халқаро конференция тезислари. – Самарқанд, 1996. – Б. 67.

---

– агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли улуфа миқдорига тенг бўлса, мазкур маблағни унга совға-салом ўрнида бериш;

– агар ўзлаштириб олган маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғини оладиган маошидан ушлаб қолиш;

– агар маошидан уч баробар кўп бўлса, салтанат хазинасига тортиқ сифатида олиш лозимлиги белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан маълумки, инсон қонунни бузиши мумкин, аммо унинг хатоси учун жонини олиш шарт эмас, балки унинг «кўзини очиб қўйиш», унга сабоқ бўларли жазо бериш ўринлироқдир. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, шўро замонида бу гаплар хусусида ёзиш у ёқда турсин, фикр юритиш ҳам хатарли бўлган.

Жумладан, янги нашр этилган «Қиссаи Темур» («Малфузоти Темурий»)да «Тузуқлар»нинг аввалги нашр этилган нусхаларида ҳам учрамайдиган ўн икки тамойил келтирилган бўлиб, шулардан иккитаси давлат ҳокимиятини адолат билан бошқаришга бағишланган: «Адл тарозусини қўлумға олдим, не кам қилдим ва не зиёд, ҳаммани ўлчоқда баробар тутдим», «Худонинг бандаларига барҳақ ҳукм қилдим ва ҳақ тарафига майл этдим», деган фикри унинг адолатни севувчи давлат раҳбари эканлиги ҳамда шундай сиёсат юритишга ҳаракат қилганлигини кўрсатади.

«Тузуқлар»даги ушбу ҳукмлар эса бу борадаги фикрларимизга янада ойдинлик киритади:

– қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошиб, қўл остидаги кишиларга зулм ўтказар экан, уни тутиб, мазлум қўлига топшириш ва улар томонидан жазо бериш;

– агар кадҳудолар (қишлоқ оқсоқоллари) ва калонтарлар (шаҳар ҳукмдорларидан бири) кичикроқ даражадаги одамга зулм қилган бўлсалар, зулмига яраша, ҳар кимнинг қурбига яраша жарима солиш<sup>1</sup>;

– агар доруға ва ҳокимлар халққа жабр-зулм ўтказган бўлсалар, уларни жазога тортиш кўзда тутилган.

---

Бизда ҳозирга қадар ўтмишда барча ҳуқуқ-бузарлик ҳолатлари шариат қонунлари бўйича ҳал этилган, деган нотўғри тасаввурлар ҳам учраб туради. «Тузуқлар»да бу масалани ойдинлаштирадиган жавобни топиш мумкин. «Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузуқ асосида адо этдим»<sup>2</sup>, дейилади «Тузуқлар»да. Шунингдек, баъзан ўғри ва қароқчиларга «Ясо» асосида ҳам жазо тайинланган. Бировнинг тишини синдирган, кўзини кўр қилган, қулоқ-бурнини кесган, шароб ичган, зино қилган кишиларга девондаги шариат (ислом) қозиси жазо тайинлаган;

– урф-одатга оид ишларни Аҳдос қозиси тафтиш этиб, бу хусусда Соҳибқирон Амир Темурга етказган.

Аскарлар (сипоҳий) орасидан ҳарбий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий низоларни қози аскар – ҳарбий суд кўриб чиқиб, ҳал қилган.

«Тузуқлар»да кўрсатилганидек, шариат масалаларида қарор чиқариб фатво берувчи мансабдорлар, муфти, аълам (ўнта муфтий бошлиғи), муҳтасиб – урф-одатлар ва шариат қонунларининг бажарилишини назорат қилувчи мансабдорлар тайинлаб қўйилган. Ҳар бир шаҳарда ҳукмдорлар уйи (Дор ул-аморат) ва Суд маҳкамаси (Дор ул-адолат) бинолари қурилган.

Соҳибқирон ҳуқуқ маҳкамаларининг вази-фаси қандайдир идоравий манфаатларнинг ҳимоячиси бўлиши эмас, балки соғлом фикр ва инсонларнинг посбони бўлишини эътиборга олган. Бу хилдаги тартиб ва адолатли жараён мамлакатда тартиб-интизомни сақлашда барқарор муҳитни юзага келтирган.

Амир Темур урф-одатлар ва кундалик ишларнинг бажарилишини ўзига маълум этиб туришларини беҳудага сўрамаган. Бу талаб фақат «Тузуқлар»дагина эмас, бошқа манбаларда ҳам келтирилади. Жумладан, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари келтирилган:

---

<sup>1</sup> Ўша манба. – Т., 1996. – Б 93.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Т., 1996. – Б 73.

---

«Ҳар нарсаки, мамлакат ислоҳи унга алоқадор ва мазлумлар бошидан зарарни дафъ этиш унга боғлиқ бўлса, у ҳақда бизга етказишда бепарволик қилинмасин, эътимод ва тўла ишонч билан очиқ кўрсатсин»<sup>1</sup>. Чунки тўғри маълумотнинг давлатни бошқаришда аҳамияти катта бўлган. У нафақат ҳуқуқбузарликларга, балки миллий урф-одатларнинг бузилишига ҳам йўл қўймаган. Мамлакатнинг ҳар соҳасида барқарорликни таъминлаш, халқни бахт-саодатга мушарраф этиш, шу билан бирга нафақат ўз замонасини, балки келажакни ҳам ўйлаш, авлодларга ўрнак бўларли сабоқлар қолдириш Соҳибқирон учун биринчи галдаги вазифалар ҳисобланган. Шу ўринда вазир тутиш тузугини ўрганиш ҳар жиҳатдан зарурдир. Бу аъмол ҳар қандай давлатчиликда муҳим ва устувор жиҳат ҳисобланади. «Насли-ю зоти ёмон, ҳасадчи, гина, кек сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин», дейилади «Тузуклар»да. «Доно вазир шулдирки, – дейди Соҳибқирон, – ўз ўрнига қараб, гоҳ қаттиққўллик, гоҳ мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўллик қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар кўп мулойимлик қилса, дунёталаб тамагир одамлар уни ютиб юборадилар».

У доно вазирнинг сифатлари ҳақида сўз юритар экан, бундай вазир салтанат ишларини сабр-тоқат билан ҳал этади, дейди ҳамда бу хилдаги вазирнинг салтанат шериги эканлигини таъкидлайди. Бундай вазирлар салтанатнинг уч асосий жиҳатига – мулк, хазина ва лашкарга эътибор беради ҳамда ҳар учаласини тадбиркорлик билан саранжом тутлади.

Темур тузукларининг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, у ўз қарор ва ҳукмларини ҳаётий далиллар билан асослайди. «Менинг эшитишимча, – дея давом этади у, – Низом ул-мулкнинг ёмон қилмишлари кам бўлиб, хайрли ишлари кўпроқ эди. У ҳажга бормоқчи

бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дейди: «Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдамнинг ҳаж қилиш билан баробардир».

Амир Темур асарига диққат билан назар солинса, доруға ва шаҳар ҳокимлари – волийлари халққа жабр-зулм қилсалар, уларни ҳам жиноятларига мос ҳолда жазога тортиш назарда тутилган. «Тузуклар»да бирор кишининг айби исботланганда, унга нисбатан фақат битта жазо чорасини қўллаш, яъни агар жарима солинса, дарра билан урмаслик, дарра билан урилса, жарима солмаслик тўғрисида сўз юритилади<sup>2</sup>. Демак, «Тузуклар»да кўпроқ бошқариш тартибига қарши жиноятлар ва уларга жазо тайинлаш ҳам назарда тутилган.

*Суд тизими.* Давлатда судлов ишлари ихтисослаштирилган тарзда ташкил этилган. Ўтроқ аҳоли ҳудудларида фуқароларга оид ишлар Қози калон (доруладолат)га бўйсунувчи қозилар томонидан шариат асосида амалга оширилган. Кўчманчи аҳоли ҳудудларида эса Қозийи аҳдос томонидан одат ҳуқуқига асосан юритилган. Ҳарбийлар ва руҳонийларга тааллуқли ишлар юқорида таъкидланганидек, алоҳида кўриб чиқилган. Аслзодалар ишлари Ихдом суди томонидан олиб борилган. Агарда томонлар қарор ёки ҳукмдан норози бўлса, давлат бошлиғига шикоят қилишга ҳақли бўлган.

Диний ҳокимият тизимининг бошқаруви қуйидаги тартибда амалга оширилган: шайхулислом – Аълам – Қозикалон – Садри аъзам – Муҳтасиб – Қозийи аҳдос – Қози аскар – Мударрис – Мутавалли.

*Маҳаллий бошқарув.* Салтанат одатда ҳукмрон сулола вакиллари ва шу хонадон таянчи бўлмиш ҳарбий-сиёсий кучлар ёрдамида идора этилган. Амир Темур салтанатни бошқаришда, энг аввало, ўз ўғиллари ва авлодларига суянган. Чунончи, у салтанатни

---

<sup>1</sup> Низомиддин Шоший. Зафарнома. – Т., 1990. – Б 371.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 94.

---

---

бир қанча улусларга тақсимлаб, мамлакат яхлитлигини сақлаган ҳолда бошқарган. Ҳар бир улуснинг ҳам ўз даргоҳи ва кенг тармоқли бўлмаган вазирлари бўлган.

Вилоятларда ҳокимиятни волий (вали)лар, бекликларда беклар, шаҳарларни ҳокимлар бошқарган (ҳоким саройи — доруламорат). Шаҳар тумани миқёсидаги бошлиқлар — доруға, қалъа бошлиғи — қутвол, деб юритилган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудларда ҳокимият туман ва улус бошлиқлари қўлида бўлган. Қишлоқларда ҳокимият арбоблар томонидан амалга оширилган. Улар лавозимга маҳаллий зодогонлар томонидан тавсия этилган ва валийлар томонидан тасдиқланган ҳамда вазифасидан озод этилган.

Маҳаллий ҳукмдорлар зиммасига асосан солиқларнинг ўз вақтида йиғилиши ва давлат хазинасига жўнатилиши вазифаси юклатилган. Шу билан бирга, улар хирож ва закотларнинг вақтида тўлаб турилиши, юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан белгиланган мажбуриятларнинг ўз вақтида ва аниқ бажарилиши, қалъалар, кўприклар, йўллар, сув йўллари ва бошқаларнинг ҳамиша шай ҳолатда туриши учун ҳам масъул бўлганлар.

Мамлакатда асосий эътибор жиноятчиликка қарши курашга эмас, балки жиноятларнинг олдини олишга қаратилган. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: *Асаслар* – фуқаролар тинчлигини таъминлаш ва жиноятларни очишда муҳим ўрин тутувчи кеча қоровуллари, яъни посбонларнинг бошлиғи; *Йасағлар* – миршабларнинг мансабдор

---

---

шахслари бўлиб, жамоат тинчлиги ва осойишталигини сақлаган; *Шихналар* – ҳарбий маъмурлар бўлиб, шаҳар тинчлигини сақлашга масъул бўлганлар.

Мамлакатда *миршаблик* алоҳида ўрин тутган. Уларга қўрбошилар бошчилик қилган. Улар шаҳар тартиботи, карвон йўлларида осойишталикни қўриқлаш фаолиятини амалга оширганлар. Улар ўз таркибий тузилмаларига эга бўлиб, уларнинг раҳбарларини маҳаллий ҳокимлар тайинлаган.

Давлатда махсус жиноят-қидирув миршаблиги ташкил этилган. У савдо карвонлари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, босқинчилар ва ўғрилар тўдаларини топиш ва қўлга олиш, шариат қоидаларини бузганлар, дарбадарлар ва тиламчиларга қарши чора кўриш билан шуғулланганлар.

Барча ўлкаларда мавқеи катта бўлган *қорачи* (жосус) ва *воқенавис* лавозимлари таъсис этилган. Воқенавислар ҳар бир мамлакат, вилоят, шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, у ерда содир бўлаётган воқеалар ҳақида давлат бошлиғини хабардор қилиб туришган.

Шундай қилиб, Амир Темур ўзининг ҳуқуқий қарашларида юқорида келтирилган «ҳуқуқий тамойиллар»га асосланиб, жаҳоннинг учдан бир қисмига тенг келадиган улкан салтанатни бошқарган.

*Хулоса ўрнида айтиш жоизки*, мамлакатимиз Президентининг таъбири билан айтганда, «буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳотчиси, савдосотик, хунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темур «Қонунлар ва урф-одатларга асосланган» давлатни барпо этди».

Е. Ю. Агзамова\*,  
С. Б. Рахиммирзаев\*\*,  
С. Ю. Ахоров\*\*\*

## ОСОБЕННОСТИ МОДИФИКАЦИИ ПСИХОДИАГНОСТИЧЕСКОГО ИНСТРУМЕНТАРИЯ ПО ИЗУЧЕНИЮ АУТОАГРЕССИВНОГО ПОВЕДЕНИЯ СПЕЦИАЛИСТОВ ЭКСТРЕМАЛЬНОГО ПРОФИЛЯ

Проблема аутоагрессивного поведения, которое выражается в агрессивных действиях, направленных на самого себя, и одним из проявлений которого является суицидальное поведение, чрезвычайно актуальна и до настоящего времени недостаточно исследована в теоретическом и прикладном аспектах.

Проведенный анализ научной литературы показывает, что исследование аутоагрессивного поведения (далее по тексту «суицидального поведения») специалистов экстремального профиля разными авторами рассматривается в конкретном социально-историческом контексте и, несмотря на множество точек зрения по данному вопросу, можно выделить одну из ведущих причин такого поведения, которая заключается в социальной дезадаптации личности<sup>1</sup>.

На сегодняшний день существует относительно множество методик по изучению суицидального поведения. В частности, можно выделить опросник «ОСР» (опросник суицидального риска), который предназначен для измерения суицидального риска, своевременного выявления уровня сформированности суицидальных намерений с целью предупреждения серьезных попыток самоубийства<sup>2</sup>. В сравнении с другими одношкальными методиками, так или иначе измеряющими уровень эмоциональной дезадаптации (опросники тревожности личности, нейротизма и др.), в опроснике суицидального риска содержится попытка качественной квалификации симптоматики — выявления индивидуального стиля и содержания суицидальных намерений данного человека.

\* И.о. доцента кафедры психологии и профессиональной этики Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат психологических наук.

\*\* Заместитель начальника Центра профессионально-психологического отбора Министерства обороны Республики Узбекистан, кандидат психологических наук.

\*\*\* Начальник отдела Центра профессионально-психологического отбора Министерства обороны Республики Узбекистан, кандидат психологических наук.

<sup>1</sup> См.: Бердыев Н.А. О самоубийстве // Психологический журнал. — 1992. — Т. 13. — №2. — С. 95-106; Боечко А.В. Суицидальное поведение военнослужащих срочной службы и его профилактика: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. — М., 1992; Ведрин Ж., Вебер Д. Можно ли оценить риск суицида? // Социальная и клиническая психиатрия. — 1997. — Т.7, вып. 3. — С. 69-73; Воробьев В.М. Психическая адаптация как проблема медицинской психологии и психиатрии // Обозрение психиатрии и медицинской психологии им. В.М.Бехтерева. — Спб., 1993. — № 2. — С. 33-39; Литвинцев С.В., Шамрей В.К., Нечипоренко В.В., Попик И.Г. Диагностика и профилактика суицидального поведения военнослужащих (сообщение первое) // Военно-медицинский журнал. — 2001. — № 8. — С. 18-22; Остроглазов В.Г., Лисина М.А. Клинико-психопатологическая характеристика состояний у лиц, совершивших суицидальные попытки // Журнал неврологии и психиатрии. — 2000. — № 6. — С. 18-20; Полищук Ю.И. О так называемых непатологических суицидоопасных ситуационных реакциях // Обозрение психиатрии и медицинской психологии им. В.М.Бехтерева. — 1993. — № 3. — С. 156-158; Полова Н.М., Счастный Е.Д., Корнетов А.Н., Дорохова И.Г., Прокументов А.Л. Саморазрушающее поведение, его превенция и психотерапевтическая коррекция // Современные проблемы пограничных и аддитивных состояний. — 1996. — С. 107 — 108.

<sup>2</sup> См.: Кензин Д.В. Суицидальное поведение при депрессии в рамках расстройств настроения и личностных расстройств (анализ и психофармакологическая коррекция) // Российский психиатрический журнал. — 2001. — №2. — С. 41- 47.



---

Опросник суицидального риска прошел психометрическую адаптацию в рамках дипломной работы И. Ю. Беляковой, выполненной под руководством А.Г. Шмелева. На первом этапе при обследовании 24 пациентов кризисного стационара на базе больницы №20 г. Москвы были отобраны пункты опросника «ММИЛ» (версия Березина с соавторами), выражающие специфику ответов суицидентов по сравнению с обычными людьми. На втором этапе перечень пунктов из опросника «ММИЛ» был дополнен рядом авторских оригинальных вопросов и пилотажная версия «ОСР» из 72 пунктов предъявлялась 77 испытуемым с целью отбора пунктов по методу экстремальных групп. 20 испытуемых из 77 были пациентами Кризисного отделения указанной больницы №20. В результате было отобрано 29 пунктов, обладавших значимым коэффициентом четырехклеточной корреляции между ответами на пункт и показанием в группу суицидентов<sup>1</sup>.

С целью повышения информативности методики, достоверности получаемых результатов опроса с учетом объекта психодиагностики (специалист экстремального профиля), нами была проведена модификация опросника «ОСР» путем добавления 33 вопросов (2 шкалы) из теста Г.Айзенка «EPI», направленного на диагностику эмоциональной нестабильности (24 вопроса) и склонности давать обследуемыми социально желаемые ответы (9 вопросов). Увеличение числа вопросов путем добавления 2-х шкал позволило:

— на этапе первичной обработки полученных результатов определить обследуемых, которые отвечали не искренно (т.е. повышенная степень склонности давать социально желаемые ответы), тем самым повысить достоверность методики;

— диагностировать уровень эмоциональной нестабильности обследуемого (нейротичность), тем самым повысить информативность методики.

---

В результате модификации опросник «ОСР» содержит следующие диагностические шкалы:

шкала №1 — «Искренность» — диагностирует склонность обследуемых давать социально желаемые ответы;

шкала №2 — «Эмоциональная нестабильность» — характеризует человека со стороны эмоциональной неустойчивости (нестабильности), тревожности и чувствительности. Показатель этот биполярен: на одном полюсе находятся люди, характеризующиеся чрезвычайной эмоциональной устойчивостью, прекрасной адаптированностью, а на другом — чрезвычайно нервный, неустойчивый и плохо адаптированный тип;

шкала №3 — «Демонстративность» — желание привлечь внимание окружающих к своим несчастьям, добиться сочувствия и понимания, оцениваемое из внешней позиции порой как «шантаж», «истероидное выпячивание трудностей», демонстративное суицидальное поведение переживается изнутри, наиболее суицидоопасно сочетание с эмоциональной ригидностью, когда «диалог с миром» может зайти слишком далеко;

шкала №4 — «Аффективность» — доминирование эмоции над интеллектуальным контролем в оценке ситуации, готовность реагировать на психотравмирующую ситуацию непосредственно эмоционально, в крайнем варианте — аффективная блокада интеллекта;

шкала №5 — «Уникальность» — восприятие себя, ситуации с точки зрения «уникальности» и, следовательно, подразумевающее исключительные варианты выхода из ситуации, в частности, суицид. Такое восприятие тесно связано с феноменом «непроницаемости» для опыта, т.е. с недостаточным умением использовать свой и чужой жизненный опыт;

шкала №6 — «Несостоятельность» — отрицательная концепция собственной личности, представление о своей несостоятельности, некомпетентности, нелюбимости, «вык-

---

<sup>1</sup> См.: Баширова А.Р. Объектные отношения и механизмы саморегуляции у лиц с суицидальными попытками // Депрессивные расстройства (фундаментальные, клинические, образовательные и экзистенциальные проблемы): Сборник материалов международной научно-практической конференции (Томск, 22-24 апреля, 2003) / Под науч. ред. проф. Н.А. Корнетова. — Томск, 2003. — С. 8-11.

---

люченности» из мира. Данная шкала может быть связана с представлениями о физической, интеллектуальной, моральной и прочей несостоятельности; несостоятельность выражается в виде внутреннего монолога — «Я плох»;

шкала №7 — «Социальный пессимизм» — отрицательная концепция окружающего мира, восприятие мира как враждебного, не соответствующего представлениям о нормальных или удовлетворительных для человека отношениях с окружением. Социальный пессимизм тесно связан с экстрапунитивным стилем казуальной атрибуции, в отсутствие несостоятельности экстрапунитивность по формуле внутреннего монолога — «Вы все недостойны меня»;

шкала №8 — «Слом культурных барьеров» — культ самоубийства, поиск культурных ценностей и нормативов, оправдывающих суицидальное поведение или даже делающих его в какой-то мере привлекательным, заимствование суицидальных моделей поведения из литературы, кино, Интернета, в крайнем варианте — инверсия ценностей жизни и смерти;

шкала №9 — «Максимализм» — инфантильный максимализм ценностных установок, максимализация ценностей значимости малейшей потери с одновременной минимизацией ценностей значимости имеющихся достижений; распространение на все сферы жизни сдерживания локального конфликта в какой-то одной жизненной сфере, невозможность компенсации;

шкала №10 — «Временная перспектива» - невозможность конструктивного планирования будущего, это может быть следствием сильной погруженности в настоящую ситуацию с трансформацией чувства неразрешимости текущей проблемы в глобальный страх неудач и поражений в будущем;

шкала №11 — «Антисуицидальный фактор» — фактор, который снижает глобальный суицидальный риск; это глубокое понимание чувства ответственности за близких, чувство долга.

Вместе с тем для эффективного применения на практике модифицированного опросника «ОСР» необходима его адаптация к соответствующей выборке — специалисты

экстремального профиля. В рамках адаптации с учетом особенностей дальнейшего применения модифицированного опросника нами были проведены следующие мероприятия, условно разделенные на три этапа:

1 этап: перевод вопросов методики на государственный язык с последующим математико-статистическим подтверждением адекватности перевода;

2 этап: определение надежности методики в целях выявления устойчивости результатов;

3 этап: стандартизация методики в целях определения нормы относительно выборки.

В рамках первого этапа адаптации осуществлен перевод вопросов методики на государственный язык, который проводился специалистами филологами и психологами. Этот процесс был ориентирован не на «дословный», а на «смысловой» перевод текста опросника. Для подтверждения адекватности перевода проведено психологическое тестирование по модифицированному опроснику на двуязычной выборке ( $n=87$ ), т.е. сначала респондентам предлагалось ответить на вопросы опросника на государственном языке, а затем на русском языке. В целях повышения достоверности проверки адекватности перевода повторное тестирование на русском языке проводилось через 10 - 12 дней, что позволило снизить вероятность запоминания вопросов опросника респондентами. Для облегчения процедуры проведения тестирования и первичной обработки полученных результатов был разработан специальный бланк ответов и ключ для обработки трафаретного типа по одиннадцати диагностическим шкалам.

В основу проведенного математико-статистического подтверждения адекватности перевода лег корреляционный анализ полученных результатов «сырых баллов» тестирования на государственном и русском языках, который проводился с помощью непараметрического критерия «Spearman R» при поддержке программного комплекса «Statistica-6.0.», с учетом статистической значимости полученных результатов -  $p < 0,05$ , представленный в табл. №1.

Таблица №1

**Корреляционный анализ результатов тестирования по модифицированной методике «ОСР» с учетом двуязычной выборки (Spearman R, n=87)**

Наименования шкал сравнения	Коэффициент корреляции при $p < 0,05$
Искренность (на гос.яз.) & Искренность (на рус. яз.)	0,87
Демонстративность (на гос.яз.) & Демонстративность (на рус. яз.)	0,84
Аффективность (на гос.яз.) & Аффективность (на рус. яз.)	0,83
Уникальность (на гос.яз.) & Уникальность (на рус. яз.)	0,74
Несостоятельность (на гос.яз.) & Несостоятельность (на рус. яз.)	0,92
Социальный пессимизм (на гос.яз.) & Социальный пессимизм (на рус. яз.)	0,9
Слом культурных барьеров (на гос.яз.) & Слом культурных барьеров (на рус. яз.)	0,7
Максимализм (на гос.яз.) & Максимализм (на рус. яз.)	0,86
Временная перспектива (на гос.яз.) & Временная перспектива (на рус. яз.)	0,94
Антисуицидальный фактор (на гос.яз.) & Антисуицидальный фактор (на рус. яз.)	0,82
Нейротизм (на гос.яз.) & Нейротизм (на рус. яз.)	0,97

Из приведенных данных видно, что все шкалы модифицированной методики имеют значимую положительную корреляцию, а среднестатистический коэффициент адекватности перевода равен 0,85 при  $p < 0,05$ , что является, по нашему мнению, приемлемым.

В рамках второго этапа адаптации была определена надежность модифицированной методики, которая проводилась путем повторного тестирования на одной и той же выборке (n=142) специалистов экстремального профиля, с последующим корреляционным анализом полученных «сырых баллов» результатов опроса (ретестовая надежность),

представленного в табл. №2. Период между повторным тестированием варьировался от 15 до 20 дней. Как указывалось выше, период повторного проведения обусловлен максимальным снижением вероятности запоминания респондентам вопросов модифицированного опросника респондентами.

Таблица №2

**Корреляционный анализ результатов повторного тестирования по модифицированной методике «ОСР» (Spearman R, n=142)**

Наименования шкал сравнения	Коэффициент корреляции при $p < 0,05$
Искренность & Искренность	0,78
Демонстративность & Демонстративность	0,82
Аффективность & Аффективность	0,79
Уникальность & Уникальность	0,81
Несостоятельность & Несостоятельность	0,87
Социальный пессимизм & Социальный пессимизм	0,8
Слом культурных барьеров & Слом культурных барьеров	0,8
Максимализм & Максимализм	0,86
Временная перспектива & Временная перспектива	0,89
Антисуицидальный фактор & Антисуицидальный фактор	0,8
Нейротизм & Нейротизм	0,89

Приведенные показатели наглядно демонстрируют, что по всем диагностическим шкалам наблюдается положительная, значимая корреляционная связь. При этом среднестатистический коэффициент ретестовой надежности модифицированной методики равен 0,85 при  $p < 0,05$ .

Еще одним важным показателем, характеризующим психологическую методику, является её валидность. В связи с тем, что в научной литературе достаточно полно освещены данные по валидности как методики «ОСР», так и

теста Г.Айзенка «EPI», данный вопрос в рамках адаптации нами не рассматривался. Вместе с тем в ходе практического применения модифицированной методики нами в обязательном порядке будет изучен и повторно определен (подтвержден) показатель валидности с учетом специфики выборки применения данной методики.

Третий этап адаптации был посвящен стандартизации модифицированной методики, которая основана на результатах тестирования 557 специалистов экстремального профиля. Для стандартизации мы воспользовались наиболее распространенной шкалой стэнов - «Стандартные десятки», предложенной Р.Б.Кеттеллом<sup>1</sup>. Для удобства обработки результатов тестирования произведено изменение стэновой шкалы, т.е. предложенная Р.Б.Кеттеллом десятибалльная шкала видоизменена до пятибалльной. В ходе стандартизации по соответствующим формулам вычислялись такие математические производные, как математическое ожидание (M), стандартное отклонение (y), показатели асимметрии (A), эксцесса (E) и др. Вычисление производных дало возможность графическим способом распределить «сырые» баллы по стандартным оценкам.

Проведенная стандартизация модифицированной методики позволила систематизировать распределения общих сырых баллов по уровням проявления суицидального поведения у специалистов экстремального профиля (табл.3).

Таблица 3

**Перевод баллов в стэны и их интерпретация**

Сырые баллы	Стэны	Уровень проявления	Интерпретация
1—7	5	низкий	минимальная вероятность возникновения суицидальных реакций
8—15	4	ниже среднего	Ниже среднего уровня склонности к суицидным реакциям, может возникнуть суицидальная реакция только на фоне длительной психической травматизации и при реактивных состояниях психики

16—24	3	средний	Средний уровень склонности к суицидным реакциям, которые не отличаются высокой устойчивостью
25—33	2	выше среднего	Отнесены к группе выше среднего уровня проявления склонности к суицидным реакциям
34—63	1	высокий	Обладают высоким уровнем проявления склонности к суицидным реакциям

Таким образом, по результатам модификации методики «ОСР» и её адаптации по предлагаемому алгоритму приходим к выводу, что данный инструментарий можно рекомендовать для применения на практике психологами для изучения суицидального поведения специалистов экстремального профиля.

Вместе с тем интерпретация уровней проявления, представленных в табл. 3, носит рекомендательный характер, требующий определенных дополнений с помощью других психодиагностических методов.

Следует отметить, что сложность изучения и тем более психодиагностика такого многогранного явления, как суицидальное поведение, обусловлено отсутствием на сегодняшний день единой точки зрения касательно существования особой структуры личности, предрасполагающей к суициду, или типичных ситуаций, для которых характерен суицид как форма их разрешения.

<sup>1</sup> См.: Сидоренко Е.В. Методы математической обработки в психологии. — СПб., 1996. — 352 с.

С. Алламбергенов\*

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ ВА ҲУКУМАТИНИНГ  
ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Ҳар қандай суверен мақомига эга бўлган давлатлар сингари, Қорақалпоғистон Республикаси давлат бошқаруви ҳам ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосланади. Унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси давлат бошқаруви қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади<sup>1</sup>.

Қорақалпоғистон Республикаси парламенти давлатнинг олий функцияси, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини ҳамда қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, давлатнинг ижтимоий ҳаётини миллий қонунчилик асосида ҳуқуқий тартибга солиш функциясини амалга оширса, унинг ижросини ташкил этиш ва бошқариш давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи ва бошқарувчи органи – Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати зиммасидадир. Демак, бу икки давлат ҳокимиятининг ўзаро келишув, муроса, ҳамкорлик ва ҳисобдорлик билан фаолият юритиши конституциявий тузумнинг барқарор бўлишида алоҳида аҳамият касб этади.

Парламент билан ҳукуматнинг ўзаро муносабатларини ёритишда илғор хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасига қисқача

тўхталиш лозим. Жумладан, Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 62-моддасида Федерал канцлер номзоди Президент томонидан Бундестаг – қуйи палатага тақдим этилади. Бунда Бундестагда ўрин олган сиёсий партия фракциялари ҳал қилувчи ўрин эгаллайди<sup>2</sup>. Италия Республикаси Конституциясининг 92-моддасида Республика Президенти Министрлар Кенгаши Раисини тайинлайди ҳамда унинг тақдимида биноан вазирларни лавозимга қўяди<sup>3</sup>. Франция Республикаси Конституциясининг 50-моддасига кўра, “агар Миллий Мажлис ҳукуматга нисбатан танбеҳ қарорини қабул қилса ёки у ҳукуматнинг умумий сиёсати тўғрисидаги Дастур ёхуд баёнотини маъқулламаса, у ҳолда Бош вазир ҳукуматнинг истеъфо бериш тўғрисидаги аризасини республика Президентига тақдим этади”<sup>4</sup>.

Юқорида келтирилган парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабат механизми ҳукумат ўз фаолиятини амалга оширишда парламент ва давлат раҳбари олдида масъуллиги ва ҳисобдорлигини тасдиқламоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ парламент билан ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари қуйидагича<sup>5</sup>:

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси.

<sup>1</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси / Ўн иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган. – Нукус, 2006. – Б.52. – 11-м.

<sup>2</sup> Қаранг: Конституции зарубежных государств: Учебное пособие / Сост. проф. В.В.Маклаков. 4-е изд., перераб. и доп. – М., 2003.

<sup>3</sup> Қаранг: Конституции мира: Сборник конституций государств мира. Т. 1 / Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. – Т., 1998. – С.340.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўша манба. – С.348.

<sup>5</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 2001 йил 29 июнь қонуни / Иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг олтинчи сессияси. – Нукус, 2001; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг мажлислари: Стенографик ҳисобот. – Нукус, 2001; Қорақалпоғистон Республикасининг «Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги 1998 йил 29 январь қонуни // Биринчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ўн тўртинчи сессияси. – Нукус, 1998. –28-м.; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг мажлислари: Стенографик ҳисобот. – Нукус, 1998; Қорақалпоғистон Республикасининг «Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги 1998 йил 29 январь қонуни // Биринчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ўн тўртинчи сессияси. – Нукус, 1998.–21-м.; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг мажлислари: Стенографик ҳисобот. – Нукус, 1998.

---

*биринчидан*, Қорақалпоғистон Республикаси парламенти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати тузилади. Ҳукумат ўз фаолияти юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси парламенти олдида ҳисобдор бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси парламенти Раиси бевосита парламент ва ҳукуматнинг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди;

*иккинчидан*, Қорақалпоғистон Республикаси парламенти томонидан Республика парламенти Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган таклифига кўра Республика ҳукумати Раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати Раисининг ўринбосарлари ва аъзолари Республика ҳукумат Раисининг таклифига биноан Қорақалпоғистон Республикаси парламенти томонидан, сессиялар даврида Республика парламенти Президиуми томонидан, кейинчалик Республика парламентининг тасдиғи билан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Қорақалпоғистон Республикаси парламенти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси вазирликларни, давлат қўмиталарини ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузади ҳамда фаолиятини мувофиқлаштиради;

*учинчидан*, Қорақалпоғистон Республикаси парламенти Республика ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган давлат бюджети лойиҳаси ва унинг ижроси бўйича ҳисоботларни ҳамда республика ҳудудида ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар бўйича ривожлантириш кўрсаткичларини тасдиқлайди, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси парламенти томонидан Республика ҳукуматининг амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатларининг ижроси бўйича назорат қилади;

*тўртинчидан*, Қорақалпоғистон Республикаси парламенти ва унинг таркибидаги қўмиталар ҳамда комиссиялари мажлисларида Республика ҳукумати Раиси ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ҳамда бошқа ижро этувчи давлат органларининг раҳбарлари белгиланган тартибда иштирок этади. Қорақалпоғистон Республикаси парламентида Республика ҳукумати қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланади;

---

*бешинчидан*, Қорақалпоғистон Республикаси парламенти Раиси томонидан Республика ҳукумати Раисининг таклифига мувофиқ туманлар ва шаҳарлар ҳокимларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланади. Республика ҳукумати янгидан сайланган Қорақалпоғистон Республикаси парламенти олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимга тайинлаш ва озод этишнинг янги демократик тамойилини амалдаги қонун ҳужжатларида белгилаш бўйича ўз таклифларини киритган эди<sup>1</sup>. Ушбу таклиф бўйича 2011 йил 18 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг (78, 80, 93, 96 ва 98-моддалари) қонуни қабул қилинди<sup>2</sup>.

Юқорида келтирилган демократик тамойил ҳамда илғор хорижий давлатларнинг тажрибаларини инобатга олиб, назаримизда, Қорақалпоғистон Республикаси парламенти ва ҳукуматининг ўзаро муносабатларини янада такомиллаштириш лозим.

Фикримизча, Қорақалпоғистон Республикаси парламенти билан ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш тамойиллари қуйидагича белгиланиши мақсадга мувофиқдир:

*биринчидан*, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси, Қорақалпоғистон Республикасининг «Жўқорғи Кенгеси ҳақида»ги қонуннинг 4-моддаси 15-банди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси «Вазирлар Кенгаши ҳақида»ги қонунининг 6-моддасига қуйидаги ўзгартиришларни киритиш лозим:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўз фаолиятида Қорақалпоғистон

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.8–15.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2011. — №16. — 159-м.

---

Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесини Раиси<sup>1</sup> олдида жавобгардир».

*иккинчидан*, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси 70-моддасининг 6-банди, 81-моддасининг 5-банди, 88-моддаси, Қорақалпоғистон Республикасининг «Жўқорғи Кенгеси ҳақида»ги қонуни 4-моддасининг 6- банди, 14-моддасининг 5-банди; Қорақалпоғистон Республикасининг «Вазирлар Кенгаши ҳақида»ги қонуни 5-моддасининг 2-банди ва 15-моддаларига тегишли қуйидаги ўзгартиришларни киритиш лозим:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси номзоди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳудудий сайловларда энг кўп депутатлик овозини олган ёки тенг миқдорда депутатлик овозларини кўлга киритган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланган депутатлик гуруҳлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисига таклиф этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимига тақдим этилган номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган таклифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатларига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун таклиф этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси номзоди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари томонидан умумий овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўртасида зиддиятлар доимий тус олган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси номига расман киритилган таклиф бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси мажлис муҳокамасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига нисбатан **ишончсизлик вотуми** билдириш ҳақидаги масалани киритади.

---

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига нисбатан **ишончсизлик вотуми** тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Конституциявий назорат қўмитасининг ҳулосаси ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг бутун таркиби Вазирлар Кенгаши Раиси билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг номзоди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланган депутатлар гуруҳлари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатларига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиуми томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимига номзодни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатларининг умумий овози билан тасдиқлангунга қадар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш ҳақидаги қарорни қабул қилади».

Фикримизча, ушбу илмий тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси давлат бошқарув шаклининг парламентар республика белгисини тасдиқлайди, шунингдек ҳукуматнинг парламент олдида масъуллик ва ҳисобдорлик принципини таъминлайди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг «Жўқорғи Кенгеси ҳақида»ги қонунининг 13-моддаларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Қорақалпоғистон Республикасининг энг юқори лавозимли шахсидир.

## ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧЕНИ ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ҲИМОЯЧИНИНГ ИШТИРОКИ

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиши учун энг самарали усул ҳимоячи ёрдамидан фойдаланишдир. Чунки ҳимоячи – адвокат олий юридик маълумот ва ҳуқуқшунослик соҳасида муайян тажрибага эга шахс ҳисобланади. Аммо амалиётда юзага келаётган айрим муаммолар, жиноят-процессуал қонунчилиқнинг дастлабки терговда ҳимоячи иштирокини таъминлашга қаратилган нормаларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) талабларига кўра, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилганидан кейин дарҳол ёки йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилиниши керак (110-м.). Гумон қилинувчи ёки айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдин улар шартнома тузган ҳимоячининг ёхуд, агар гумон қилинувчи, айбланувчи шартнома тузишга улгурмаган ёки туза олмаган бўлса, бошқа ҳимоячининг сўроқда иштирокини таъминлаши лозим (111-м.2-қ.).

Қонун чиқарувчи мазкур қоида орқали гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан самарали таъминланишига эришишда, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларга<sup>1</sup> уларнинг бу ҳуқуқини таъминлаши учун қисқа муддат ажратган. Бироқ мазкур масалаларни тартибга солувчи ЖПК нормаларининг ҳозирги ҳолати терговчи томонидан белгиланган муддатда

ишда ҳимоячи иштирокининг таъминланишига етарли имкон бермайди. Бундай ҳолатлар айниқса жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахсларни ҳимоячи билан таъминлаш жараёнида кўп учраганлиги сабабли, уларни жиноят содир этишда ушлаб турилган гумон қилинувчи мисолида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ишда ҳимоячи иштирокини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи юридик ёрдам учун тўловга қобилиятли бўлса-да, бироқ турли сабабларга кўра ҳимоячи танламаган ва таклиф этмаганлиги;

2) гумон қилинувчи ва айбланувчи томонидан ҳимоячи танланган, бироқ турли сабабларга кўра, танланган ҳимоячи йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришиш имконига эга эмаслиги;

3) гумон қилинувчи ёки айбланувчининг юридик ёрдам учун тўловга қобилиятсизлиги.

*Биринчи ҳолатга* чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, гумон қилинувчи, айбланувчи юридик ёрдам учун тўловга қобилиятли бўлса-да, бироқ турли сабабларга кўра ҳимоячи танламаган ва таклиф этмаган. Чунки айбланувчи учун ғамхўрлик қилувчи яқинларининг йўқлиги, шундай яқинлари бўлса-да, улар узоқ жойда яшаганлиги сабабли, етиб кела олмаслиги, бу борада яқинларидан ёрдам сўрамаганлиги, айрим ҳолларда уларнинг яқинлари умуман ёрдам қилишни истамаслиги каби ҳолатларни келтириш мумкин. Баъзи ҳолларда эса жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахслар ҳимоячига эга бўлишни хоҳласалар-да,

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ИПКТБ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси.

<sup>1</sup> Кейинги ўринларда – терговчи.



бирок ўзи ёки яқинлари бирорта адвокатни танимаганликлари сабабли, ҳимоячи таклиф эта олмайдилар. Бундай ҳолда терговчининг ишда ҳимоячининг иштирокини қандай тартибда таъминлаши ЖПКда умуман белгиланмаган. Унда фақатгина «Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди» (50-м.), дейилган. Лекин қандай қилиб, деган савол туғилади. Мазкур жараёнда терговчига ҳимоячи иштирокини таъминлаш учун адвокатлик тузилмасига ҳимоячини таклиф этиш учун мурожаат қилишдан ўзга йўл йўқ. Бундай талаб фақат гумон қилинувчи ва айбланувчининг илтимоси ёки розилиги билан амалга оширилиши лозим. Амалдаги ЖПКда бундай тартибнинг белгиланмаганлиги айрим терговчилар томонидан шунга ўхшаш ҳолатларда, улар томонидан тергов қилинаётган жиноят ишларида доимий қатнашувчи «таниш» адвокатларнинг жалб этилишига олиб келмоқда. Бунда адвокатнинг ишда иштирок этиши «расмиятчилик учунгина» бўлганлиги боис, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи таъминланмаслигига олиб келади.

*Иккинчи ҳолатда* гумон қилинувчи ва айбланувчи томонидан ҳимоячи танланган, бирок турли сабабларга кўра у йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришиш имконига эга бўлмайди. Биринчи ҳолатдан фарқли равишда мазкур ҳолатда терговчининг қандай йўл тутиши ЖПКда белгиланган, бирок ушбу қоида мукамал бўлмаганлиги боис, умуман амалий аҳамият касб этмайди. Унга кўра, «Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқар-

маси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаларига<sup>1</sup> мурожаат қилишни тавсия этади» (ЖПК 50-м.). Шахс ушланган бўлса ва танланган ҳимоячи 24 соат ичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келмаса, терговчи гумон қилинувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлик тузилмаларига мурожаат қилишни тавсия этади. Ҳўш, терговчининг кейинги ҳаракатлари қандай бўлади? У гумон қилинувчини ҳимоячи иштирокисиз сўроқ қиладими ёки бошқа ҳимоячи келишини кутади? Мазкур вазиятда терговчи гумон қилинувчини ҳимоячи иштирокисиз сўроқ қилса, унинг ҳаракатлари ЖПКнинг 50, 111-моддалари талабларига зид келади, янги ҳимоячи келишини кутса, ЖПКнинг 48, 110, 225-моддалари талаблари бузилади. Чунки мазкур моддаларда шахс ушлангандан бошлаб 24 соат ичида сўроқ қилиниши лозимлиги белгиланган. ЖПКда ушбу вазиятда терговчининг қандай ҳаракат қилиши лозимлиги белгиланмаганлиги, амалиётда терговчиларнинг ўзлари буни хоҳламасалар-да, ишда ҳимоячи иштирокини таъминлашнинг қонунда белгиланган тартибини четлаб ўтишларини тақозо этмоқда. Бунинг натижасида икки томон, яъни терговчи ҳам, ҳимоя томон ҳам зарар кўрмоқдалар. Бу вазиятда айрим терговчилар танланган ҳимоячи белгиланган вақтда ишда иштирок этиш учун кела олмаса, йигирма тўрт соат ичида шахсни сўроқ қилиш учун ўзларига «таниш» адвокатларни жалб қилиш чорасини кўрадилар ёки гумон қилинувчини ҳимоячидан воз кечишга ишонтириш орқали ҳимоячидан воз кечишига эришишга ҳаракат қиладилар.

Фикримизча, мазкур муаммони ҳал этиш учун танланган ҳимоячи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига шахс ушлангандан бошлаб 15 соат давомида келмаган тақдирда, терговчи гумон қилинувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлик тузилмаларига мурожаат қилишни тавсия этади.

<sup>1</sup> Кейинги ўринларда адвокатлик тузилмалари деб юритилади.

---

Шунда ҳам улар томонидан танланган ҳимоячи шахс ушланган вақтдан бошлаб 5 соат ичида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига келмаса, терговчи ҳимоячи иштирокини таъминлаш учун адвокатлик тузилмасига ҳимоячини таклиф этиш учун мурожаат қилиши лозимлиги ҳақидаги қонидани ЖПКга киритиш мақсадга мувофиқдир. Шунда терговчида ушланган шахсни 24 соат ичида ҳимоячи билан таъминлаш имконияти мавжуд бўлади.

Учинчи ҳолат эса гумон қилинувчи ёки айбланувчининг юридик ёрдам учун тўловга қобилиятсизлиги бўлиб, бундай вазиятларда ҳам ишда ҳимоячи иштирокини таъминлашда муаммолар мавжуд. «Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом<sup>1</sup> талабларига кўра, оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган шахслар адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун гумон қилинувчининг иш жойидан берилган охириги ўн икки ойлик даромади тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлган тақдирда, уни илова қилган ҳолда яшаш жойидаги маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғини ёки фуқаролар йиғини томонидан ваколатланган комиссия томонидан берилган хулосага асосан ҳақ тўлашдан озод қилинади ва харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади. Ушбу ҳужжатларни тўплаш терговчининг зиммасига юклатилган бўлиб, йигирма тўрт соат ичида уларни йиғиш мушкул. Мазкур низомда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириши шарт бўлган муддатларда кўрсатилган ҳужжатларни тўплаш имконияти бўлмаса, терговчи бу ҳужжатларни келгусида тўплаш билан гумон қилинувчи ва айбланувчини юридик ёрдам учун тўловдан озод этишга ҳақли эканлиги белгиланган. Бироқ бундай ҳолатда ҳимоячи тайинлаш тартиби ва

муддатлари белгиланмаганлиги боис, ушбу қоида амалиётда деярли қўлланилмаяпти. Бу ҳолда ҳам айрим терговчилар «вазиятдан чиқиш» учун яна ўша «таниш» адвокатларини жиноят ишида иштирок этишга жалб этиш чораларини кўрадилар.

Баён этилган муаммоларнинг юзага келишига имкон берган сабабларни ойдинлаштириш мақсадида ЖПКнинг 50-моддаси (Ҳимоячини таклиф этиш)га яна бир бор назар ташласак... Унинг биринчи қисми куйидагича ифодаланган, яъни «Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади». Шу ўринда савол туғилади, қонун чиқарувчи «бошқа шахслар» деганда, терговчини ҳам назарда тутмаганми? Бу жойда «бошқа шахслар» деганда терговчи назарда тутилмаган бўлиб, бундай хулосага келишимизга ЖПКнинг 51-моддаси мазмунини сабаб бўлади. Чунки ушбу модданинг учинчи қисми куйидагича ифодаланган, «...гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига биноан қарор ёхуд ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт». Агарда «бошқа шахслар» деганда терговчи ҳам назарда тутилган бўлса, терговчи томонидан яна ҳимоячи тайинлаш тўғрисида қарор чиқариш мантиққа зид бўлар эди.

Баён этилганлар ЖПК 50-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган «Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008. — 49-сон. — 487-м.

прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди» тарзида баён этилган қоида мукаммал бўлмаганлиги ва жуда кенг мазмунга эгаллиги, умуман мазкур моддада терговчи томонидан ишда ҳимоячи иштирок этишини таъминлаш механизми аниқ белгиланмаганлиги оқибатида келиб чиққанлигини англатади. Биз назарда тутаяётган муаммоли вазиятлар эса ишда ҳимоячи иштирокини таъминлаш учун терговчи томонидан ҳимоячи таклиф этиш ва тайинлаш жараёнини такомиллаштиришга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

«Терговолди текширув ва дастлабки тергов жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг<sup>1</sup> яратилиши терговчининг ҳимоячи таклиф этиш ва тайинлашга қаратилган ваколатларини такомиллаштиришга эҳтиёж борлигининг яққол исботидир. Мазкур низомда адвокатлар навбатчилигини ташкил этиш белгиланган бўлиб, унинг 2.9-бандида навбатчи адвокат терговчининг биринчи таклифи ёки телефон орқали чақирувига биноан дарҳол ордер билан, ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун терговолди текширув ёки дастлабки терговни олиб бораётган терговчининг ҳузурига етиб келиши белгиланган. Шунингдек, Низомнинг 3-бўлими «Адвокатларни таклиф қилиш ҳамда уларнинг жиноят ишида иштирок этиш тартиби» деб номланиб, унинг 3.5-бандига кўра, «ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки уларнинг қонуний вакиллари ёхуд қариндошлари томонидан танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, терговчи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб

адвокатлик тузилмасига мурожаат қилишни тавсия этади ва бу ҳақда уларнинг иштирокида тегишли баённома тузилади ёки терговчининг ўзи бириктирилган адвокатлик тузилмасининг раҳбарига ҳимоячи ажратиш ҳақида асослан-тирилган хат билан мурожаат этади. Шошилинч ҳолларда терговчи адвокатлик тузилмасининг раҳбарига адвокат ажратишни ёки навбатчи адвокатга ишда қатнашишни таклиф этиб телефон орқали хабар қилади».

Кўриниб турибдики, низомнинг мазкур бандида ЖПКда белгиланмаган қоида, яъни «...терговчининг ўзи бириктирилган адвокатлик тузилмасининг раҳбарига ҳимоячи ажратиш ҳақида асослан-тирилган хат билан мурожаат этади. Шошилинч ҳолларда терговчи адвокатлик тузилмасининг раҳбарига адвокат ажратишни ёки навбатчи адвокатга ишда қатнашишни таклиф этиб телефон орқали хабар қилади» мазмунидаги қоида белгиланган бўлиб, амалиётчилар қонундаги бўшлиқни шу йўсинда тўлдириб, ҳимояланиш ҳуқуқини самарали таъминлаган ҳолда иш фаолиятини давом эттиришга ҳаракат қилганлар. Лекин, бизнинг назаримизда, ҳимояланиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ ҳисобланганлиги сабабли, мазкур ҳуқуқни таъминлаш масаласи Низом доирасида эмас, балки қонун доирасида тартибга солиниши лозим. Айрим олимларнинг бу вазиятда терговчи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлар тузилмасига мурожаат қилишни тавсия этиши ёки унинг ўзи адвокатлик тузилмасига ҳимоячи тайинлаш таклифи билан мурожаат этишини таъкидлаганлиги<sup>2</sup>, ЖПКнинг 50-моддаси талаблари, улар томонидан турлича талқин қилинаётганлигидан далолат беради. Чунки ҳимоячи ажратиш ва ҳимоячи тайинлаш масалалари аслида бир-бирига ўхшаш бўлса-да, уларнинг ҳар бири алоҳида мазмун касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бош бошқармаси ва Ўзбекистон адвокатлар Ассоциациясининг 2003 йил 21 август кундаги қўшма баённомаси билан тасдиқланган.

<sup>2</sup> Қаранг: Тухташева У.А. Уголовный процесс: Учебное пособие. – Т., 2007. – С. 163.; Астанова Л.И. Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар / Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. – Т., 1999. – Б. 470—471.

Шу сабабли, қонунда ҳимоячи таклиф этиш ва тайинлашнинг самарали механизми белгиланиши лозим. Айнан шу механизм айрим терговчиларнинг ўз юритувидаги жиноят ишларида «таниш» адвокатларини қатнаштиришига имкон бермаслиги лозим. Чунки, гумон қилинувчининг ҳимоячи билан бундай тартибда таъминланиши адвокатнинг қонунда белгиланган вазифаларини<sup>1</sup> бажаришга тўсқинлик қилади. Бундай адвокатлар гумон қилинувчидан кўра, терговчининг манфаатларига хизмат қилишга ҳаракат қилдилар.

Юқорида баён қилинган ҳар уч ҳолатда ҳам терговчи томонидан ҳимоячи таклиф этиш гумон қилинувчининг илтимоси ёки уларнинг розилиги билан амалга оширилиши лозим. Бундай илтимос ёки розилик улар томонидан терговчининг номига ёзилган аризада баён этилиши керак. Айнан ушбу ариза ҳақиқатан ҳам улар ва уларнинг яқинлари томонидан ҳимоячи таклиф этилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, терговчилар томонидан ушбу таклиф асоссиз юборилишининг олдини олишга хизмат қилади.

ЖПК талабларига кўра, ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш терговчининг зиммасига юклатилган экан, бунинг учун терговчи қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши лозим:

- 1) ҳимоячини таклиф этиш;
- 2) ҳимоячи тайинлаш.

ЖПКда терговчи томонидан ҳимоячини таклиф этиш фақатгина ҳимоячидан воз кечиш ҳолларидагина амалга оширилиши белгиланган (52-м.) Бироқ юқорида баён қилинган муаммоли ҳолатлар ва асосларга таянган ҳолда терговчи томонидан ҳимоячи таклиф этиш доирасини кенгайтириш зарур. Фикри-

мизча, гумон қилинувчи, айбланувчи юридик ёрдам учун тўловга қобилиятли бўлса-да, унинг ўзи ёки уларнинг илтимоси ёхуд розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи танланмаган ва таклиф этилмаган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчининг илтимоси ёки розилиги билан терговчи томонидан ҳимоячи таклиф этилиши лозим. Бундан ташқари, танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда ҳам терговчи томонидан бошқа ҳимоячи таклиф этилиши керак. Бунда гумон қилинувчи, айбланувчининг розилиги ёки илтимоси талаб қилиниши шарт эмас. Айрим муаллифлар ушбу жараёнда ҳимоячи тайинланиши лозим деб ҳисобласалар-да<sup>2</sup>, биз қуйидаги асосларга кўра ушбу вазиятда ҳимоячи таклиф этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

*биринчидан*, фақатгина гумон қилинувчи ва айбланувчи юридик ёрдам учун тўловга қобилиятсиз бўлган ҳолларда ҳимоячи тайинланиши шарт;

*иккинчидан*, ЖПКда ҳимоячи тайинланган вақтдан бошлаб вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмаслиги назарда тутилган бўлиб (ЖПК 53-м.), ушбу қоида мажбурий хусусиятга эга бўлганлиги боис ҳимоячи ва гумон қилинувчи ўртасида самимий муносабат ўрнатилишига салбий таъсир қилади;

*учинчидан*, ҳимоячи таклиф этилганда у гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан холи учрашиб, ушбу вазиятда йигирма тўрт соат ичида сўроқ қилиниши лозимлигини, танланган ҳимоячининг бу вақтда ишда иштирок этиш учун кела олмаслиги ушбу вақтни узайтиришга асос бўлмаслигини, агар улар битим тузишга эришсалар, танланган ҳимоячи келгунига қадар ишда қатнашиши каби муҳим ҳолатларни тушунтириши, улар ўртасида битим

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни 7-м. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — № 2. — 48-м.; 2001. — № 1 — 2. — 23-м.; 2003. — № 5. — 67-м.; 2004. — № 1 — 2. — 18-м.; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. — № 37 — 38. — 280-м.; 2008. — № 52. — 514-м.

<sup>2</sup> *Тухташева У.А.*, Уголовный процесс: Учебное пособие. — Т., 2007. — С. 163; *Астанова Л.И.*, Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар / Муаллифлар жамоаси; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. — Т., 1999. — Б. 470-471.

---

тузилишига олиб келиш эҳтимолини оширади. Амалиёт эса тайинланган ҳимоячига нисбатан ишда иштирок этишга битим тузиш асосида жалб этилган ҳимоячининг самарали фаолият юритишини кўрсатмоқда.

Бизнингча, ҳимоячи тайинлаш масаласи ҳам такомиллаштиришга муҳтож. ЖПК талабларига кўра, фақатгина ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, терговчи томонидан ҳимоячи тайинлаш тўғрисида қарор чиқарилиши назарда тутилган (51-м. 3-қ.). Назаримизда, яна бир ҳолат, яъни ҳимоячига эга бўлиш истагини билдирган гумон қилинувчи юридик ёрдам учун тўловга қобилиятсиз бўлиб, у ёки унинг илтимосига ёхуд розилигига кўра бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса ҳам терговчи томонидан ҳимоячи тайинланиши керак.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 51-моддасида назарда тутилган ҳимоячи тайинлаш тартиби такомиллаштирилиши лозим. Чунки, *биринчидан*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига<sup>1</sup> кўра, ҳудудий бошқарма ҳар бир вилоятда ташкил этилган бўлиб, ЖПК 51-моддасининг учинчи қисмида терговчининг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига юборилиши белгиланганлиги, гумон қилинувчи ва айбланувчининг йигирма тўрт соат ичида ҳимоячи билан таъминлашига тўсқинлик қилади. Чунки туман миқёсида фаолият юритувчи терговчилар вилоят марказида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига мазкур қарорни етказиш кўп вақт талаб қилади. *Иккинчидан*, унда ҳимоячи тайинлаш тўғриси-

да қарор чиқаришдан олдин гумон қилинувчи ва айбланувчининг илтимоси ёки розилиги олиниши назарда тутилмаган. Фикримизча, бундай қарор гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги илтимосномаси ёки розилигини акс эттирган аризаси асосида чиқарилиши, ҳақиқатан ҳам улар ва уларнинг яқинлари томонидан ҳимоячи таклиф этилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, терговчилар томонидан ушбу қарор асосиз чиқарилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Ишда ҳимоячининг иштирокини таъминлаш ҳимоячини таклиф этиш ва тайинлаш ҳаракатлари орқали амалга оширилган экан, демак, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш тартибини белгилувчи қоидалар битта нормада акс эттирилиши мақсадга мувофиқлигини инобатга олиб, ЖПКнинг 50-моддасини «Ҳимоячи таклиф этиш ва тайинлаш» деб номлаш ҳамда ЖПК 51-моддасининг учинчи қисмини юқорида баён этилган тарзда такомиллаштирилган ҳолда 50-моддада акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, гумон қилинувчи, айбланувчи айнан маълум бир адвокатни таклиф этиш ёки тайинлаш ҳақида илтимос қилган ҳоллардан ташқари, терговчи томонидан ҳимоячи таклиф этилганида ҳам, тайинланганида ҳам қарорда ва хатда айнан маълум бир адвокатнинг исми шарифи кўрсатилмаслиги лозим. Хат ёки қарорни қабул қилиб олган адвокатлик тузилмаси раҳбари адвокатнинг навбатчиликда эканлиги ёки бошқа мезонлар асосида маълум бир адвокатнинг ишда иштирок этиш учун юборилишини таъминлайди.

Баён этилган таклифлар дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ўз вақтида ҳимоячи билан таъминланишига, тергов органлари ва адвокатлик тузилмалари ўртасида соғлом муносабат вужудга келишига шароит яратиш орқали иш юзасидан адолатли қарор қабул қилинишига олиб келади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008. — №22-23. — 201-м.

## ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Мамлакатимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар муайян мақсадга йўналтирилган бўлиб, унинг энг олий даражаси юртимизни обод ва озод Ватан сифатида юксалтириш, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш учун фаровон турмуш шароити яратишдир. Бу мақсадларга эришишда шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар қандай ўзгариш ва янгила-нишлар каби ҳозирги модернизация жараён-лари ҳам шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви-га у ёки бу даражада таъсир этиши табиий.

Шу муносабат билан модернизация жа-раёнида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви-га таъсир этувчи омилларни шартли равишда қуйидаги муайян гуруҳларга ажратиб олиб ўрганишни таклиф этамиз:

мавжуд бўлиш шаклига кўра — объектив ва субъектив;

ижтимоий аҳамиятига кўра — ижобий ва салбий;

таъсирининг давомлилигига кўра — дои-мий ва муайян муддатли ва ҳоказо.

Демак, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашу-ви-га таъсир этувчи омиллар мавжуд бўлиш, яъни келиб чиқиш ёки пайдо бўлиш ҳолатига кўра объектив ва субъектив турларга бўлинади.

*Объектив омиллар* субъектнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви-га таъсир этувчи воқеа, ҳодиса ва жараёнлардир. Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви-га таъсир этувчи объектив омилларнинг мисоли сифатида шахс яшаётган оилавий, ижтимоий муҳитни, сиёсий ва бошқарув жараёнларини ва бошқа ташқи таъсирларни кўрсатиш мумкин.

Фикримизча, объектив омиллар шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида биз таклиф

этаётган бошқа турдаги омилларга нисбатан алоҳида аҳамият касб этиб, жамият ҳаётида энг кўп учрайдиган воқеа ва ҳодисалар сифатида баҳоланиши лозим. Чунки, жамиятда субъектнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган жараёнлар шунчалик кўп содир бўладикки, улар орқали шахс, хоҳласа-хоҳламаса, ижтимоий-лашади<sup>1</sup>.

Агар ҳуқуқий модернизация жараёнла-рида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви-га таъсир этувчи объектив омилларга эътибор қаратсак, уларнинг жуда кўплигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бунга биргина мисол сифатида умумжаҳон иқтисодий инқирозини кўрсатиб ўтиш мумкин. Инқироз ҳеч бир ўзбек фуқаросининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлма-ган ҳолда юзага келди. Бу унинг объективлик жиҳати билан боғлиқ. Ўзбекистонда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозига қарши кураш-нинг ҳуқуқий асослари зудлик билан шакллантирилди. Ўз вақтида кўрилган тушунтириш ишлари ва бошқа чора-тадбирлар натижасида фуқароларимиз инқирознинг хавфини англа-дилар ва унга тайёрландилар. Шубҳасиз, бу уларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви-га таъсир этадиган омилдир. «Шуни бугун катта мамну-ният билан таъкидлашимиз керакки, ҳукумати-миз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжал-лаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурининг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли ва аҳамияти катта бўлди. Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлақати-миз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишла-шини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секто-ри тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қара-тилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси тадқиқотчиси.

<sup>1</sup> Қаранг: *Гидденс Энтони*. Социология: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма // Ижтимоийлашув ва ҳаёт цикли. “Ижтимоийлашмаган” болалар / Таржимонлар: Н.Маматов, Ж.Бегматов. — Т., 2002. — Б. 81-98; *Lane Harlan*. The Wild Boy of Aveyron. — Cambridge, 1976.

---

чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз»<sup>1</sup>.

*Субъектив омиллар* шахсларнинг ҳаракатлари натижасида уларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир этадиган воситалар йиғиндисиدير. Улар шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ ҳолда ва ўз ҳаракатлари натижасида юзага келади ҳамда уларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир этади. Бу ерда шахснинг хоҳиш-иродаси фақатгина ижтимоийлашишга қаратилмаган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, шахс таълим олишни хоҳлаган ҳолда мактаб сари қадам қўйди. Бу ерда унинг асосий мақсади билан олиш ҳисобланади ва шу билан бирга ижтимоийлашув жараёнини бошидан кечиради<sup>2</sup>.

Шахснинг мақсади ва ҳаракати бевосита ҳуқуқий ижтимоийлашувга йўналтирилган ҳолатлар ҳам амалда кузатилади. Масалан, шахс ҳуқуқ йўналиши бўйича илм олишни мақсад қилади ёки шу йўналишда тўғаракка боради. Бу ўринда ҳаракат ва мақсад бир йўналишга, яъни айнан ҳуқуқий ижтимоийлашувга қаратилган бўлади.

Ҳуқуқий модернизация жараёнларида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир этувчи субъектив омилларга яна бир мисол тариқасида бугунги кунда фуқаролардаги ҳуқуққа қизиқишнинг, ҳуқуқни ўрганишга бўлган талабнинг ортганлигини ҳам кўрсатиш мумкин.

Бугун тараққиёт жараёнлари ва мамлакатимиз ўз олдида мақсад сифатида белгилаган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мақсади ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжни оширмақда. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқишни хоҳловчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ёшлар бошқа касбларга қараганда ҳуқуқшунос бўлишга кўпроқ хоҳиш билдирмоқдалар. Демак, бугунги модернизация жараёнлари фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шахснинг ўз хоҳиши билан ҳуқуққа интилишини ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг субъектив омил сифатида баҳолаш мумкин.

---

Ҳуқуқий ижтимоийлашувга таъсир кўрсатадиган омиллар ижтимоий аҳамиятига кўра: ижобий ва салбий турларга ажратилиши мумкин.

*Ижобий омиллар* деганда, шахс ҳуқуқий камолотига ижобий таъсир кўрсатадиган воситалар тушунилади. Бунга таълим, тарбия ва бошқа шу каби омилларни кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига ҳуқуқий тарғибот ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Модернизация жараёнларида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир кўрсатаётган ижобий омиллардан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга йўналтирилган тадбирларнинг мунтазам ташкил этиб борилаётганлиги эътиборга моликдир. Адлия вазирлиги томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида барча ҳудудлар бўйлаб ўтказиладиган тадбирларни ҳуқуқий ижтимоийлашув борасидаги энг муҳим ижобий омил сифатида эътироф этиш мумкин. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилаётган эътибор ҳам ҳуқуқий ижтимоийлашув борасидаги ижобий омиллардан саналади. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида баркамол авлод камолоти ва уларнинг ҳеч қайси мамлакат ёшларидан кам бўлмаслигига, ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бошчилигида мустақилликнинг илк йиллариданоқ амалга оширилган бундай оқилона сиёсат бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз истеъдод ва қобилиятларини, буюк ишларга қодир эканликларини намоён этиб, жаҳон аҳлининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқдалар. Халқаро доирада ташкил этилаётган турли йўналишлардаги танловлар, фан олимпиадалари, мусиқа, бадиий санъат ҳамда спорт мусобақаларида эришилган юксак натижалар ҳамюртларимизнинг улкан ишларга қодирлигини

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz).

<sup>2</sup> Harlow Harry F. and R.R.Zimmerman. Affectional responses in the infant monkey // Science, 130. 1959: Harlow Harry F. and Margeret K. Harlow. Social deprivation in monkeys // Scietifie American. 1962: Novak M. A. Social recovery of monkcys isolated for the first year of life: II. Long-term nt // Devolpmental Psechology, 2. 1979.

бутун жаҳонга намоён этмоқда. Зеро, «Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобиляят, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур»<sup>1</sup>. Албатта, юқоридаги эътирофлар ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувидаги ижобий омилларнинг натижасидир.

Мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви учун етарли шарт-шароит, ҳуқуқий асослар яратилган. Ҳозирги кундаги энг муҳим масала мавжуд ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланишдир.

Ҳозирги ҳуқуқий модернизация жараёнида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви таъсир этувчи ижобий омиллар билан бир қаторда *салбий омиллар* ҳам учраб туради. Улар шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида қайсидир жиҳатдан тўсқинлик қилади. Модернизация босқичида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида салбий таъсир кўрсатаётган омилларга мисол сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнининг энг муҳим маркази ҳисобланган оилаларда айрим ота-оналарнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасининг пастлиги;

- «оммавий маданият» тарзида мамлакатимизга кириб келаётган мафкуравий таҳдидлар ва бузғунчи ғоялар;

- ҳуқуқий нигилизмнинг кучайишига таъсир кўрсатувчи уюшган жиноятчилик, коррупция ва порахўрлик;

- қонунчилик тизимидаги бўшлиқлар, ҳуқуқдаги ихтилофлар, айрим ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги ва қонунийлик тамойилининг амал қилмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар;

- чет эл оммавий ахборот воситалари, хусусан Интернет орқали тарқатилаётган, ёшлар маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий баркамоллигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ва ҳоказо.

Модернизация жараёнларида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида таъсир этадиган омиллар таъсир кучининг давомийлигига кўра:

*доимий ва муайян муддатли* турларга таснифланади.

Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир этувчи омилларнинг доимий турига муайян вақт, яъни таъсир вақти чегараланмаган омилларни кўрсатишимиз мумкин. Масалан, оила шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида узлуксиз таъсир кўрсатади. Барча инсонлар аксарият ҳолларда ҳаёт фаолияти давомида ўз оиласи билан яшайди. Оила инсонни туғилганидан умрининг охиригача ижтимоийлашувида асосий роль ўйнайди. Шунинг учун оилани шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида доимий таъсир кўрсатувчи омиллар сирасига киритиш мумкин.

Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига муайян муддат давомидагина таъсир кўрсатадиган омиллар маълум бир вақт давомида кечади. Бунда болаларнинг мактаб таълими давридаги вақтини мисол қилиш мумкин. Мактаб шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида унинг ўқувчилик давридагина таъсир кўрсатади<sup>2</sup>. У мактабни битириб олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинса, таъсир объекти ўзгаради.

Агар ҳуқуқий модернизация жараёнларидаги шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир кўрсатаётган доимий ва муайян муддатли омилларга эътибор қаратсак, биринчи омил, яъни доимий таъсир этувчи омилнинг модернизация босқичи доирасидан четга чиқиши кузатилади. Иккинчиси эса модернизация босқичи доирасида кузатилади.

Айниқса, ҳозирги модернизация босқичида фуқароларда ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг аҳамияти янада кучаймоқда, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади ҳуқуқий жиҳатдан юқори даражада ижтимоийлашган субъектларни талаб этмоқда.

Демак, «модернизация» ўз моҳиятига кўра янгиланиш, ислоҳ қилиш деган мазмунни англатар экан, ижтимоий ҳаётни янгилаш ва мамлакатимиздаги ислохотларни янги босқичга кўтариш, фуқароларни жамиятдаги ўзгаришлар ва янгиланишларнинг асосий иштирокчисига айлантиришда шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви ғоят катта аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ёшларимиз – халқимизнинг ишончи ва таянчи. – Т., 2006. – Б. 55.

<sup>2</sup> Қаранг: Гидденс Энтони Социология: олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма // Ижтимоийлашув ва ҳаёт цикли. Ижтимоийлашув агентлари: Оила ва мактаб / Таржимонлар: Н.Маматов, Ж.Бегматов. – Т., 2002. – Б. 98-101.



## НЕКОТОРЫЕ ТРЕБОВАНИЯ, ПРЕДЪЯВЛЯЕМЫЕ К ПРОЦЕССУАЛЬНОМУ ЗАКРЕПЛЕНИЮ (ФИКСАЦИИ) ДОКАЗАТЕЛЬСТВ

Постановка задачи построения демократического правового государства и сильного гражданского общества предполагает повышение требований к соблюдению законности<sup>1</sup> в деятельности правоохранительных органов. Конституция Республики Узбекистан провозгласила: «Высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права. Демократические права и свободы защищаются Конституцией и законами» (ст. 13).

Важнейшим направлением в решении указанных задач представляется четкая и детальная регламентация уголовно-процессуальных отношений в современном законодательстве.

В правовом государстве правовые отношения должны регламентировать складывающиеся процессуальные отношения таким образом, чтобы они в полной мере обеспечивали защиту человека, общества, государства от преступлений путем создания условий для их раскрытия, изобличения и осуждения виновных и установления гарантии претворения в жизнь правовых предписаний. В то же время неполнота правовой регламентации дает возможность для трактовки отдельных положений закона по усмотрению правоприменителя, что является благоприятной почвой для нарушений норм закона.

Основные требования, которым должна соответствовать процедура закрепления доказательств в уголовном процессе, определяются Уголовно-процессуальным кодексом Республики Узбекистан. Это обусловлено

тем, что основополагающим принципом уголовного процесса является законность, которая рассматривается как строгое соблюдение государственными органами, должностными лицами, ведущими производство по делу и участвующими в деле лицами норм законодательства при принятии решений и совершении процессуальных действий. Вместе с тем закон и правоприменительная деятельность позволяют выделить еще ряд важных требований, которые следует соблюдать в ходе процессуального закрепления доказательств.

Среди требований закона, которые необходимо учитывать при фиксации доказательств, одним из первых следует назвать своевременность. В частности, для протоколирования С. А. Шейфер схожее требование – безотлагательность ставил непосредственно на первое место<sup>2</sup>.

Это предписание может рассматриваться двояко: во-первых, как обязанность немедленного проведения следственного или процессуального действия после возникновения оснований к этому; во-вторых, как безотлагательное закрепление хода этого мероприятия и полученных в его результате данных.

Фактор времени часто имеет решающее значение при расследовании преступлений, и не случайно задачей уголовно-процессуального законодательства УПК Республики Узбекистан называется не только полное, но и быстрое раскрытие преступлений. Статья 331 УПК Республики Узбекистан предписывает, что, вслед за возбуждением дела немедленно

\* Соискатель кафедры уголовного процесса Академии МВД Республики Узбекистан.

<sup>1</sup> См.: Каримов И.А. Справедливость — в приоритете закона // За безопасность и мир надо бороться. Т.10. — Т., 2002. — С. 37–52.

<sup>2</sup> См.: Шейфер С.А. Доказательства и доказывание в уголовном процессе. — Н.-Новгород, 1998. — С. 90.

---

должны быть приняты меры к закреплению и охране следов преступления, предметов и документов, которые могут иметь значение для дела, что, несомненно, следует трактовать как немедленное начало собирания доказательств. Как верно отметил проф. А.В. Белоусов, запоздалый осмотр места происшествия, проволочка с обыском и т.п. способны привести к невосполнимой утрате доказательств и в конечном счёте – к провалу всего расследования<sup>1</sup>.

Иногда неотложность следственных действий позволяет обходиться без соблюдения всех условий и процедуры их проведения. Так, в случаях, не терпящих отлагательства, выемка и обыск могут быть проведены в ночное время и без санкции прокурора (ст. 161 УПК), а осмотр места происшествия — до возбуждения уголовного дела (ст. 137 УПК). Допущение законодателем такого стеснения прав граждан подчеркивает важность своевременности получения и закрепления доказательств.

Наконец, необходимость максимально быстрого осуществления действий по собиранию доказательств обусловлена и ограниченностью времени расследования (ст. 351 УПК).

Существенно, что своевременность проведения следственных действий по получению доказательств определяется не только моментом возникновения оснований для этого, но и отсутствием обстоятельств, свидетельствующих о целесообразности отложения этих действий ввиду сложившейся следственной ситуации. Скажем, осмотр места происшествия может быть перенесен с темного на светлое время суток, что увеличивает вероятность обнаружения доказательств.

Требование своевременного закрепления полученных данных также имеет нормативные основания: ч. 1 ст. 90 УПК предусматривает, что сведения и предметы могут быть использованы в качестве доказательств только после того, как они зафиксированы в протоколах следственных действий; ч. 1 ст. 91 УПК

предполагает, что для закрепления доказательств могут применяться наряду с составлением протоколов звукозапись, видеозапись, киносъемка, фотосъемка, изготовление слепков, оттисков, планов, схем и другие способы отображения информации. К содействию в применении этих способов закрепления доказательств дознаватель, следователь могут привлечь специалистов. Из статей УПК, посвященных отдельным следственным действиям, усматривается, что все присутствующие лица должны быть сразу же ознакомлены с протоколом, что предполагает его незамедлительное составление.

Особым требованием к закреплению доказательств и, в частности, к протоколированию, можно назвать и выполнение предписаний ст. 90 УПК. Изложение сведений, перечисленных в данной норме, позволяет субъекту доказывания в случае необходимости проверить допустимость зафиксированных данных в самых различных аспектах: проведение следственного действия в установленном законом месте, надлежащим лицом, с соблюдением прав участвующих в нем граждан и т.д. Следует признать, что эти требования в некоторых случаях не выполняются должным образом. В частности, имя и отчество судебно-медицинских экспертов, криминалистов, оперуполномоченных в протоколах обычно не указываются, нередко нет отметки о времени окончания следственного действия. Впрочем, суды обычно лояльно относятся к подобным недочетам и при отсутствии соответствующего ходатайства не ставят вопрос о недопустимости доказательства.

С другой стороны, отсутствие в протоколе допроса, например, указания на время его составления позволяет заинтересованному лицу (обвиняемому или его защитнику) заявить о том, что допрос необоснованно производился в ночное время, что явилось способом незаконного воздействия на допрашиваемого. Если подобный довод будет опровергнут, нарушение будет устранено.

---

<sup>1</sup> См.: Белоусов А. В. Процессуальное закрепление доказательств при расследовании преступлений. – М., 2001. – С. 174.

---

Иными словами, значимость такого нарушения, как невыполнение предписаний ст. 90 УПК, во многом определяется возможностью его устранения.

Одним из принципов уголовного процесса является непосредственность и устность исследования доказательств (ст. 26 УПК). Учитывая данные положения закона в процессе доказывания, каждое доказательство следует закрепить полно, всесторонне и объективно.

Объективность фиксации доказательств заключается, прежде всего, в непредубежденном, беспристрастном исследовании обстоятельств дела и закреплении лишь тех фактов и явлений, которые существуют в действительности, причем как уличающих, так и оправдывающих обвиняемого.

В материалах фиксации доказательств не должно отражаться мнение следователя, его толкование тех или иных выявленных данных, предположения по поводу, скажем, истинности показаний обвиняемого или подлинности изъятых документов. В равной мере недопустимо и отражение мнения других возможных участников следственного действия: прокурора, защитника, понятых и т. д. Исключение составляют эксперт и специалист, смысл участия которых в расследовании состоит именно в использовании их знаний, но они могут выражать свои представления лишь в той области, в которой они компетентны.

Несомненно, элементы субъективизма как при проведении следственных действий, так и при закреплении их результатов неизбежны, поскольку, как отмечает П. А. Лупинская, «восприятие следователем объективной действительности носит субъективный характер». Поэтому полностью устранить субъективность восприятия следователем как окружающего мира вообще, так и отдельных его элементов, подлежащих фиксации в качестве доказательств по делу, невозможно. Но оградить расследование от предвзятости, тенденциозности, обвинительного уклона вполне реально, и закон содержит ряд гарантий, призванных повысить объективность процесса доказывания<sup>1</sup>.

---

Так, следователь или дознаватель не вправе принимать участие в производстве по делу, если они лично, прямо или косвенно заинтересованы в данном деле (ст. 76 УПК). Аспекты заинтересованности указаны в ст. 76 УПК: участие следователя в деле как потерпевшего, свидетеля или в другом качестве; наличие родственных связей с кем-либо из участников процесса и т. д.

Немаловажно, что в Уголовном кодексе Республики Узбекистан регламентирована специальная норма, ограждающая следователя от вмешательства в какой бы то ни было форме в ход расследования (ст. 236 УК Республики Узбекистан «Вмешательство в расследование или в разрешение судебных дел»).

Можно отметить, что соотношение объективного и субъективного в доказательственной деятельности следователя зависит от метода познания, который он применяет. Так, измерение (при использовании точных приборов) не позволяет существенно отклониться от истины, в то время как описание заведомо содержит и объективные, и субъективные моменты.

На соблюдение требований полноты и объективности прямо или косвенно направлены многие нормы закона: внесение в протокол всех существенных обстоятельств, выявленных в ходе следственного действия (ст. 90 УПК), запись показаний свидетеля по возможности дословно (ст. 106 УПК), запрет получения показаний от лиц, которые из-за психических или физических недостатков не способны правильно воспринимать обстоятельства, имеющие значение для дела и давать о них показания (п. 3 ч. 1 ст. 115 УПК); присутствие понятых (ст. 352 УПК), а при обыске и выемке – лица, у которого производится обыск или выемка (ст. 160 УПК). Согласно ч. 2 ст. 182 УПК в протоколе должны быть описаны все действия лица, производившего освидетельствование, и все следы, свойства, признаки, обнаруженные при освидетельствовании.

Представляется, что объективность фиксации доказательств обеспечивает и

---

<sup>1</sup> См.: Лупинская П.А. Допустимость доказательств // Российская юстиция. – 1998. – №11. – С. 23–24.

---

---

предписание ст. 20 УПК, обязывающей следователя привлекать к участию в деле переводчика в случае, если участвующие в деле лица не владеют языком производства. Ведь именно переводчик в случае допроса такого лица или иного следственного действия с его участием (очная ставка, предъявление для опознания) призван полно и без искажений довести до сведения следователя и других участников следственных действий сообщаемую информацию. Нарушение этого правила является бесспорным основанием для возвращения дела на дополнительное расследование или отмены приговора.

Кроме того, объективность показаний свидетеля, потерпевшего, заключения эксперта, а также перевода переводчика гарантирует и ст. 238 УК Республики Узбекистан («Лжесвидетельство»), предусматривающая уголовную ответственность в случае сознательного (заведомого) нарушения этого требования.

Полноте закрепления доказательств способствует также участие в следственных действиях специалиста, предусмотренное ст. 69 УПК. Например, при освидетельствовании врач при помощи медицинской терминологии окажет содействие в детальном отражении телесных повреждений, обнаруженных у лица. Без участия же специалиста следователь опишет их лишь поверхностно, на бытовом уровне.

Одной из сторон объективности можно назвать точность фиксации получаемых данных (например, следователь в присутствии понятых обнаружил на свитере подозреваемого и изъял 11 волос; эксперт, проводивший первоначальную экспертизу, обнаружил в опечатанном свертке 12 волос; при повторной экспертизе в пакете, опечатанном и подписанном экспертом, оказалось 13 волос).

Домысливание может иметь место и при описании предметов. Распространенной ошибкой начинающих следователей является указание в протоколах на предполагаемые признаки предметов, например, «золотая цепочка» вместо «цепочка из металла

желтого цвета». Если в действительности цепочка оказывается не золотой, это влечет подозрения в ее подмене.

Отдельно хотелось бы остановиться на вопросе о языке протокола. Протокол состоит из слов, предложений, а в узбекском языке большинство слов имеет не одно, а несколько значений и смысловых оттенков. При чтении документа другими лицами на восприятие материала воздействуют такие факторы, как возраст читающего, его образовательный уровень, профессия, отношение к автору документа и т. д. Поэтому возможен «интерпретационный сдвиг», когда какие-то элементы содержания будут поняты неадекватно. Если же информация первоначально поступает из такого источника, как речь допрашиваемого, этот сдвиг может возникнуть еще и в ходе протоколирования.

Кроме того, именно протоколирование наиболее подвержено избирательности. Если фотография или видеозапись механически запечатлевает изображение целиком, аудиозапись так же сохраняет все произнесенное (и иные звуки) без купюр, вещественное доказательство хранится в том же виде, как и было обнаружено, то в протокол следователь заносит лишь наиболее значимые, по его мнению, данные. В силу изложенного для обеспечения надлежащего закрепления данных, полученных в ходе следственного действия, протокол должен характеризоваться точностью речи, её однозначностью, нейтральностью, краткостью (сжатостью), логичностью, стандартностью, выразительностью и нормативностью. Выражения, из которых составляется текст, должны быть ясными и понятными.

Кроме того, текст протокола должен быть записан грамотно и общедоступным языком, без использования диалектизмов, жаргонных выражений и т. п. (кроме случаев, когда по обстоятельствам дела такие слова необходимо зафиксировать дословно). Поскольку узбекский язык богат диалектами, распространённые и общеизвестные в одном регионе слова и выражения могут быть неизвестны в другом либо иметь там другое

---

значение. В случае, если местное или жаргонное выражение имеет существенное значение для точной передачи смысла показаний, в скобках следует пояснить значение таких оборотов.

Нередко в протоколах можно встретить сокращения как общеупотребительные, так и специальные, следственные («вещ.док.» вместо «вещественное доказательство», «м/п» вместо «место происшествия»). Следует учитывать, что в различных контекстах даже наиболее распространённые сокращения могут приобретать различный смысл, в результате чего происходит неумышленное искажение фиксируемых данных и нарушается принцип объективности. Поэтому количество сокращений должно быть минимальным. С другой стороны, текст протокола не должен содержать большого количества иностранных слов, профессиональных терминов, а в случае необходимости их применения эти термины должны быть разъяснены. Если же такими словами перегружено заключение эксперта, существенный для дела документ, полученный следователем, либо материал, полученный в результате выполнения отдельного поручения, целесообразно произвести допрос эксперта или автора документа. Недопустимо применение профессионального следственно-оперативного жаргона («доследование», «подельник»).

Все эти искажения протокола (употребление неоднозначных слов и выражений, местных и жаргонных оборотов, неоправданных сокращений) существенно уменьшают его способность объективной передачи фиксируемых данных.

Требование полноты, как и требование своевременности, относится и к содержательной стороне следственных и процессуальных действий, и к их материальному закреплению. В первом значении полнота рассматривается как качественное проведение действий по обнаружению и закреплению доказательств, глубокое и всестороннее проникновение в исследование обстоятельств дела, восприятие следователем всех

---

фактических данных, имеющих связь с преступлением. Во втором — исчерпывающее запечатление всех этих данных либо в натуре, либо документально.

Полнота протоколов различных следственных действий определяется наличием в них отдельных обстоятельств, предусмотренных законом именно для того или иного протокола. В частности, в протоколе опознания подозреваемого должны быть отражены, помимо прочего, сведения о всех лицах, предъявляемых для опознания; предложение следователя опознаваемому занять любое место среди них; предложение опознающему указать лицо, о котором он дал показания и назвать приметы и особенности, по которым он узнал это лицо.

Кроме того, полнота некоторых протоколов состоит в отражении и статической, и динамической частей следственного действия. В ходе осмотра места происшествия обычно вначале изучается обстановка в целом, а затем отдельные предметы и объекты, которыми различным образом манипулируют (перемещают, берут в руки, изымают). Здесь важно отразить не только индивидуальные признаки самих объектов, но и их местонахождение до начала следственного действия, положение относительно других объектов обстановки. Это лучше всего сделать путём фотографирования или видеосъёмки. Данное правило выглядит резонным, когда речь идёт об очевидных вещественных доказательствах: орудиях преступления, вещах со следами, оставленными преступником. Однако нужно учитывать, что для доказывания может понадобиться вроде бы незначительная деталь: расположение мебели в комнате, наличие или отсутствие камней на улице и т. п.

Вместе с тем полноту при закреплении доказательств необходимо соотносить и с требованием избирательности, которая заключается в целеустремлённости действий по поиску доказательств и конкретности отобранной информации. Как отмечено выше,

---

фиксации подлежат далеко не все данные, выявляемые в ходе расследования, поэтому на этом этапе доказывания важно отсеять избыточную информацию, не относящуюся к исследуемым обстоятельствам или имеющую отдалённое отношение, не содержащую сведений о юридически значимых обстоятельствах.

Надёжность закрепления доказательств означает такой подход к организации этого этапа доказывания, который позволит сохранить полученную информацию и содержащие её носители на протяжении длительного времени без существенных изменений, предотвратить их подмену и порчу. В УПК данное требование прямо не закреплено, но имеет весьма большое значение. Наибольшую роль оно играет при получении вещественных доказательств, что отражено в ст.ст. 205-208 УПК и др. Эти статьи предписывают упаковывать и опечатывать вещественные доказательства, фотографировать их, приобщить к уголовному делу и пр. Несоблюдение данного порядка способно негативно повлиять на расследование.

Вместе с тем иногда это требование актуально и при составлении протоколов: не рекомендуется делать записи в них карандашом (кроме исключительных случаев – осмотр местности зимой и т. п.), расплывающимися чернилами, на некачественной, рыхлой бумаге, с использованием других недолговечных письменных принадлежностей. Следует учитывать, что уголовные дела прочитывают и пролистывают десятки людей, их перевозят на большие расстояния и хранят в самых различных условиях, и при этом такой хрупкий носитель, как бумага, должен полностью сохранить всю запечатленную информацию.

Представляется, что было бы разумно включить в УПК норму, обязывающую следователя обеспечивать требование

---

надёжности не только при работе с вещественными доказательствами, но и при закреплении всех иных доказательств – собираемые следователем доказательства должны быть закреплены таким образом, чтобы это исключало возможность их утраты или видоизменения.

Обязательным способом фиксации любого следственного действия является протоколирование, все остальные средства применяются по усмотрению следователя и выступают в качестве факультативных, а полученные результаты их применения служат приложениями к протоколам. В частности, нередко возникает необходимость составления приложений к протоколам (планов, схем, рисунков) или использования дополнительных средств фиксации (фотографирования, звукозаписи). Эти приложения порой несут значительно большую информационную нагрузку, чем протокол, что в полной мере способствует достижению целей доказывания и уголовного процесса. Поэтому в качестве отдельного требования к процессу закрепления доказательств следует назвать максимальное использование дополнительных средств фиксации, в первую очередь аудио- и видеозаписи.

Таковы основные требования к процессуальному закреплению доказательств. Их выполнение обеспечивает возможность использования доказательств в уголовном процессе, т. е. гарантирует их допустимость. Напротив, нарушение требований закона при закреплении доказательств является основанием признания их недопустимыми. Особенно ощутимый удар по доказательственной базе наносит нарушение требования законности в тех случаях, когда вывод о недопустимости по этой причине одного доказательства влечет и недопустимость ряда других, производных от него.

**Саҳаддинов С.М. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш ва уларни такомиллаштириш муаммолари: Монография. — Т.: Янги аср авлоди, 2012. — 292 б.**

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири суднинг фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ҳокимият сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг суд томонидан ҳимоя қилиниши кафолатларини янада кучайтиришдир. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллашнинг судларга ўтказилиши, шубҳасиз, суднинг одил судлов органи сифатидаги аҳамиятини янада оширди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, «мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда».

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишларини суд томонидан мазмунан кўриб чиқиш масаласи атрофлича тартибга солинган. Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексида айрим тоифадаги ишларни кўришнинг алоҳида тартибини белгиланган. Хусусан, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш бўйича иш юритиш ўзининг юридик моҳиятига кўра, алоҳида тоифада кўриб чиқиладиган ишлар ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, қонун чиқарувчи мазкур турдаги ишларни судда кўришнинг алоҳида

тартибини қандай мезонлардан келиб чиққан ҳолда белгиланганлиги номаълум. Боз устига, ушбу тоифа ишларни кўриб чиқишнинг процессуал қоидаларини такомиллаштириш масалаларига оид муаммолар юридик адабиётларда етарлича ёритилган эмас.

Кези келганда қайд этиш лозимки, алоҳида тоифадаги ишларни юритиш тартиби сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари туфайли анча такомиллашди. Чунончи, вояга етмаганлар ишларини юритиш халқаро қонунчиликка мувофиқ ҳолда ислоҳ этилди; ярашув ишларини юритишнинг моддий ва процессуал-ҳуқуқий асослари кенгайтирилди; амнистия актини қўллаш билан боғлиқ қонунчиликдаги бўшлиқ бартараф этилди ва ҳоказо.

Гарчанд, бу борада қонунчилик фаолияти ва илмий адабиётларда муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, алоҳида тоифадаги ишларни юритиш тартибига оид комплекс монографик тадқиқот иши ҳали олиб борилган эмас. Чунончи, вояга етмаганлар ишларини юритиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, ярашув бўйича иш юритиш, амнистия актини қўллаш билан боғлиқ жиноят-процессуал нормаларни таҳлил қилиш, уларни амалиётда қўллашда бир қанча камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

С.М.Саҳаддинов томонидан тайёрланган «Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш ва уларни такомиллаштириш муаммолари» деб номланган ушбу монография жиноят процессининг муҳим масалаларидан бирига бағишланган бўлиб, унда жиноят процессида алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритишнинг вужудга келиши, моҳияти ва аҳамияти, жиноят процессида ишларни юритиш тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари баён этилади, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш тушунчаси, унинг ривожланиш тарихи, ўзига хос жиҳатлари ва турлари, вояга етмаганларнинг жиноятлари

---

ҳақидаги ишларни юритиш тартибининг илмий ва ҳуқуқий асослари, жиноят процессида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашнинг умумий асослари, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш хусусиятлари кўриб чиқилади. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тартибининг вужудга келиши, моҳияти ва аҳамияти, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллашнинг хусусиятлари, амнистия актини қўллаш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг моҳияти ва аҳамияти, амнистия актини қўллашнинг процессуал тартиби каби масалалар илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилади.

Шунингдек, муаллиф томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича судларни ташкил этиш масалалари таҳлил қилинганда фақатгина жиноят-процессуал қонунчилик билан чекланиб қолмай, балки ушбу тизимни яратишга асос бўлувчи алоҳида махсус қонун ҳужжати ишлаб чиқиш билан боғлиқ таклиф асослантирилган ва ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганида, монографиянинг илмий-амалий қиммати янада ошган бўларди.

Шу билан бирга, баъзи муаллифлар хорижий мамлакатлар суд ва ҳуқуқни ҳимоя

қилиш органлари билан ҳамкорликка доир ишларни алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритишга киритадилар. Ваҳоланки, бу хилдаги ишлар алоҳида тоифадаги ишлар сирасига кирмайди. Чунки бу масалалар барча ишлар бўйича амалга оширилиши мумкин бўлиб, муаллиф ушбу масалага ҳам эътибор қаратиши ва бу борада ўзининг позициясини билдириб ўтса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, С.М.Саҳаддинов томонидан тайёрланган «Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш ва уларни такомиллаштириш муаммолари» деб номланган мазкур монография жиноят процессида мавжуд бўлган бу тоифадаги жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ назарий бўшлиқни тўлдиришга, ҳозирги суд-ҳуқуқ ислохотларидан келиб чиққан қонунчиликни такомиллаштиришга ҳамда бу борадаги тасаввурларни бойитишга хизмат қилади.

**Тошкент Давлат юридик  
институтининг жиноят процесси  
кафедрасининг доценти  
юридик фанлар доктори  
Г.З. Тўлаганова**